



М. Мирзахидова, Ҳ. Абулқосимова, М. Халмуратова

ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим ўрта мактабларининг
5-синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан
вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек – 2018

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Уз я721
М 63

Мирзахидова М. в. б.

М 63 Ўзбек тили: Умумтаълим ўрта мактабларининг 5-синфи учун дарслик /
М. Мирзахидова, Ҳ. Абулкосимова, М. Халмуратова. – Б.: Аркус, 2018. –
208 б., расм.

ISBN 978-9967-31-758-1

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун
«Дарсликлар яратиш маркази» томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги
фикр-мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдири-
шингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: *Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 25-уй*

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



– жавоб беринг



– билиб олинг



– жуфтликдаги иш



– гуруҳдаги иш



– иқтидорли ўқувчилар учун
мўлжалланган машқлар



– уйга топширик

М 4306020300–18

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Уз я721

ISBN 978-9967-31-758-1

© М. Мирзахидова, Ҳ. Абулкосимова, М. Халмуратова, 2018
© «Аркус нашриёти», 2018
© ҚР Таълим ва Фан вазирлиги, 2018
© Дарсликлар яратиш маркази, 2018

АЗИЗ ЎҚУВЧИМ!

Мана, бошланғич синфни ҳам битириб олдингиз. Ёшингиз улғайди. Билим олишнинг иккинчи – асосий босқичини бошлаш бўсағасида турибсиз. Албатта, бу босқичда биринчилардан бўлиб Сизга она тили дарслари етакчи бўлади, бошқа фанларни ўзлаштиришда ушбу дарслик йўлбошчилик вазифасини бажаради.

МУХТАРАМ ЎҚУВЧИМ!

Мен сизга 5-синфда Она тилидан кўп билимларни беришга, ўргатишга ҳаракат қиламан. Зеро, китоб билимнинг ўчоғидир. Мен орқали сиз 5-синфда тилшуносликнинг асосий бўлимларидан ҳисобланган фонетика, лексикология, морфология, синтаксис бўлимлари билан янада яқиндан чуқурроқ таниша бошлайсиз, янги маълумотларни оласиз. Ушбу янги маълумотларни қизиқарли машқлар, топшириқлар, ўйинлар билан мустаҳкамлаб борасиз. Диққат ва сабр билан ўқисангиз жуда кўп янги билимларга эга бўласиз. Мен эса сизга бу йўлда кўмакчи ва дўст вазифасини бажараман. Келинг, биргаликда Она тили дарслигининг биринчи саҳифасини очайлик! Янги билим олиш учун, биринчи қадамни ташлайлик.

Кўлингиздаги дарсликка қаранг-а, янги чоп этилган, замонамизнинг янги технологиялари асосида жиҳозланган. Мени эҳтиёт қилинг, варақларимни букламанг, чизманг, йиртманг. Мен сизнинг укаларингизга ҳам билим олишда кўмакдош бўламан!!!

Энди навбат билим олишга!!!

Шартли қисқартмалар

А. А.	Абдулла Авлоний
А. Жом.	Абдурахмон Жомий
А. О.	Абдулла Орипов
А. Қ.	Абдулла Қаххор
А. Қод.	Абдулла Қодирий
Асқ. М.	Асқад Мухтор
Болалар энц.	Болалар энциклопедияси
З. Д.	Зафар Диёр
М.	Мақол
Мирм.	Мирмуҳсин
М. Г.	Максим Горький
М. Ш.	Мақсуд Шайхзода
М. И.	Мирзакалон Исмоилий
Н.	Алишер Навоий
О.	Ойбек
О. Ё.	Одил Ёқубов
П. Қ.	Пиримкул Қодиров
П. М.	Пўлат Мўмин
С. Аҳм.	Саид Аҳмад
Т. А.	Турсунбой Адашбоев
Х. О. И.	Халқ оғзаки ижоди
Х. Т.	Худойберди Тўхтабоев
Ч. А.	Чингиз Атматов
Ш.	Шухрат
Ш. Р.	Шароф Рашидов
Ш. Раҳ.	Шавкат Раҳмон
Энц.	Энциклопедия
Эрт.	Эртақдан
ЎТИЛ	Ўзбек тилининг изоҳли луғати
Қ. М.	Қуддус Мукаммадий
Қирғ. энц.	Қирғизистон энциклопедияси
Ғ. Ғ.	Ғафур Ғулом
Ҳ. Н.	Ҳаким Назир
Ҳ. О.	Ҳамид Олимжон
Ҳ. Ғ.	Ҳамид Ғулом

Янги ўқув йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз ўқувчилар!

Мустақиллик байрами

Халқимиз орзиқиб кутган муборак айём етиб келди. Бу юртимизнинг мустақиллиги шодиёнасиридир. Ўтмишда ота-боболаримиз, буюк аллома-ларимиз, юксак маърифат соҳиблари бахт-саодатни озодлик, эркинликда кўрганлар, шунингдек, Ватан ва халқ истикболи, бахтиёр турмуш, фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқ экани ҳақида таълим берганлар.

Зотан, таълим ва тарбияда ҳикмат кўп. Билимдан ортиқ бойлик йўқ.

? **Топшириқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. 31 август қандай байрам?
2. Сиз бу кунни қандай ўтказдингиз?
3. Сизга қайси байрамлар ёқади?

Салом, мактаб!



1 сентябрь – Билимлар куни! Яна мактаб кучоғига қайтмоқдамиз. Барчамиз байрам кайфиятида, чунки кечагина юртимизнинг мустақиллик байрамини зўр шодиёналар билан нишонладик.


Бугун эса билимлар куни. Барчангизни билимлар куни билан табриқлаймиз!

? **1-топшириқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. 1 сентябрь қандай байрам?
2. 1 сентябрга қандай тайёргарлик кўрдингиз?
3. Ёзги таътилни қандай ўтказдингиз?

2-топшириқ. «Ёзги ишлар» ёки «Ёзги таътилда» мавзуларининг бирига кичик ҳикоя ёзинг. Ёзган ҳикоянгизга режа тузинг.


4-СИНФДА ЎТИЛГАНЛАРНИ ТАКРОРЛАШ

 **1-машқ.** Қуйидаги мақолни ўқиб, дафтарингизга кўчириб ёзинг. Қандай тушунганлигингизни ўртоғингиз билан муҳокама қилинг. Унли ҳарфларни топиб, тагига чизинг. Сўзларга урғу қўйиб чиқинг.

Тилга эътибор – элга эътибор.

Эсланг!

1. Қандай ҳарфларни унли, қандай ҳарфларни ундош деб атаймиз?
2. Урғу деб нимага айтаемиз?

 **2-машқ.** «Юртимизда мустақиллик байрами» мавзусига оид 6 та гап ёзинг. Ёзган гапларингизда *е, ё, ю, я* унли ҳарфлар бўлган сўзлар иштирок этсин. Шу сўзларда нечта товуш ва нечта ҳарф борлигини изоҳланг.

3-машқ. Шеърни ифодали ўқинг.

Мулки олам ичра танҳо,	Ҳар муаттар ғунчалардек,
Жисму жонсан сен Ватан.	Бағри бўстонсан, Ватан.
Дилда ёнган туйғуларга,	Кимга баркутли қасрсан,
Меҳру имонсан Ватан.	Кимга ноёб қатра дур.
Тоғу тошинг менга олтин,	Кимга олий бир умидсан,
Чўлу боғинг баҳри нур.	Кимга армонсан, Ватан.

(Б. Ражаб)

Топширик

1. Шеърнинг мазмунидаги асосий фикрни англаб, тушунчаларингизни рўйхат қилиб ёзинг.
2. Шеърга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин? Нима учун?
3. «Ватан мен учун ...» деб номланган, Ватан ҳақидаги ҳисларингиз ҳақида эссе ёзинг.

 **Билиб олинг!**

Эссе – унча катта бўлмаган ёзма иш тури бўлиб, эркин тузилишига эга бўлган насрий баён. Аниқ савол орқали яқка тарзда олинган таассуротлар йиғиндиси. Баён ҳам, эссе ҳам бир-бирига яқин бўлган вазифани бажаради.

Эссе ёзиш қондаси

1. Берилган мавзу ёки савол устида кенг ўйланг.
2. Шерингиз билан ўз зояларингиз ҳақида суҳбатлашинг.
3. Фикрингизни жамлаб, муҳокама қилинаётган мавзу ёки муаммага ўз муносабатингиз ёки таассуротларингизни қисқа ва мазмунли ёритинг.

Мактаб бағрига келдим.
Ёзнинг соз мақсади бор,
Ёзнинг ўз мактаби бор.
У мактаб – ўрмон, боғлар.

У мактаб – кўллар, тоғлар.
Ҳамма ёқ ғиж-ғиж билим,
Билимга бойдир элим.
Борган эдим Артекка,

Ох, уни мақтамоққа,
Кўрганини кўзларим,
Етармикин сўзларим.
Соҳилда лагеримиз,

Бизнинг роҳат еримиз,
Сув, ҳавода чиниқиб,
Қуёшга пешвоз чиқиб
Соғлиғим ҳам бўлди «беш».

Лагерда дўст орттирдим.
Шодлигим ҳам бўлди «беш».
Кўрганларимни бир-бир
Мен сўзлайман, Сентябрь,

Сен ҳам қулоқ солиб тур,
Қиласан маза-хузур.
Танаффусда, айниқса,
Барча ҳовлига чиқса,

Ёзги каникул баҳси –
Бошланар, қандай яхши...
Сўзлашга ҳамма шошар,
Юракдан завқлар тошар.



7-машқ. Матнни ўқинг. От сўз туркумига оид сўзларни топинг.


Топширик

1. Матндаги асосий фикрни аниқланг.
2. Соҳибнинг тутган иши ҳақида суҳбатлашинг.
3. Мактабингиз кутубхонаси билан таққосланг.
4. Ўйлаб кўринг. Кутубхоначидан сўраб мактабингизда қанча бадиий асарлар борлиги билан қизиққанмисиз?
5. Матнда акс эттирилган кутубхонани кўз олдингизга келтиринг ва чи-зишга ҳаракат қилинг.
6. Уйингизда кичик кутубхона ташкил қилинг.

Кўчма кутубхона

Форс алломаси, вазири аъзами бўлган Соҳиб китобларни зўр эҳтирос билан яхши кўрган. У X аср ўрталарида яшаган. Унинг қўл остида 117 мингга яқин китоблари бўлган катта кутубхонаси бор эди. Бироқ, давлат арбоби ва сипоҳ бўлганлиги туфайли умрининг катта қисмини эгарда ўтказган. Жанговар юришларга ўз кутубхонасини олиб юрган. Китобларни олиб юриш учун 400 та туя банд бўлган. Бу карвон ўзига хос каталог вазифасини бажарган. Туялар ҳар доим қатъий маълум алфавит тартибида юришган. Шунинг учун вазири аъзам Соҳибга зарур бўлган ҳар қандай китобни карвончи-кутубхоначилар бемалол топишган.

(Л. Антонова)

 **8-машқ. Сирли катаклар!** Куйидаги мақолда берилган сўзларда тушириб қолдирилган унлиларни қўйиб, уларни изоҳланг.


Т	л	н	г	д	б	л	с	а	б	л	и	н	г	,
к	л	и	б	т	р	а	р	и	к	б	л	н	г	.

9-машқ. Нукталар ўрнига қавс ичидаги қўшимчалардан зарурини қўйиб, мақолларни кўчиринг.

1. Кўп...(-дан, -тан) қуён қочиб қутулмас. 2. Киши...(-нинг, -ни) ҳурмати ўз қўлида. 3. Кўк...(-га, -қа, -ка) боқма, кўп...(-га, -қа, -ка) боқ. 4. Ақл ёш...(-да, -та) эмас, бош... (-да, -та). 5. Эртаги иш...(-га, -қа, -ка) бугун режа туз.

Топширик

1. Нима учун кўк сўзи жўналиш келишигида кўкка шаклида ёзилади?
2. Охириги мақолнинг мазмунини тушунтириб беринг.

 **10-машқ.** Шеърни ўқинг. Сифат ва феълларни топиб, алоҳида устун шаклида ёзинг.


Дил сўзларим

Оқ каптарим чиройлик,	Куёш бошида кулса,
Кўк каптарим чиройлик.	Бир ховуч нурга ўхшар.
Тинчлик қуши, дейдиган	Парвоз айланг элма-эл,
Дил гапларим чиройлик.	Қанотингиз толмасин.
Кўк токида чарх урса,	Ер юзига «тинчлик» денг,
Бир даста гулга ўхшар.	Эшитмаган қолмасин.

(Ҳ. Раҳмат)


Топширик


1. Шоир нима учун шеърга «Дил сўзларим» деб сарлавҳа қўйган?
2. Ўйлаб кўринг, шеърга яна қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?
3. Шеърда ифодаланган фикрга ўз муносабатингизни билдириңг.

 **11-машқ.** *Хамса, хамса, хийла, ҳийла, хол* сўзлари ҳақида суҳбатлашинг. Қандай маънолар билдиришини билиб олинг. Венн диаграммаси ёрдамида фикрларингизни муҳокама қилинг ва тўлдириңг.

Намуна: 1. «Хамса» – бу А.Навоий яратган йирик достон. Икки бўғиндан иборат. Битта унли, учта ундош товуш бор. Бу бадиий асар бўлиб, у ўқилишга мўлжалланган. От сўз туркумига оид сўз.

2. *Хамса – урғу иккинчи бўгинга тушадиган сўз бўлиб, балиқ номи. Денгиз ва дарёларда бўладиган балиқ тури. Икки бўгиндан иборат. Битта унли, учта ундош товушдан иборат. От сўз туркумига оид сўз.*



 **12-машқ.** Ёдлаган шеърингиздан бир мисра ёзинг. Унли ва ундош товушларга изоҳ беринг.

 **13-машқ.** Матнни ўқинг. Аниқловчиларни топиб, уларга изоҳ беринг.

Топширик

1. Матндаги фикрни аниқланг.
2. Шаҳарда қандай миллат вакиллари яшайди?
3. Тарихий шахсларнинг ҳайкаллари қурилган жойларни биласизми? Қайси тарихий шахсларнинг ҳайкаллари бор?
4. Шаҳар ўртасидаги тоғнинг номи қандай? У ҳақда нималарни биласиз?

Ўш



Ўш шаҳри Қирғизистоннинг жанубий ҳудудида жойлашган бўлиб, у Фарғона водийси таркибига киради. Шаҳар 3000 ёшда. Шаҳарда турли миллат вакиллари яшайди. Ўш бутун Марказий Осиёдаги энг йирик, аҳолиси зич жойлашган маскан ҳисобланади. Ўш Бишкекдан кейин турадиган иккинчи пойтахт деб тан олинади. Шаҳарда бир нечта тарихий шахсларнинг ҳайкаллари қурилган. Энг катта масжидлар ҳам шаҳар марказида жойлашган. Шаҳарнинг ўртасида Бутун жаҳон маданий меросига кирган йирик тоғ қад кўтариб турибди. (*Қирғ. энц.*)

 **14-машқ.** Гапларни кўчиринг. Тўлдирувчиларни топиб, тагига чизинг.

1. Холида укасини боғчага кузатиб, кўча эшиккача чиқди. (*С. Ан.*)
2. Кўлларини кўтарган эди, бўйи етмади. (*Мирм.*)
3. Тарозининг бир палласига ўзи улашган нарсани, иккинчи палласига савобдан қадоклаб олган тошни кўяди. (*М. Хидир*)
4. Тозимнинг қорни оч, кучдан қолиб ётибди. (*Эрт.*)
5. Тўғрибой тўғрилигидан мақсадига етибди. (*Эрт.*)

15-машк. Топишмоқни топинг. Сон сўз туркумига оид сўзларни аниқланг.

Уч жуфт қизу беш ўғил,
Уч тупдан гул экишди.
Ҳар бир гулнинг остига
Бир челак сув тўкишди.
Сувнинг учдан бирини
Ташиди чевар қизлар,

Қолганини ўғиллар.
Қани топ, Барно, Сафар,
Биргалашиб ўғил, қиз,
Нечта гул кўчат эккан?
Беш меҳнатсевар ўғил,
Неча челак сув тўккан?

(Қ. Ботиров)

16-машк. Қуйидаги сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда қандай ўзгариш содир бўлишини айтинг.

Табель, лагерь, январь, автомобиль, дубль, руль, артель, ансамбль, фестиваль, апрель.



17-машк. Сирли катаклар! Саволга жавоб беринг. Қуйидаги катакларда яширинган сўзни топинг.

Театр, муסיқа, рассомчилик, ҳайкалтарошлик сўзларини умумий ном билан қандай атаймиз? Топган сўзингиздаги товуш ва ҳарфлар сонини айтинг. Ҳар бирига изоҳ беринг.

--	--	--	--	--	--



18-машк. Мақолларни кўчиринг. Сўзлардаги ҳарфларнинг қандай товуш эканини ва қандай ўқилишини тушунтириб беринг. Мақолларнинг мазмунини изоҳлаб беринг.

1. Кўп гапдан оз бўлса ҳам иш яхши. 2. Кенгашганга кенг дунё, талашганга тор дунё. 3. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз ўзгани айблар. 4. Дангасага иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар. 5. Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади. 6. Бугунги ишни эртага қўйма.



19-машк. Матнни ўқинг. Муаллифнинг айтмоқчи бўлган фикрини ўз сўзларингиз билан айтиб беринг.

Кимни бахтли деб аташ мумкин?

Ҳар куни эрталаб онамнинг меҳрибон қўлларини ҳис қилиб уйғонаман. Унинг меҳр тўла кўзларини, юзини кўриб, оҳистагина: «Хайрли тонг, ўғлим!» деган сўзларини эшитиб, иссиқ тўшагимдан судралиб чиқаман. Зудликда кийиниб, мени кутиб турган синфдошимнинг олдида чопаман. Кўчада куёш ёрқин нур сочиб турибди. Кўзларимни қисиб, табассумимни кўрсатаман. Ҳа! Қандай яхши, мен бахтлиман! Ҳаммага «Салом!» дегим келади.

Йўл ёқалаб бизга кекса буви учраб қолди. Унинг қўлида челақ бор эди. Сув лим тўлдирилган челақни ҳассасига суянганча кўтариб келарди. Мен унинг қўлидан челақни олиб, уйига элтиб бердим. Бувининг табассуми қандай ажойиб! У менга раҳмат айтиб, бахтимни тилади. Мен бўлса унга ёрдам берганим учун бахтлиман.

Мактабдан уйга қайтиб, телевизорни қўяман ва «Ахборот»ни томоша қиламан. У ваҳимали ходисаларга тўла: олис Америкада осмонўпар миноралар қуламоқда, одамлар ҳалок бўлмоқда. Сайёрамизнинг бошқа томонида урушлар бўлмоқда, болалар уйсиз, оч қолмоқда. Ер юзида ёмонлик ҳали ҳам яшаётганлигидан мен даҳшатга тушаман. Мен отамдан сўрайман: «Нима учун одамлар бунчалик бешафқат?» Отам ҳаёт шундай деб жавоб беради. Онам бўлса чуқур хўрсинади. Унинг кўзларида оғриқ ва афсус. Оналар доим бошқаларнинг кулфати ва ўлимини оғир кечирадилар. Мен ўйлаб қоламан, чунки улар оғир қийинчилик билан янги инсонга ҳаёт берадилар. Мен ўзимга айтаман: «Ахир эзгу ишни қилиш ёмонлик қилишдан кўра осон эмасми?»


Мен учун Бахт – бу Эзгулик. Агарда инсон қандайдир чўққига эришса ёки бой бўлсаю, бироқ бу мақсад йўлида ёвузликларга учраса ҳам барибир бахтли бўлолмайди. Чинакамига бахтли одам эзгулик қилишга шошилган одамдир. Тўғрими? Сизнингча, бахт бу нима? (Александр Х.)

Топширик

1. Муаллиф бахтни қандай тушунади?
2. Унинг саволига оғзаки жавоб беришга ҳаракат қилинг.
3. Қоралама нусхада матндан фойдаланиб баён ёзишга тайёрланинг.
4. Қуйида берилган эсдаликни диққат билан ўқиб чиқинг.

Китобдан баён ёзишга тайёрланиш учун эсдалик

1. Матнни диққат билан ўқинг.
2. Тушунмаган сўзларингизнинг маъносини билиб олинг.
3. Матн мазмунини очишида муҳим бўлган сўз, сўз бирикмаси ва гапларни аниқланг.
4. Матнни қисмларга бўлинг ва ҳар бир қисмга сарлавҳа топинг.
5. Матн қисмларини режа асосида оғзаки ҳикоя қилинг.
6. Ажратиб кўрсатилган сўз ёки ҳарфларнинг ёзилишини, шунингдек, тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтиринг.

 **20-машқ.** Қуйидаги сўзларга қавс ичидаги қўшимчаларни қўшинг. Қандай товуш ўзгариши содир бўлаётганлигини тушунтиринг.

Ўрик (-га), челақ (-га), эк (-гани), ўтлоқ (-га), оёқ (-га), тўк (-гунча), тут (-ган), келажак (-га), оқ (-ган), тоғ (-га), боғ (-га), таёқ (-га), ёғ (-ган).

21-машқ. Тез айтишларни ўқинг. Аввал секин, сўнг ўртача тезликда, сўнгра тез айтинг.


Тўти тутган тўртта тўти тўрда турибди.

Мавлуда ховлида,

Синглиси Мавжуда кўлида.

Қувондиқнинг қовун қоқиси

Қовунчидан.

 **22-машқ.** Шеърни ўқинг. Муаллиф айтмоқчи бўлган сабзавотнинг номи-ни қайси сўзлар ёрдамида англаб олдингиз? Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг талаффузида қандай ўзгаришлар содир бўлганлигини изоҳланг.

Юпқагина

Пўстим бор,

Далада

Кўп дўстим бор.

Мақолда ҳам

Ётсам

Ерга қапишиб,

Думгинамдан

Тортишиб,

Ташладила

Ёзиқман,

Ўша

«Олтин қозик» ман

Ўрага...


Салом

Палов тўрага!


(А. Обиджон)

23-машқ. Гапларни кўчиринг. Кишилиқ олмошларини топиб, маъносини тушунтиринг.

1. Сен бор жойда хушнудлик, тинч-тотувлик бор. Сен бор жойда келажак-ка интилиш, орзу-умид бор. 2. Мен учун азиздир бу бахмал қирғоқ. («Тўёна») 3. Сиз ризо бўлмайсиз. (F. F.) 4. Биз учун меҳнат ҳар қандай юмушдан энг яқинроқдир. (Ў. Х.) 5. Улар бугун экскурсияга жўнашади. 6. У кейинги гап. Нақди керак бизга. (С. Аҳм.)

 **24-машқ.** Сўзларни гуруҳланг. Тиниш белгиларига оид сўзларни бир устунга, сўз таркибига оид сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

Нукта, ўзак, қўшимча, тире, негиз, нуктали вергул, қавс, ўзакдош, қўштирноқ, сўз ясовчи, вергул, шакл ясовчи.

 **25-машқ.** Сирли катаклар! Саволларга жавоб бериб, катакларни тўлдириг.

Тиниш белгиларини ўрганадиган бўлим нима деб номланади?

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Биз мактабдан келдик. Мақсадига кўра бу қандай гап?

--	--	--	--	--

26-машқ. Матнни ўқинг. Ватанимизнинг буюк кишилари сафидан ўрин олган инсон ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни айтинг.

Гапар Айтиев

Бўлажак rassom 1912 йил 15 сентябрда Қирғизистон ССР Ўш вилояти 1-Тўлайкан қишлоғида туғилди. Ҳозирда бу қишлоқ Ўш шаҳри мавзеларидан бири бўлиб қолган. Гапар Айтиев rassomчилик маҳоратини Москва rassomчилик техникумида машхур россиялик rassom Н. П. Кримов устахонасида 1935 йилдан 1938 йилга қадар вақт мобайнида ўрганди.

Гапар Айтиев совет қирғиз rassomлари орасида биринчилардан бўлиб қолди. Бир қатор поэтик, эпик сокинликка тўла пейзажлар – «Колхоз ҳовлиси», «Иссиқкўлда туш пайти», «Андижон канораси», «Жилваланган кўл» ва бир қатор портретлар яратди.

1954 йилда Қирғизистон ССР халқ rassomi фахрий унвонига сазовор бўлди. Rassom Тўктағул, Ленин ордени ва бошқа медалларнинг соҳиби бўлган. Ҳозирда rassomнинг номи берилган ёш rassomлар мактаби Ўш шаҳрининг энг сўлим масканларидан бирига айланган. (*Қирғ. энц.*)

27-машқ. Қуйида берилган Г. Айтиевнинг «Жилваланган кўл» пейзажи асосида ўз таассуротларингизни эссе тарзида ёзинг. Сифатлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг.





28-машқ. Нукталар ўрнига унли товушлардан мосини қўйиб, турли хил сўзлар ҳосил қилинг. Улар иштирокида гаплар тузиб ёзинг.

Б...л, к...л, з...р, т...з, к...з, б...р, к...л, ҳ...л, б...хт, с...в, т...з, с...з, т...қ, ш...р, б...ғ.

29-машқ. Матнни ўқинг. Китобдан диктант ёзиш учун эсдалиқдан фойдаланиб, матнни кўчиринг.

Одамларни шифолайман

Узоқ замонлардан бери мўътабар элимизда тоза меҳнати билан бахтли ҳаёт кечирган, тарихимизнинг олтин варақларига туширилиб, миллат ғурурига айланган инсонларнинг энг ёрқин намояндаси – қирғиз халқининг забардаст фарзанди Иса Ахунбаевдир. Иса Коноевичнинг шунчалик мафтункор ва аниқ, пайғамбарона айтган сўзлари қалбимизда муҳрланиши табиийдир.

Элим, мен сенинг қулингман,
Меҳнатимни, қон-жонимни
Сенга бағишлаган ўғлинг – Исаман!

Қирғиз халқининг тўнғич шифокор-жарроҳининг юқоридаги мафтункор сўзларида унинг мураккаб ҳаёти, бутун умр амал қилган олий даражадаги ҳаётий тутган йўли акс этган.

Кўринган бойнинг молини боқиб, болалигини эртаю-кеч кўл соҳилида ўтказган. Исанинг норасида оламига чақмоқдай ярқ этиб кирган бир воқеа – у дунёга рихлат қилган бемор аёлнинг аянчли юзи, жонига азоб берган инграши қалбига муҳрланиб қолади. «Нима учун одамлар оғрийди, бемор одам нега азоб тортади? У соғайиб болаларини эркалатса бўлмасмиди? Онасини йўқлаган етим болаларнинг гуноҳи нима? Одамлар оғримай яшаса бўлмайdimи?» Бўз уйнинг ичида чириллаб онасини чақирган болаларнинг йиғисидан, катталарнинг фиғонидан ниҳолдек қалби эзилади. Ўшанда боланинг маънавий дунёсида тиниқ тилак куртак ёзади. Ўша хаёл, қалбни титратган армон ва тилак миллат хазинаси, қирғиз тиббиётининг юлдузи, санжирали жарроҳнинг яралишига олиб келди.

1916 йилнинг сентябрь ойи бошларида тўриайғирликлар Балиқчи билан Тўнг ошуви орқали Хитойга қочиб ўтганларини қандай оғир хўрсинишлар билан эслаган бўлса, кейинчалик Хитойдан Тўнг довонининг қоқ белига чиқиб, хосиятли Иссиқкўлнинг мовий бир бўлаги кўзга ташланганида шунчалик қувонганини энтиқиш билан эслайди атоқли жарроҳ.

Бўлажак жарроҳ 1925 йилда Фрунзе (Бишкек) даги, сўнг Тошкентдаги Охунбобоев номли тиббиёт техникумини, 1935 йилда Ўрта Осиё

тиббиёт олийгоҳини битириб Бишкек шаҳар касалхонасининг жарроҳлик бўлимида ўзининг меҳнат йўлини бошлаган.

Қирғиз тиббиётининг отаси, профессор Ахунбаевнинг миллий тиббиёт-даги энг зўр муваффақияти унинг биринчилардан бўлиб инсон юрагини операция қилганлигидир.

(М. Акаева)

Китобдан диктант ёзишга тайёрланиш учун эсдалик

1. *Матнни шошмасдан, диққат билан ўқинг, мазмунини билиб олинг.*
2. *Ажратиб кўрсатилган сўзлар ёки тушириб қолдирилган ҳарфларнинг ёзилишини тушунтиринг.*
3. *Матнни иккинчи марта ўқиганда, ажратиб кўрсатилмаган, аммо ёзилишида сиз қийналадиган сўзларга диққат қилинг.*
Агар билсангиз, ўша сўзларнинг ёзилишини тушунтириб беринг.
4. *Матнни яна бир марта ўқинг. Сиз ўрганган тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтиринг.*

1-§. Тил билими ҳақида

Топширик. Матнни ўқинг. Унга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?

Олимларнинг тахминий маълумотларига кўра дунёда 6 миллиарддан ортиқ аҳоли яшайди ва улар 3000 дан ортиқ тилда сўзлашади.

Тил одамларнинг бир-бирлари билан муомалада бўлиши учун ёрдам берадиган энг муҳим воситадир. Одамлар тил орқали ўз фикрларини, ҳис-туйғуларини ифодалайдилар. Инсоният жамиятининг шаклланишида тилнинг роли беқиёс. Тил пайдо бўлгач, жамият тез ривожланган. Тил жамиятга хизмат қилади ва у инсонлар орасида ўзаро муносабатлар учун алоқа қуроли вазифасини бажаради.

Тилни инсон яратади, ўзаро муносабатда тилдан фойдаланилади, ана шу муносабатларда тил ривожланади. Тил фақат инсонга хос ҳодисадир. Инсоннинг бутун ҳаёти ҳам тил билан боғлиқ.

Тил ҳар қайси халқнинг, миллатнинг битмас-туганмас бойлиги ва шу халқнинг маданиятини юксалтиришда энг муҳим воситадир.

Демак тил – бутун жамиятга хизмат қилувчи ижтимоий ҳодиса.

Фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси тил билимини ташкил этади.

? Саволларга оғзаки жавоб беринг:

1. Одамлар нима ёрдамида фикрларини, ҳис-туйғуларини ифодалайдилар?
2. Тил нима учун хизмат қилади?
3. Қайси тилларни биласиз? Сананг.

30-машқ. Матнни ўқинг. Топшириқларни бажаринг.

А. Навоийнинг миллий тилнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси

Ўзбек адабий тилининг равнақи учун кураш улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий фаолиятининг узвий ва муҳим бир қисми бўлди. У халққа унинг ўз тилида ғоявий-бадиий юксак асарлар яратиш, халқ тилининг туганмас манбаларидан кенг фойдаланиш, унинг бойлиги ва нафислигини намойиш этиш учун курашди, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилини яхши билиб ва эгаллаб олишга, уни қадрлашга, шу тилда китобхонларга манзур бўладиган асарлар яратишга чақирди.


Ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлган Алишер Навоий уч тил (форс, араб ва туркий тил) ўзаро курашаётган бир пайтда ўз асарларини ўзбек тилининг бой хазинасидан фойдаланган ҳолда ёзди. У «Ҳазойинул-маоний», «Хамса», «Лисонут-тайр» каби бадиий адабиёт намуналарини, «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон» каби адабиётшуносликка оид асарларни, «Муҳокаматул-луғатайн» каби тилшуносликка оид асарини шу тилда яратди. Бу билан ўзбек тилининг бадиий, илмий асарлар яратиш учун бой имкониятларга эга эканлигини амалда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлади ҳамда ўзбек тилининг ихчам грамматик қурилишга ва бой луғат хазинага эга эканлигини кўрсатди.

Ўзбек адабий тили XV асрда янги тараққиёт поғонасига кўтарилди.


(Н. Маллаев)

Топшириқ

1. Матннинг асосий мазмунини аниқланг.
2. Берилган сарлавҳалардан матнга мосини танланг. «Навоий Астрабодда», «Навоий ва Бойқаро», «Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили тараққиётига қўшган ҳиссаси».
3. Берилган калит сўзлардан фойдаланиб ўзингиз матн тузинг: Алишер Навоий, ўзбек адабий тили, тараққиёт, бой имконият, исбот қилмоқ.
4. Алишер Навоийнинг тилшуносликка оид асари қандай номланади?

 **31-машқ.** Турли хилдаги, бироқ бир-бирига яқин мавзуларни солиштиринг. Қуйидаги мавзулардан бирини танлаб, иншонинг кириш қисмини ёзишга уриниб кўринг. Иншоингизни оғзаки давом эттиринг.

1. Кутубхона. Мактаб кутубхонасида. Оиламиз кутубхонаси. Кутубхоналар нимага керак.	2. А. Навоий. Навоийнинг болалиги. Навоий рубоийлари. Рубоий айтиш мусобақаси.	3. Мактаб. Менинг мактабим А. Навоий номида. Мактабим – менинг фахрим. Адабий тўғарак.
-------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------

 **32-машқ.** Қуйидаги гапларни диққат билан ўқиб чиқинг. Гапларни мантиқан тартибга келтиришга ҳаракат қилинг.

Лутфий ёш шоирнинг шеърий истеъдоди ва маҳоратига ана шундай юксак баҳо берган.


У ўзининг ёзган ғазалларидан бирини кекса шоирга ўқиб берди.

Бир кун и ёш Алишер Навоий Лутфий хузурига келди.

Кекса шоир: «Агар иложи бўлганида, ўзимнинг ўн-ўн икки минг мисрали шеъримни шу ғазалга алмашар эдим», – деди завқланиб.

33-машқ. Нуқталар ўрнига қаратқич ва тушум келишиги кўшимчалари (-нинг ёки -ни) дан зарурини қўйиб, гапларни кўчиринг.

Биз – Қирғизистон... ёш фуқаролари, Ватанимиз...севамиз. Биз Ватанимиз... бепоён текисликлари..., катта ўрмонлари..., баланд тоғлари..., серсув дарёлари..., шаҳар ва қишлоқлари... севамиз. Ватанимиз... ҳар бир қарич ери биз учун қадрли ва қимматлидир.

 **34-машқ.** 30-машқдаги матн асосида иншо ёзишга тайёрланинг. Қуйидаги эсдаликни диққат билан ўқиб чиқинг.

Иншо ёзиш учун эсдалик

1. *Иншо мавзусини пухта ўйланг. Нималар ҳақида ёзишни аниқлаб олинг. Мавзуга доир сўзлар танланг.*

2. *Иншонинг асосий мазмунини, шу мазмунни ёритиш учун нималар ҳақида ва қандай ёзишингизни ўйлаб олинг.*

3. *Ёзган иншоингизни ўқиб чиқинг: унда мавзу ва асосий мазмун ёритилганми? Ёзиш зарур бўлмаган (ортиқча бўлган) сўз ва гапларнинг устидан чизинг; иншонинг мавзуи ва асосий мазмуни етарли очилмаган ўринларни тўлдириг.*

4. *Иншонинг тилига алоҳида эътибор беринг. Фикр яхши ифодаланганми? Зарур ўринларга тузатиш киритинг.*

5. *Ёзган иншоингизни оққа кўчиринг.*

2-§. Ўзбек тилининг гўзал, ифодали ва эстетик имкониятлари

Дунёда бу тил кўпол экан деганни эшитганмисиз? Йўқ, албатта! Ҳар бир тилнинг ўзига хос нафислиги, нозиклиги, гўзаллиги бор. Ўзбек адабий тили ҳам жуда нафис, гўзал, нозик тиллар қаторидан ўрин олган.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ўзбек тилининг ҳам бадиий, ҳам илмий асарлар яратиш учун бой имкониятларга эга эканлигини кўрсатди. Навоий ўз асарларида ўзбек тилининг лексик бойликларидан, синонимлари ва омонимларидан, ўзбек халқ мақолларидан кенг фойдаланди. Шу орқали ўзбек тилининг лексик жиҳатдан жуда бой, юмшоқ, нозик тил эканлигини исботлади.

Навоийнинг журъат ва жасорати, маҳорати туфайли ўзбек адабий тили мукамал шаклланишга эришди. У тилимизнинг маъно кудрати ва гўзаллик сеҳрини дунё миқёсида намойиш этди. Алишер Навоий учун туркий тилда шеърлар ёзиш «халқ иши» эди. Унинг:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам...

деган фахр сўзларини эсланг. Буюк аллома «Дунёда камситиладиган тил йўқ, ҳаммаси ҳам ўзича гўзал ва ардоқлидир», – деб бежиз айтмаган. (И. Ҳаққулов)

1. Кўнгил дарёсининг гавҳари тилдир.

Тил гавҳардан афзал ва мартабаси баланддир. (Н.)

2. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурғон
ойнайи ҳаёти она тилисидур. (А. А.)

3. Тилимизнинг софлиги учун, бойиши учун жон куйдирсак, фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз. (Ч. А.)


4. Она тилим, уруғингни ташла, эк,
Кўплаб униб чиқар ундан нурли келажак;
Мен яшарман унинг сўлим тонгида
Ташна дилга зилол орзу, келажак. (Ш. Қурбонов)

5. Тил – миллатнинг қалби. (М.)

6. Тил кишини бахтли қилади.

Тил кишини хор – зор қилади. (М.)

Топшириқ. Она тили ҳақида айтилган нодир фикрларни ўқиб чиқинг. Она тили ҳақида яна қандай ҳикматли сўзларни биласиз, айтинг.

 **35-машқ.** Шеърни ўқинг. Қандай хулоса чиқардингиз? Шеърнинг қайси сатри сизга кўпроқ ёқди? Нима учун?

Она тили

Пахтакор халқимизнинг тилидек жўшқин,
Баҳордек илҳомбахш она тилимсан.
Ўзбекча шеър ўқиб, Лермонтов, Пушкин,
Туганмас хазина, битмас билимсан.

Навоий ғазалин ҳар бир сатрида,
Нафосат, гўзаллик шу тилга хосдир...
Шу қадар сермаъно она тилимсан,
Таржимон, энг доно она тилимсан.

Дунёда энг улуғ муқаддас сўзни
Шу тилда айтганим билан бахтлиман.
Юрак лаҳзасининг очқичи сенсан,
Сенинг бойлигинг-ла мен қудратлиман.

Ўзбек деган битта оддий сўзингда
Жаҳонга арзирлик улуғ маъно бор.
Нега мақтамайин мен она тилим
Дилрабо сўзлари ўйнатса дилни.

(Ҳ. Нурий)

Шеърни ёд олинг.

3-§. Китоб билан ишлаш маданияти

Китоб билим булоғи, ўқувчининг ўртоғи.

36-машқ. Юқоридаги мақолни кўчириб олинг. Маъносини тушунтириб беринг.

 **37-машқ.** Ўқинг.

1. Сиз учун муҳим бўлган гаплар олдида «!» белгиси қўйинг.
2. «!» белгиси қўйган гапларингизни ўртоғингиз билан биргаликда муҳокама қилинг.
3. Энг яхши деб топган фикрларингиз ҳақида бир дақиқа ичида оғзаки тақдимот тайёрланг.

Инсон тафаккури

Инсоннинг фикрлаш жараёни тафаккур деб аталади. Фикрлай олиш қобилияти киши кўзидан яширин бўлган нарсаларни англаш, воқеалар орасидаги ички боғлиқликни илғаб олиш имконини беради. Айни мана шу фикрлай олиш қобилияти инсонни ер юзидаги энг буюк мавжудотга айлантиради.

Фикр инсон олдида энг оддий бўлса-да, бирор муаммо ёки вазифа турганда пайдо бўлади. Фикрлай олиш болалар ўйинларида ҳам, ўқишида ҳам, меҳнатида ҳам ривожланади. Бунда кўп нарса инсоннинг ўзига, унинг қатъияти ва фаоллигига боғлиқ. Муҳими фикрлашдан эринмаслик, мураккаб вазифаларни бажараётганда астойдил ҳаракат қилишдан қўркмаслик керак.

(Болалар энц.)

38-машқ. Ўқинг.

1-топшириқ. Сиз билиб олган янги маълумотлар олдига «+» белгисини қўйинг ва қуйидаги жадвални дафтарингизга чизиб, уни тўлдиринг.

Мен «+» белгиси қўйган гаплар	Нима учун бу гапларга «+» белгиси қўйдим?

Китоб

Китоб бир неча минг йиллар илгари пайдо бўлган, бу даврда у турли хил кўринишларни олган. Бобилликлар, осурияликлар ва бошқа қадимий халқлар китобни лойдан тайёрлашган.

Хитойда эса дастлаб китобни юпқа бамбук баргларида ёзишган ва барглardan пишиқ тизимча ўтказиб қўйишган.

Қадимги Мисрда китоб матнларини дастлаб тошпилталарга ўйиб ёзишган.

Милоддан аввалги II асрда Пергам подшолигидаги усталар ёзув учун хайвон терисидан янги материал – пергамент тайёрладилар. Ўрта асрларда китобларни қўлда дафтар қилиб бирлаштирилган пергамент варақларга ёзганлар. Варақлар сочилиб кетмаслиги учун дафтарларни бириктириб тикар эдилар ва чарм ёки мато билан бириктирилган ёғоч қопқоқли ғилофларга солиб қўядилар.

Бизнинг кўзимиз ўрганиб қолган китобнинг ҳозирги шакли шундай пайдо бўлган.

XIII асрдан бошлаб Европада қоғоз асосий ёзув материали бўлиб қолди.

XV асрда китоб босиш ихтиро этилди.

(Болалар энц.)

2-топширик. Матн нима учун абзац (сатр боши)ларга бўлинган?

3-топширик. Тушунмаган сўзларингизни бир қаторга ёзиб, ўқитувчингиз ёрдамида кичкина изоҳли луғат тузинг.

Ёдда сақланг!

- Китоб устида ишлаш малакасини пухта ўрганиб олиш ва унга чуқур амал қила билиш;
- китобни мустақил ўқий билиш;
- ўқиган китобнинг асосий мазмунини талқин қила билиш, унинг фусун-кор оламига кира билиш;
- ўқиганлардан ҳаётий хулосалар чиқариш;
- унинг керакли, зарур жойларини ён дафтарчага кўчириб олиш, нотаниш бўлган сўзларни эса сақлаб қолишга интилиш;
- мунтазам равишда ўқиш кўникмасига эга бўлиш;
- китоб билан муомалада энг қадрдон дўстингга муносабатда бўлгандай эътибор билан қараш;
- китобни ярқисиз ҳолга келтирмаслик учун ундан тўғри фойдалана билиш;
- китобни шошилмасдан, ўйлаб, диққат-эътибор билан ўқиш малакасига эга бўлиш;
- қайта-қайта ўқиш – китобхонлик кўникмасини орттириш;
- ўқиган китобни дўстлар билан ўртоқлашиш, яхши китобни уларга тавсия қилиб, уни бошқалар ҳам ўқиб чиқишига эришиш.



39-машқ. Ўқинг. Отлардаги кўшимчаларни топиб, уларни айтинг.

Мақтабимиз кутубхонасида Манас бурчаги ташкил этилган. У ерда Манаснинг болалиги, унинг қахрамонликлари, унинг ўғитларига бағишланган қирғиз ижодкорларининг хилма-хил китоблари, альбомлар бор. Девоорга Манаснинг довураклигини намоён этувчи расм илинган. Биз Манас ҳақидаги китобларни қизиқиб ўқиймиз.



40-машқ. Сирли катаклар! Бўш катакларга зарур ҳарфларни қўйиб, илм ҳақидаги мақолни ёзинг.

И	м	а	л	н	н	г	ч	р	ғ	
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	--

41-машқ. Қуйида берилган матнлардан қайси бири сизга кўпроқ ёқди? Нима учун?

Онамиз биз учун энг қадрли инсон. Уни доимо ҳурматлаб, ардоқлаб, авайлаб-асрайлик. Ёшлигининг масрур дамларини, хуснининг энг сарасини бизга бахшида қилган буюк зот – онадир!

Онани хурмат қилинг, кўнглида ғам бўлмасин,
Қалбига ғашлик тўлиб, кўзлари нам бўлмасин.
Онани хурмат қилинг, кимса йўқ ундан улуғ,
Ҳаққига айланг дуо, бир умр кам бўлмасин!


(Муғанний)

Она – бу фарзанди ёки фарзандлари бўлган аёл (ўзи тукқан фарзандларига нисбатан).

(Ўтил)


Оналар бор – олам мунаввар.

(М.)

 **42-машқ.** Берилган таянч сўзлардан фойдаланиб куйидаги расм асосида «Она – табаррук зот» мавзуида эссе ёзинг. Ёзган эссеингизни ўртоғингизга ўқиб беринг. Қоралама нусхаларда бир-бирингизга тузатишлар киритишга ҳаракат қилинг.

Таянч сўзлар: оёқлари остида жаннат, табаррук, улғайтирган, фарзандларимиз, гўдаклик чоғимиз, она, меҳр нури, тарбиялади, дунёга келтирди, оқ сутини оқлаб, дуолар қилади.





 **43-машқ.** Топишмоқнинг жавобини топинг. Шунга ўхшаш топишмоқлардан иборат кичкина ён дафтарча тутинг.


Уч хил асл маъноси,
Бири одам аъзоси.
Иккинчиси зўр қурол:

Ким яхши-ю ким қўпол –
Ошқор этар астойдил,
Асли номи эса ...

4-§. Нутқ шакллари. Оғзаки ва ёзма нутқ

 **44-машқ.** Қуйидаги мақолларни ўқинг ва кўчириб олинг. Ўртоғингиз билан тушунчангизни муҳокама қилинг. Қандай нутқ шаклларидан фойдаландингиз? Чизмага қараб фикрларингизни изоҳланг.

Кечаси ётиб ўйла, эртаси туриб сўйла.
Билим билан ҳикмат – олтиндан қиммат.
Ички нутқ \longleftrightarrow Ташқи нутқ

Оғзаки шаклда Ёзма шаклда

 **45-машқ.** Қуйида берилган гапларни ўқинг. Қандай нутқ ҳақида гапири-лаётганлигини изоҳланг.

1. Бу нутқни ҳеч ким эшитмайди, одам уни ичида гапиреди.
2. Бу нутқни бошқалар эшитади, чунки турли хил товушлардан иборат бўлади. Шунингдек, у мантиқий урғу, оҳанг, юз, қўл ҳаракатлари ёрдамида амалга ошади.
3. Бундай нутқни ҳарфлар кўринишида ёзса бўлади, тиниш белгилари қўйилади.

Топширик

1. Юқоридаги нутқ кўринишларини қандай ҳолатларда, қандай гапларда фойдаланса бўлади?
2. Ўртоғингиз билан учта гап тузиб, гапларни уч хил шаклда гапириб, машқ қилиб кўринг.
3. Сизнинг-ча, қайси нутқ аввал пайдо бўлган? Оғзаки ёки ёзма нутқ?
4. Тушириб қолдирилган сўзларни ўз ўрнида ишлатинг. Дастлаб ... нутқ пайдо бўлган, сўнгра ... нутқ.

Нутқ оғзаки ва ёзма кўринишларга эга. Оғзаки нутқ сўзловчи гапириб турган вақт бирлигидагина мавжуд бўлиб, бу жараён тугаши билан нутқ ҳам тугайди.

Оғзаки нутқ тезкорлик билан (автоматик тарзда) амалга ошади. Оғзаки нутқ таҳрир имкониятидан маҳрум. У қандай шаклда борлиққа келган бўлса, шундайлигича тингловчига ҳавола этилади.

Оғзаки нутқ ёзма нутқнинг асосидир.

46-машқ. Қуйидаги мақоллардан қайси бирини оғзаки нутқда кўпроқ ишлатамиз? Оғзаки ва ёзма нутқдаги мақолларни жадвалга кўчиринг.

Оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади	Ёзма нутқда кўпроқ ишлатилади

1. Билдим дедим – тутилдим, билмадим дедим – қутулдим. 2. Билим билан ҳикмат – олтиндан қиммат. 3. Қиз аммага тортади, ўғил – тоғага. 4. Ҳақиқат ўтда куймайди, сувда чўкмайди. 5. Алдагани бола яхши. 6. Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар.

47-машқ. Топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. Кичкина доно,
Ичи тўла маъно.
2. Ўзи иккита, оти битта,
Эшитади баробар.


Топишмоқлар жавобини бераётганингизда қандай нутқдан фойдаландингиз? Оғзаки ва ёзма нутқдан бирдек фойдаланса бўладими?


Ёзма нутқ оғзаки нутқдан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради: нутқ ёзаётганда муаллиф вақт жиҳатидан бемалол фикрлаш имкониятига эга бўлади. У ўз нутқининг қисмларини ва бутун нутқни қайта-қайта таҳрир қилиши, фикр учун энг мос имкониятларни танлаши, гап тузилишини қулайлаштириши мумкин. Шунинг учун ҳам ёзма нутқ оғзаки нутқдан равондир.

Келажак авлод учун ёзиб қолдирилган барча турдаги асарлар ёзма нутқда битилган.

Бу қизиқ! Ер юзида энг биринчи бўлиб қалам билан хат ёзган ва кийим тиккан инсон Идрис алайҳиссаломдир.


48-машқ. Оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзига хос ва фарқли томонларини шेरингиз билан муҳокама қилинг. Ғояларингизни Венн диаграммасига ёзинг.



 **49-машқ.** Қуйидаги берилган сўзлар ёрдамида гаплар тузинг. Оғзаки ва ёзма нутқда ишлатиладиган сўзларни аниқланг.

Ошна, дўст, эс, ақл, яхши кўрмоқ, севмоқ.

5-§. Матн. Асосий фикр. Сарлавҳа

 **50-машқ.** Қуйида берилган парчалардан қайси бири матн эканлигини аниқланг. Дўстингиз билан матн қандай бўлиши кераклиги ҳақида суҳбатлашинг. Фикрингизни тушунтириб беринг.

I


Диктантнинг натижаси эшиттирилди. Ўқитувчи диктантни текширди.


Мақтабимиз кутубхонаси китобларга бой. Биз мақтабимизни севаимиз. Биз дўстлигимизни унутмаймиз.

II

«Одоб» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «одат» деган маънони англатади. Тарбия, яхши хулқ, ўзини-ўзи кишилар олдида тута билиш, умуман маданиятли комил инсонни одобли, ахлоқли киши деб биламиз. Ўсиб келаётган ёш авлодга одоб-ахлоқ тарбиясини сингдиришда ота-оналар, ўқитувчилар, катта ёшдаги кишиларга улкан масъулият юкланади.

Матн (лот. Textus – «мато; тўқиш, боғланиш, бирга қўшиш») – бу оҳанг ва грамматик жиҳатдан, умумий мавзу ва ғоя (асосий фикр) билан бирлашган, ўзаро маъно жиҳатдан бир-бирига боғланган гапларнинг изчиллигидир.

 **51-машқ.** Дўстларингиз билан матн ҳақидаги фикр ва ғояларингизни муҳокама қилиб, уни кластер шаклида ёзинг.



52-машқ. Матндаги асосий фикрни аниқланг. Сизга ёққан фикр ва жумлалар олдида «х»! белгиси қўйинг. Фикрнинг ривожланиши ҳақида гуруҳда суҳбатлашинг.

Ирода

Сиз, ҳурматли ўқувчилар, ҳаммангиз ҳам аълочи бўлишни истайсиз. Аммо бу йўлда фақат истакнинг ўзи етарли эмас. Мақсадга эришиш учун ўқувчи аввало ўзига-ўзи қуйидагича буйруқ беришни ўрганиши керак: «Фикримни

бўлмай, чалғимай, фақат ўқитувчигагина қулоқ соламан». «Роппа-роса соат 4да дарс тайёрлашга ўтираман», «Онам буюрган ишларнинг ҳаммасини бажариб кўяман». Бироқ ўзига-ўзи буйруқ беришни ўрганиш – бу ишнинг бошланиши холос. Энг муҳими, ана шу буйруқни бажаришни кўзлаган бўлсангиз бу мақсад йўлидан чекинмасликдир. Дастлаб ўз олдига унча катта бўлмаган вазифаларни кўйиш ва ҳар куни белгиланган вазифани албатта бажариш керак. Иродангиз аввало кичик ишларда чиниксин, шунда келажакда сиз ҳақиқатда катта ишларни бажаришга қодир бўласиз.


Фақат иродали кишиларгина табиат сирларини очишлари мумкин.

Фақат иродали кишиларгина ўз ҳаракати йўлидаги тўсиқларни енга олиши мумкин.

Фақат иродали кишигина буюк санъат асарларини ярата олади.

Космос ва океан ҳам фақат иродали кишиларгагина бўйсунди. Киши иродали бўлиб туғилмайди, ирода йиллар давомида таркиб топади.

(«Болалар энци.» дан)


 **53-машқ.** Эссе учун берилган сарлавҳани аниқланг. Қайсилари сарлавҳага мос келмайди. Нима учун? Ўйлаб кўринг ва берилган бешта қатордаги сўз бирикмаси ва жумлалардан бир бутун матн тузинг.

1. Биз таътилдан мириқиб дам олиб қайтдик.
2. Ёзги таътил.
3. Кўл бўйида.
4. Сув остида балиқларнинг сузганини томоша қилдик.
5. Биз севган таътил.

Ёдда сақланг!

Матн яратишда энг аввало сўз танланади, сўнгра шу сўзлардан сўз бирикмалари тузилади, сўз бирикмаларидан эса гаплар ҳосил қилинади. Демак, бир мавзу доирасидаги ёзма ёки оғзаки нутқ парчаси матн дейилади.

Матн нутқий ҳодиса бўлиб, у икки ва ундан ортиқ гапнинг мазмунан бирикишидир. Масалан: «Кўз. Ер ҳайдови бошланди» шаклидаги тўрттагина сўзнинг мазмунан бирикишидан тортиб, бутун бошли бадий асарлар, қиссалар, сахна асарлари ҳам матн ҳисобланади. Ҳар бир матн маълум бир нарса ёки воқеа-ҳодисани тасвирлайди, у ҳақида хабар беради ёки сўзловчининг муносабатини ифодалайди.

 **54-машқ.** «Қирғизистон – менинг Ватаним» мавзусида матн тузинг. Ёзган матнингизни оқ вараққа кўчириб, келгуси дарсда тақдимот қилишга тайёрланинг.

6-§. Таянч сўзлар. Сатр боши матн бўлаги сифатида

Оддий режа



55-машқ. Матн сарлавҳасини ўқинг ва у нима ҳақида бўлиши мумкинлиги ҳақида ўртоғингиз билан суҳбатлашинг.

Баркамол зот Онажоним!

Шу сўзни оғзимизни тўлдириб айтганимизда, меҳри вулқондай қайноқ, ҳиммати осмон каби баланд, қалби булоқ сувидай тоза бўлган, оила ташвишларини елкасига ортган, фарзандларига умр бўйи таянч бўлган, чехрасида кўнгил поклиги акс этиб турган хокисор онаизоримни, уларга ўхшаган муниса оналарни яратган Аллоҳга шукроналар айтаман.

Онанинг муҳаббати гоҳ сокин, гоҳ жўшқин, қаҳри шаббода каби ўткинчи, кўнгли ойна каби тиниқ, бардоши пўлатдай қаттиқ, иродаси беқиёс мустаҳкам, орзулари юлдузлар каби порлоқ, ниятлари сутдай оппоқ, суҳбатлари назмлардай сермазмун, насихатлари ҳаводай зарур.

Бу инсон қаердан олган экан шундай матонатни, меҳр-муҳаббатни, сабр-бардошни, келажакка ишончни?

(О. Абулфайзиёва)

Топшириқлар

1. Матнда хат бошини аниқланг. У қачон қўйилади?
2. Сарлавҳасини яна қандай номлаш мумкин?
3. Муаллифнинг саволига оғзаки жавоб беришга ҳаракат қилинг.
4. Қуйида таянч сўзлар берилган. Шу сўзлар ёрдамида муаллифнинг саволига ёзма жавоб бериб, матнни тугатинг.

Таянч сўзлар: бир томчи, яратганида, хислатларидан, Аллоҳ, шунинг учун, дуосини, оналарнинг, ижобат, бахтимиз, фаровонлигимиз, керак.


Абзац – хат бошидан иккинчи хат бошигача бўлган матндир. Ўзбек тилида сатр боши деб ҳам юритилади.

56-машқ. Ўқинг. Зарур ўринларга нукта қўйиб, гапларнинг чегарасини аниқланг. Сатр бошини ажратиб, кўчиринг. Сарлавҳа қўйинг.

Олам остонадан бошланади остона ҳатлаб уйдан чикдингми, бас, бутунлай бошқа олам оғушига қадам қўясан сенинг ҳар бир хатти-ҳаракатинг ўзгалар нигоҳи остида бўлади кишилар ҳам ўзгача: биров яхши, биров одобли, бошқаси одобсиз, биров ширинсўз камтарин, бошқаси қўрс, манман сен улар билан муомала ва мулоқотда бўлишинг катта ҳаёт қозонида қайнашинг лозим ана шу пайт сенда кўча-кўйда юриш ўзини тута билиш ва муомала

одоби ҳамда одатлари, улар билан боғлиқ «кўча одоби»намоён бўлади бунинг учун сен олдиндан тайёрланишинг зарур ушбу одобни билиб олиш ҳам қарз, ҳам фарз.

(М. Муродов)

 **57-машқ.** Ўқинг. Матнга оддий режа тузинг. Асосий фикрни тушунишга ҳаракат қилинг. Сарлавҳа билан матн мазмуни бир-бирига мувофиқми?

Хайр, Ер!

Кўрғошин тусли кумуш кема Миттивойдан сал нарига кўнди. Люк очилиб, ундан кийимлари ялтироқ бир киши тушди-ю, Миттивой томон югурди. Уни даст кўтариб олди-да, бағрига босиб: «Болажоним, бечора болам!» деганча хўнграб йиғлаб юборди. Кўз ёшлари Миттивойнинг юзини куйдирар даражада иссиқ эди. У кўзини очиб ҳанг-манг бўлиб қолди. «Қаердадир кўрганман, жуда таниш зангори кўзлар», ўйлади Миттивой.

– Тирик, хайрият, тирик экан! – нотаниш киши Миттивойни опичлаганча кема томон юрди.


Шерзод чопганича ҳовли этагига етганда кема ўз бағрига Миттивойни олиб, аста осмонга кўтарилмоқда эди.

– Эҳ, Миттивой кўрмади-да бу мўъжизани, ўйларди Шерзод хаяжонини зўридан энтикканча. – Учар ликопчани кўрганимни айтсам, ишонармикин?

Бу дамда «Эзгулик» сайёрасининг Катта олими ўғлига меҳр билан тикилганча пульта ни бошқариб борарди.

Миттивой хайрон бўлиб иллюминатордан пастга қаради. Ер ёнаётган олов шардай кичик бир нуқтага айланиб борарди...

(Ҳ. Имонбердиев)

 **58-машқ.** Қуйидаги берилган режа асосида кичик матн тузинг. Сарлавҳа кўйинг ва уни оқ вараққа кўчиринг. Ёзган матннингизни ифодали ўқиб, синф хонасидаги кўргазма бурчагига илиб кўйинг.

Режа:

1. Олтин куз келди.
2. Боғимиздаги олмалар.
3. Оиламизнинг ҳалол меҳнати.
4. Ҳосил мўл бўлди.

 **Саволларга оғзаки жавоб беринг.**

1. Матн нима?
2. Матннинг гапдан фарқли томонларини айтинг.
3. Матн сарлавҳаси нима?
4. Сарлавҳа орқали матн мазмуни олдиндан билса бўладими?

7-§. Матн турлари: тасвир, ривоя, муҳокама матнлари ва уларнинг асосий хусусиятлари

59-машқ. Топшириқ.

1. Қандай қушларни биласиз?
2. Сиз яшаган жойларда қайси қушлар кўпроқ учрайди?
3. Кўрган қушларни таниб, номини атай оласизми?
4. Каклик ҳақидаги тасаввурларингизни оғзаки гапириб беринг.
5. Матнни ўқинг. Мазмунини тушуниб, унга мос сарлавҳа қўйинг.

Какликни кўпчилик яхши билади. Унинг тумшуғи ва оёқлари қизил. Эркагининг пешонаси қора, бошининг тепаси кўкимтир кул ранг бўлиб, қизғиш ғубори қора йўлли. Какликнинг кўкраги оч ҳаво ранг. Оёқларида пихи бор. Оғирлиги 800 граммгача боради. Макиёни эса тўқ кул ранг, жуссаси кичикроқ, оёқларида пихи йўқ. Каклик ўтроқ яшашга мослашган. Тез югуради, аммо узокқа уча олмайди. *(Болалар энц.)*

6. Матнда какликнинг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган?

7. Каклик ҳақида катталар айтган афсона, хотираларни ёзиб олиш учун ён дафтарчангизга эслатма қўйинг.

7.1. Тасвирий матн

Тасвирий матнда воқеада иштирок этадиган шахслар бўлмайди. Унда асосан, табиат манзараси алоҳида нарсалар, буюмлар, воқеа ва ҳодисалар ҳамда иш жараёнлари тасвирланади. Матннинг бу турида тасвирланаётган нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос ташқи белгиларига аҳамият берилади. Тасвирий матнларни ўрганиш жараёнида йил фасллари, лола сайли, мактаб боғи, ишбилармон фермаси, пахта даласи, чўл, сахро, тоғ, дарё, шаҳар, қишлоқ ва ҳоказолар тасвири ёзилади.

Сиз юқорида ўқиган каклик ҳақидаги матн тасвирий матнга мисол бўлади.


60-машқ. Ўқинг ва кўчириб ёзинг. Берилган парчадан табиат тасвирига оид сўз ва ифодалар остига чизинг. Матндаги асосий фикрни аниқланг. Муаллифнинг қайси сўзлари сизга ёқди?


Бу йил Бахмалнинг баҳори ҳам мисли қўрилмаган даражада гўзал келди. Олам бирданига ясанди-ю, чамандек яшнаб, нурга тўлди.

Бойчечаклар кетидан ер бағрига қип-қизил гилам тўшалди. Кенг дала, кўз илғамас чўл, тоғ ёнбағирларидан тортиб, то зангори осмонга туташиб кетган уфққа қадар ҳамма ёқ лолалардан либос кийди. Тўйга ҳозирланган келинчак сингари ясаниб, ўз жамолини кўз-кўз қилиб қуёшга интилган хилма-хил гуллар чамандек очилиб, қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшарди. Бу ердаги гуллар ҳамиша бахмални эслатарди. Шунинг учун ҳам қишлоқ Бахмал номи билан

аталади. Баҳор фаслида дарахтлар Бахмал жамолига маст бўлган ошиқ булбуллар ошиёнига айланарди. Булбуллар бу ернинг гулшанига – бинафшалар, лолалар, турли-туман чечаклар билан безанган боғ-роғлар, далалар, яйловлар жамолига мадҳия ўқирди.

(Ш. Р.)


 **61-машқ.** Юқоридаги табиат тасвиридан фойдаланиб, «Мен туғилиб ўсган жой» мавзусида баён ёзинг.

 **62-машқ.** Қуйидаги парчада куёшнинг тонгда кўтарилиши манзараси тасвирланган, уни кўчириб ёзинг. Ўзингиз яшаган жойнинг тонгда куёш кўтарилиш манзарасини кузатинг.

Июль ойининг гўзал куни эди, яъни об-ҳаво узоқ вақт бир қиёмда турадиган кунларнинг бири эди. Эрта тонгдан бошлаб осмон бети тиниқ: тонг шуъласи қип-қизил бўлиб товланмай, оч қизғиш тусда ёйилади. Иссиқ қурғоқчилик вақтларидагига ўхшаш ҳароратли ва бўрон бошланиши олдидигига ўхшаш хира қизғиш тусда бўлмаса ҳам, лекин ёруғ ва ёқимли бўлган нурафшон куёш энсиз, узун булут парчаси остидан астагина балқиб чиқади, майингина ярқираб, унинг қизғиш зангори туманлари кўйнига яширинади. Узун булут парчасининг юқориги, ингичка чети илондай товланиб туради, у сип-силлиқ қумушдек ялтирайди... Жилвали ёғдулар нозкарашмалар билан яна бирдан оламга тараладилар; худди парвоз қилгандек бўлиб, ярқираб, дабдаба билан қудратли куёш юқорига кўтарилади.

(И. С. Тургенев)

Топшириқ. Ўзингиз яшаган жойда куёш қандай кўтарилади? Кузатганимиз? Синфдошларингизга сўзлаб беринг.

 **63-машқ.** Қуйидаги парчада куёшнинг ботиши тасвирланган, бу матн юзасидан ҳам юқоридагидек топшириқни бажаринг.

Кечқурун бу булутлар ғойиб бўлади; уларнинг тутун каби қорамтир ва ноаниқ тусда бўлган энг сўнгилари ботаётган куёшнинг рўбарўсига ўтиб пушти рангда ястаниб туради; осмонга тинч ва осойишталик билан ботган жойида – қоронғи ер устида бир оз вақтгача қизил шуъла бўлади, бу шуъла устида кечки юлдуз эҳтиётлик билан кўтарилиб борилаётган шам сингари астагина милтиллаб ёниб туради. Бундай кунларда ҳамма ранглар тиниқ, нозик ва равшан бўлади, аммо кўз камаштирадиган даражада ўткир бўлмайди; ҳамма нарсада кўнгилга ором берувчи қандайдир майинлик аломатлари бор. Бундай кунларда ҳаво баъзан исиб кетади, баъзан ҳатто далалар кўйнидан ховур чиқиб туради.

Топширик. 62 ва 63-машқларда берилган матнларни солиштиринг. Қиёсий жадвал тузиб, уларни икки устунга ёзинг.

64-машқ. Ўқинг. Она тили воситасида дунёни таниш ва ўрганиш ҳақидаги фикрларга ўз мулоҳазангизни билдиринг.

Она тили кишининг қон-қонига сингиб кетади. Она сути боланинг қонига таралиб, она сўзи унинг сезгисини уйғотади. Бора-бора боланинг тили чиқиб, ота-онанинг, оиланинг, бутун халқнинг одати, дастури бўйича эмин-эркин сўзлайдиган бўлади. Сут билан кириб ўрнашган шу тил одамнинг ёши улғайган сари унинг руҳий бойлигига, одамнинг белгиларидан бирига айланади.

(М. Балакаев)

? Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Тасвир матн нима?
2. Матннинг ташқи белгиларига қараб унинг тасвир матн эканлигини билса бўладими?
3. Тасвир матнга мисол келтиринг.

👤👤 65-машқ. Расмдаги нарса-буюмларни диққат билан ўрганиб чиқинг. Уларни тасвирлаб матн тузинг. Тузган матнингизни дўстингиз билан муҳокама қилинг. Тақдимотга тайёрланинг.



👤👤 66-машқ. Топшириқлар.

1. Матн билан танишишдан аввал сарлавҳани диққат билан ўқинг.
2. Матн нима ҳақида бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўринг.
3. Матнни ўқиб чиқиб, қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Воқеанинг кетма-кетлиги (дастлаб, сўнгра, нима билан тугади)	Менинг муносабатим
-------------------------------------------------------------------------	---------------------------

Ширин уйқу ва ширин овқат

Қадим замонларда бир кишининг учта ўғли бор экан. Вақти-соати келиб, отанинг қазоси яқинлашгач, болаларини ёнига чақириб шундай деди: Болаларим, сизларга қолдирадиган мол-мулким, тилла-кумушларим йўқ.

Фақат икки оғиз сўзим бор. Шунга амал қилсангизлар, камлик тортмай, яхши еб, яхши кийиб юрасизлар, дебди. «Уйқуни ширин қилиб ухланглар, овқатни ширин қилиб енглар» дебди-да, омонатини топширибди. Бу гапни катта ва ўртанча ўғил бир хил тушунишибди, кенжа ўғли эса бошқа нарсани уқибди. Катта ўғил ҳовлисига сув септириб, дарахт тагидаги супага қалин жойни тўшаб, вақт-вақти билан ёнбошлаб, отам айтганидай «уйқуни ширин қилиш керак» деб, устма-уст овқатлар қилдириб, «Отам айтгандай овқатни ширин қилиб ейиш шу-да», дея турли хил таомлар тановул қилиб юраверибди. Ўртанча ўғил ҳам акам отамнинг айтганини ўрнига қўйди, мен ҳам шундай қиламан, деб у ҳам «овқатни ширин қилиб, уйқуни ширин қилиб» яшайверибди. У ёққа ағанаб, бу ёққа ағанаб, еб-ичиб, еган овқатининг ҳам, ухлаган уйқусининг ҳам мазасини билмай юраверибди. Бора-бора ака-уканинг ейишга овқати-ю, кийишга кийими, ётишга кўрпаси қолмай, ночор аҳволга тушиб қолишибди.

Кенжа ўғил темирчилик ҳунарини ўрганибди. У ишлаб, ҳориб-чарчаб келганда еган қаттиқ нони-ю, ичган суви борган сари ширин татийверибди, устига устак давлати зиёда бўлиб кетаверибди... (ХОИ.)

4. Муаллиф матн якунида гапни нима учун уч нуқта билан тугатди?

5. Отанинг насиҳатини ким қандай тушунди?

6. Матндан ўзингиз учун қандай хулоса олганлигингизни оғзаки айтиб беринг.

7.2. Муҳокама матн

Она тили машғулотларида қўлланиладиган баён усулларида яна бири муҳокамадир. Муҳокама матннинг ўзига хос хусусияти шундаки, сўзловчи (ўқувчи) баён қилинаётган воқеа-ҳодисага ўз муносабатини билдиради, ўз фикрини исботлаш учун далиллар излайди ва уни асослашга интилади. У кузатиш, таққослаш натижаларига таяниб, маълум бир фикрни рад этади. Бу ҳақда ҳукмини чиқаради.

Муҳокама тарзидаги матнлар яхшилик ва ёмонлик, меҳнатсеварлик ва иш ёқмаслик, тўғрилиқ ва эгрилик, яхши сўз ва ёмон сўз, дўстлик ва душманлик, ботирлик ва кўрқоқлик, ҳалоллик ва текинхўрлик, одоб ва одобсизлик, кадр-қиммат ва кадрсизлик, сабр-қаноат ва сабрсизлик каби мавзуларда бўлиши мумкин.

Одатда муҳокама матн уч қисмга бўлинади:

- 1) исбот талаб қилган тезис;
- 2) далиллар (ёки аргументлар);
- 3) хулоса.

67-машқ. Матнни диққат билан ўқинг. Оддий режа тузиб, мустақил равишда баён ёзинг.

Қобил ва Ҳобил қиссаси

Қобил ва Ҳобил Одам алайҳиссаломнинг фарзандлари бўлиб, Аллоҳ таоло мўъминлар бундан ибрат олсинлар, деган мақсадда улар қиссасини «Қуръони карим» да зикр қилган.

Қобил қалби хаста, ёмонликка мойил, таъма ва гуноҳга интилувчи, ҳақ ҳукмига унамай саркашлик қиладиган инсон эди. Унинг акси Ҳобил ҳаққа бўйсунувчи, солиҳ тақволи эди. Қобил билан Ҳобил ўртасида пайдо бўлган ихтилоф яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашдир. Улар орасида ихтилоф пайдо бўлишининг сабаби ҳақида қуйидаги ривоят бор.

Ривоятда айтилишича, Ҳобил қўйчилик билан, Қобил эса деҳқончилик билан машғул эди. Улардан ҳар бири бор нарсани Аллоҳ йўлида қурбонлик қилишга жазм этди. Ҳобил қўйларининг ичидан энг яхшисини қурбонликка танлади. Қобил эса қурбонлик учун энг паст буғдойдан ажратди ва иккаласи ҳам Аллоҳ учун атаган қурбонлигини бир жойга қўйдилар. Шунда осмондан ўт тушиб, Ҳобилнинг атаган қурбонлигини куйдирди-ю, Қобилнинг қурбонлиги қолди. Аллоҳ Қобилнинг укаси Ҳобилнинг қурбонлигини қабул этиб, Қобилнинг қурбонлигини қабул этмаганлиги учун унга нисбатан ҳасад қилиб, ўз укасини ўлдирди.

(Ҳадисдан)

Топширик

1. Қобил ва Ҳобилнинг адоватига нима сабабчи бўлди?
2. Нима деб ўйлайсиз, муаммони яхши йўл билан ҳал қилиш мумкинмиди?
3. Ҳасад нимага айланиши мумкинлигини ўйлаб кўринг.
4. Ака-уканинг тақдири ҳақида ўз хулосаларингизни беринг.

68-машқ. Матнни ўқинг. Муаллиф шаҳар ҳақида нималарни айтиб бераётганлигига диққат қилинг. Матнга сарлавҳа қўйинг. Бу қандай матнга мисол бўлади?

Матнни ўқиб чиқиб, қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Воқеанинг кетма-кетлиги (дастлаб, сўнгра, нима билан тугади)	Менинг муносабатим

Шаҳар кўчаларидан кетар эканмиз, беихтиёр бир-биридан кўркам биноларга нигоҳ ташлаймиз. Мана шундай биноларни, иншоотларни кўрар экан-

миз, жазирама иссиқда ҳам, қаҳратон қишда ҳам тиним билмайдиган қўли гул қурувчиларнинг меҳнатига тасаннолар айтгимиз келади. Зеро, шулар туфайли юртимиз чиройига-чирой, кўркига-кўрк қўшилмоқда.

7.3. Ривоя матн

Ривоя матни тасвирий матндан воқеанинг изчилликда берилганлиги, унда иштирок этувчи шахсларнинг борлиги, диалогик нутқдан фойдаланиш билан ажралиб туради. Бундай матнларда воқеа-ҳодиса бир мазмуний яхлитликни ташкил этади.

Матннинг бу турида далиллар ва уларнинг тафсилотига алоҳида ўрин ажратилади. Воқеалар ҳикоя тарзида берилади. «*Бизнинг оила*», «*Ёз қунларининг бирида*», «*Дарвозабон*», «*Раҳим касал бўлиб қолди*» каби мавзуларда яратилган матнлар шулар жумласидандир.

1-топширик. Матнни ўқинг ва унинг тузилишига эътибор беринг.

Кичик чавандоз

Отбоқарнинг кенжа ўғли Қўзибой отхонага кириб, охурга тирмашиб чиқди. Тирсагининг кирилиб кетганига қарамай, отни ечди. У яйдоқ отга миниб, бармоқлари билан от ёлини тараб қўйди. Кейин отнинг бўйнига уриб, дадасига ўхшаб; «Ҳа, жонивор!, ҳа, жонивор!» – деб қўйди.

От гурс-гурс қадам ташлаб, отхонадан ташқарига чиқди. Қўзибой отни анҳорга олиб бориб суғорди. От сув ичаётганда, Қўзибой катталарга ўхшаб, хуштак чалиб турди. Қайтишда отнинг йўғон қовурғаларига уриб, уни чопишга ундади. От парво қилмай, секин кетаверди. Қўзибой зарда билан арқонни силтаб, икки товони билан ниқтади.

Кекса от индамай кетаверди. Қўзибой яна дўқ урди:

– Чу! Чу! От беихтиёр чопиб кетди. У яна секинлашаётган эди, Қўзибой товонлари билан илгаргидан қаттиқроқ ниқтаб, дўқ қилди.

От чопиб кетди, шу чопганича тўхтамай отхонага етиб борди.

Қўзибой отни яна боғлаб қўйди. Кейин бармоқлари билан отнинг ёлини тараб:


Ҳа, жонивор! Ҳа, жонивор, – деб қўйди. (*Мирм.*)


2-топширик

1. Матндаги асосий фикрга сарлавҳа мос тушганми?
2. Сизнингча, матнни яна қандай номлаш мумкин?
3. Болани кичик чавандоз деб аташга ишора қилган сўзларни топинг.

❓ Саволларга оғзаки жавоб беринг

1. Муҳокама матн нима?
2. Ривоя матн қандай бўлиши керак? Муҳокама матн билан солиштиринг.
3. Сиз ўқиган матнлардаги қаҳрамонларнинг матндаги ўрни қандайлиги ҳақида суҳбатлашинг.
4. Ҳар бир матнга оид биттадан матнни уйда ўкиб, ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.
5. Гуруҳда тасвир, муҳокама ва ривоя матнларнинг ўзига хос ва фарқли жиҳатларини таққослаб Венн диаграммаси тузинг.
6. Дарслигингиздаги матн турларига берилган қоидалардан фойдаланинг.



 **69-машқ.** 59-машқда берилган каклик ҳақидаги матнни ривоя матнга айлантириб ёзинг. Қайси жумлаларни ўзгартириш мумкинлигини ўйлаб кўринг.

СИНТАКСИС ВА ПУНКТУАЦИЯ


8-§. Сўз бирикмаси

1-топширик


Катта мактаб, чиройли мактаб, баланд мактаб бирикмаларидаги тобе (эргаш) ва ҳоким (бош) қисмларни аниқланг.


2-топширик

Мактаб сўзига қайси сўзлар боғланиб келяпти? Савол беринг.



Икки сўзнинг грамматик ва оҳанг жиҳатидан тобе бўлиб боғланиши сўз бирикмаси дейилади. Сўз бирикмаси ҳоким (бош) ва тобе (эргаш) сўздан тузилади. Сўроқ ҳамма вақт ҳоким (бош) сўзга қараб берилади. Сўроққа жавоб бўлган сўз тобе (эргаш) сўз ҳисобланади. Тобе (эргаш) сўз ҳоким (бош) сўзга боғланади. Масалан:



 **70-машқ.** Қуйидаги мақол ва матнни ўқинг. Шеригингиз билан унинг маъносини тушуниб, изоҳлашга тайёрланинг. Сизга яхши таниш бўлган сўзларни танлаб, алоҳида устун шаклида ёзинг. Уларни намунадагидай сўз бирикмаларига айлантиринг.

Намуна: сўз – муҳим сўз, аччиқ сўз, сўзни уқмоқ.

Сўз – кишининг ўзаги,

Одоб – унинг безаги

(Халқ мақоли)

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз кўпдан-кўп халқ мақоллари орқали авлодларга сўзлаш одоби юзасидан қимматли маслаҳатлар, насиҳатлар айтиб қолдиришган. Қадимдан кишилиқ жамиятида сўз, сўзлаш ва қандай сўзлаш жуда муҳим аҳамият касб этган.

 **71-машқ.** Сўзларни ўқинг. Улар англатган маъноларни тушунтириб беринг.

- 1) китоб
- 2) беҳи
- 3) куй
- 4) қизча
- 5) тоғ

Қуйида берилган сўз бирикмаларини ўқинг. Юқорида берилган сўзларнинг маъносини тушунишда қандай ёрдам берапти?

- 1) китобни ўқимоқ, қизиқарли китоб;
- 2) нордон беҳи, беҳини чизмоқ;
- 3) ёқимли кўй, кўйга мосламоқ;
- 4) ақлли қизча, қизчага аталган;
- 5) улкан тоғ, тоғдан тушмоқ.

– сўз бирикмаларидаги ҳоким ва тобе сўзни аниқланг;

– ҳоким сўздан тобе сўзга савол беринг, сўзлар қайси сўз туркумига оидлигини аниқланг.



72-машқ. Гаплар таркибидан сўз бирикмаларини ажратиб олинг ва уларнинг боғланиш усулларига изоҳ беринг.

1. Адабни беадабдан ўрган. 2. Ақл ақлдан қувват олади. 3. Ақл бозорда сотилмас. 4. Айбини яширмоқ нодонлар иши. 5. Ақлдан ортиқ бойлик йўқ. 6. Аҳмоқнинг катта-кичиги йўқ.

73-машқ. Кўчиринг. Ҳар бир сўз бирикмасидаги ҳоким сўзни топиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Каримнинг ручкаси, нурли хона, қизил гул, дўстларнинг иккови, қизнинг чиройи.

Намуна: Баланд тоғ бирикмасида бош сўз – тоғ. От сўз туркуми билан ифодаланган.



74-машқ. Кўчиринг. Берилган сўз бирикмаларидаги ҳоким сўз билан тобе сўзларни аниқланг.

Даладан келмоқ, ўқитувчи билан учрашмоқ, санъат ҳақида баҳслашмоқ, иккинчи учрашув, янги китоб, ҳиндистонлик санъаткор, тоғдан баланд, бола-ларнинг шов-шуви.

75-машқ. Кўчиринг. Берилган сўз бирикмаларидаги ҳоким сўз билан тобе сўз қандай боғланганини аниқланг.

Боғда ишламоқ, қаламда ёзмоқ, сеvimли ёзувчимиз, синфдош билан учрашмоқ, машинада келмоқ, машина билан келмоқ, тез юрмоқ, тадбиркор киши, аълочи ўқувчи, мустақил Қирғизистон.

Намуна: Қалам билан чизмоқ (кўмакчи ёрдамида)


Ўқишдан келмоқ. (келишиқ кўшимчалари ёрдамида)





76-машқ. Ўқинг. Аввал ҳоким сўзи феъл бўлган, сўнг ҳоким сўзи от бўлган сўз бирикмаларини кўчиринг.

Намуна: Масалани ечмоқ. Яхшининг фазилати.

Мақтабнинг боғи, китобни варақламоқ, интизомли бола, китобдан ўқимоқ, аълочи ўқувчи, шаҳарга бормоқ, тоққа чиқмоқ, дарсда ўтирмоқ, масаланинг жавоби.

 **77-машқ.** Ҳоким сўздан тобе сўзга савол беринг, сўзлар қайси сўз туркумига оидлигини аниқланг.



 **78-машқ.** Қуйидаги сўзлар ёрдамида сўз бирикмалари тузинг.

Намуна: Одобли қиз.

Одобли, чиройли, икки, меҳрибон, астойдил, фидокорона, ҳар бир, ўқи, ёз, эшит.

79-машқ. Берилган мақоллардаги сўз бирикмаларини аниқланг. Сўз бирикмаларида ҳоким сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.


1. Тўғри сўз болдан ширин. 2. Қўрқоққа қўш кўринар. 3. Текиннинг миннати, меҳнатнинг зийнати кўп. 4. Ақл ва донолик кишига безакдир.

80-машқ. Берилган сўзлардан гаплар тузинг. Улардаги сўз бирикмаларини белгиланг.

Намуна: Фойдаланамиз, биз, тўғри, вақтдан.

Биз вақтдан тўғри фойдаланамиз: 1. Вақтдан фойдаланамиз. 2. Тўғри фойдаланамиз.

1. Кўркам, қандай, пахтазор, бепоён. 2. Яхши, қандай, куз, тўкин. 3. Бузманг, инини, қушларнинг. 4. Севамиз, жонажон, биз мактабимизни. 5. Чакқон, бажардилар, ўз, вақтида, болалар, топшириқни. 6. Олиб, кирди, гул, ҳидини, шабада, ёқимли, хонага.

 **81-машқ. Грамматик ўйин.** Нон сўзи иштирокида ким энг кўп сўз бирикмаси туза олади? Топшириқни ёзма бажаринг.


82-машқ. 1-топшириқ. Қуйида берилган сўзларни гуруҳларга ажратинг.

Анжир, анор, олча, нашвати, олма, лимон, кичкина гилос, ўрик, қимизак олма, тут.

1) нордон

2) ширин

2-топшириқ. Синоним ва антонимлардан тузилган сўз бирикмаларининг ясалишига диққат қилинг.



83-машқ. Ватан, тинчлик сўзлари иштирокида сўз бирикмалари тузинг.



Саволларга оғзаки жавоб беринг

1. Сўз бирикмаси деб нимага айтамыз?
2. Қандай боғланишга тобе боғланиш дейилади?
3. Ҳоким сўз деб нимага айтилади?
4. *Қалам қизилдир* ва *Сув – тоза* гапларини сўз бирикмаларига айлантинг.
5. *Улкан бино* сўз бирикмасидаги ҳоким ва тобе бўлакни айтинг.
6. Савол қайси бўлақдан қандай бўлаққа қараб берилади?

9-§. Гап

Биз гап ёрдамида бирор нарса ҳақида хабар берамиз, сўраймиз, илтимос қиламиз, буюрамиз. Сўзларни муайян қоидалар асосида бир-бирига боғлаймиз, натижада гап тузилади.

Сўзларнинг бир-бирига боғланиши, гап ва унинг турларини ўргатадиган бўлим синтаксис; тиниш белгилари ва уларни ёзма нутқда тўғри қўйишни ўргатувчи бўлим эса пунктуация дейилади.

1-топширик

Сўзларни ўқинг. Берилган сўзларни қўшимчалар ёрдамида бир-бирига боғлаб, гап тузиб ёзинг.

1. Биз, дунё, тинчлик, бўлиши, истамок.
2. Билим, манбаи, бўлган, китоб, севмоқ.
3. У, Чингиз Айтматов, қиссалар, севмоқ, ўқимок.
4. Баҳор, кел, далалар, иш, бошламоқ.
5. Кутубхона, мен, дўстлар, кирмоқ, билан.

2-топширик

Матнни ўқинг. Гап билан сўз бирикмасининг фарқини тушунтиринг.

Ватан –она,

Ватан –жаннат.

Ватан –иқбол чироғи.

Ватан –жаҳон юрагидир.

Ватан –ҳаёт булоғи.

(Амин Умарий)

Гап тугалланган оҳанг билан айтилади.

Гапда сўзлар ўзаро грамматик боғланади. Бош бўлақлар гапнинг асосини ташкил қилади. Ёзувда гап охирига нуқта, сўроқ ёки ундов белгиларидан бири қўйилади ва ҳар бир гап бош ҳарф билан бошланади: *Кеч куз келди. Уй вазифасини бажардингми? Яшасин Мустақиллик байрами!*



84-машқ. Матнни ўқинг. Мазмунини бир-бирингизга қайта ҳикоя қилиб беринг. Кенжа ўғил жавобларига ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

Ақл ва бойлик

(Эртак)

Бир чолнинг тўрт ўғли бор экан. Бир куни чол:

– Ўғилларим, мен қариб-қартайиб қолдим, – дебди.

– Орангиздан биттангиз оила бошлиғи бўлишингиз керак. Ким ақлли ва давлатманд бўлса, ўша менга меросхўр бўлади. Ҳар қайсингиз менга ақлли ва давлатманд эканлигингизни кўрсатинг.

Энг катта ўғил зумрад кўзли олтин узук такқан қўлини узатиб дебди:

– Мана бойлигим, бой одамда ақл ҳам бўлади.

Иккинчи ўғил зарбоф чопонини кийиб кўрсатибди:

Шу пайтда мени кўрган киши бойлигимга, ақлимга қойил бўлади, – дебди.

Учинчи ўғли кумуш ва жавоҳирлар қадалган камарини белига боғлаб, дебди:

Ҳеч ким умрида бундай камарни кўрган эмас.

Чол бошини чайқаб, катта ўғилларига бир нима демабди.

Кенжа ўғлига қараб:

– Нега сен индамайсан? Сен қайси бойлигинг билан мақтанасан? – дебди.

– Менда зумрад кўзли узук ҳам йўқ, зарбоф чопон ҳам йўқ, қимматбахо камар ҳам. Лекин меҳнаткаш қўлим бор, ботир юрагим, ақлли бошим бор.

Кенжа ўғилнинг жавоби чолга ёқиб, бор-йўғини унга мерос қолдирадиган бўлибди. Катта ўғилларига унинг сўзидан чиқмасликни тайинлабди.

Топширик

1. Ота нима учун болаларига юқоридаги савол билан мурожаат қилди? У бошқача йўл тутиши мумкинмиди?

2. Ўғилларнинг ўзига хос дунёқарашини қайси ишидан билиб олиш мумкин?

3. Нима учун кенжа ўғилнинг жавоби отасига маъқул бўлди?


85-машқ. Берилган сўзларни бир-бирига боғлаб гаплар тузинг.

1. Биз, топшириқлар, ўз вақтида, бажарамиз.

2. Шаҳарлар, кўп, қаватли, бинолар, қурилмоқда.

3. Биз, жонажон, Ватан, гуллаб, яшнамоқда.

4. Биз, ўқиш, учун, қулай, шароит, яратилган.

 **86-машқ.** Гапларнинг чегарасини аниқланг. Зарур тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Бир сўздан тузилган гапни топинг, уни тугалланган оҳанг билан ўқинг.

Куз. Кузда учиб кетадиган қушлар иссиқ ўлкаларга қараб йўл олишди синфимиз ўқувчилари боғбонга қишга тайёргарлик ишларида ёрдам беришди мактаб ҳовлисига тўкилган барглари супуриб тозаланди дарахтлардаги учиб кетган қушларнинг инлари пана жойларга йиғиштириб қўйилди боғда қишни кутиб турган сокинлик бошланди.

10-§. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари

Топшириқ

Берилган гапларнинг бир-биридан фарқини топинг.

1. Биз дунёда тинчлик бўлишини истаймиз. 2. Майин шабада кўм-кўк япроқларни аста тебратди. 3. Тўкин куз қандай яхши! 4. Қани энди сенга ўхшаб ҳамма ақлли бўлса! (С. Аҳм.)

5. Фан кўкида қил парвоз,

Тинмасдан ўқи, ўрган! (Қ. М.)

6. Пода яйловдан қайтдими? (С. Аҳм.)

Гаплар ифода мақсадига кўра тўрт хил бўлади: дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап.


87-машқ. Матнни ўқинг. Гапларнинг ифода мақсадига кўра турларини айтиб беринг.

Сиз сой бўйида сувга тикилиб, узоқ ўтирганмисиз? Шундай қилсангиз, сув устида учиб юрган тумшуғи оқ, қанотлари жигар ранг қушчани кўрасиз. Бу сув чумчуғидир. Бу қушча сув устида тўсатдан пайдо бўлиб, оқимга қарши суза бошлайди. Сўнг тўсатдан йўқ бўлиб қолади. Бу пайт қушча сув остида оқимга қарши сузиб бораётган бўлади. У сув остида ўзига озука кидиради.

Болалар, қушлар бизнинг дўстимиз! Қушларни қандай қуш бўлишидан қатъий назар авайлаб, асранг!

(Болалар энц.)

88-машқ. Тўрт гуруҳга бўлининг. 1-гуруҳ истак гапларга, 2-гуруҳ буйруқ гапларга, 3-гуруҳ сўроқ гапларга, 4-гуруҳ дарак гапларга бештадан гап тузинг. Тузган гапларингизнинг ифода мақсадини тушунтиринг.

 **89-машқ.** Дўстингиз билан биргаликда гапнинг мақсадга кўра турларига мисол келтириб, қиёсий жадвални тўлдиринг.

Гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари	Тиниш белгиларининг ишлатилиши	Айтилиш оҳанги	Ифода мақсади

11-§. Дарак гап

1-топширик. Ўқинг. Қайта ҳикоя қилинг

Мактабимизда катта мевали боғ бор. Дарсдан бўшаганимизда бокқа кирамиз. Олма, анор, гилос ва бошқа шу каби меваларнинг тагини юмшатамиз, қуриган шохларини жажжигина арра билан арралаймиз. Албатта бу ишларимизда синф раҳбаримиз бизга бош-қош бўлади. Дарахтларга кушлар учун уйчаларни меҳнат дарсларида ясаб, илиб қўйганмиз. Биз мактаб боғидаги мева дарахтларини яхши парвариш қиламиз.

2-топширик. Юқоридаги матнда нима ҳақида хабар берилмоқда?

Дарак гапда бирор воқеа-ходиса ҳақида хабар берилади. Дарак гапларнинг кесими дарак-хабар маъносини билдирувчи сўзлар ёрдамида ифодаланади.

Дарак, хабар маъносини билдирувчи гапларга дарак гап дейилади. Дарак гап охирига ёзувда доимо нукта (.) қўйилади: *Дарё кумушдек ялтираб кетди.*

90-машқ. Гапларнинг мазмунига мос равишда тиниш белгиларини қўйинг. Матнда 8 ерда вергул ва 2 та нукта бор. Уларни ўз ўрнига қўйиб гапларни кўчиринг.

Қамиш она заминдан оби-ҳаёт сувдан қувват олиб ўсаётгани эсидан чиқиб осмонга бўй чўзиб бундан завқланиб ўзлигини унутар экан охир-оқибат бўйра бўлиб оёқ остига ташланиб тепаланади. Асло буни ёдингдан чиқарма ўзингдан кетсанг шу аҳволга тушишинг муқаррар.

91-машқ. Матнни диққат билан ўқинг. Сиз учун муҳим бўлган жойларга «!» белгиси қўйинг. Нима учун бу белгини қўйганлигингиз ҳақида кичик тақдимот тайёрлаб, матн мазмуни ҳақида ўз фикрларингизни айтинг.

Уйқу

Уйқу – жисмимизнинг табиий дам олиши бўлиб, у бир маромдаги ҳаёт фаолиятини тутиб туради. Уйқу бош мия хужайраларини ҳолдан тойишидан ва емирилишидан сақлайди, уларнинг бедорлик учун сарфлайдиган қувватини тиклайди.

Турли хилдаги ахборотлар тобора кўпайиб бораётган бизнинг давримизда одамлардан: «...кун бўйи ишларимни битира олмайман», «...касбимга оид адабиётларни ўқишга вақтим йўқ» ва шунга ўхшаш гапларни кўп эшитамиз. Бундан ташқари, яна бирорта қизиқарли китоб ўқигинг, кинога боргинг, дўстларинг билан йиғилишиб ўтиргинг келади. Шу муносабат билан ўз


кун тартибини тўғри ташкил қила олмаган одам уйқу ҳисобига вақтларини тежашга уриниб, иложи бўлса, 2-3 соат кеч ёгадилар, баъзан эса кечаси узок ўтирадилар, бу эса ҳар хил кўнгилисиз оқибатларга олиб боради. Бундай ҳолда одам яхши ухлай олмайди. Кундузи эса руҳи анча паст бўлиб иши унмайди.

Мунтазам уйқуга қонмай юриш натижасида одамнинг ҳоли қурийдиган бўлиб қолади, жисмоний ва аклий меҳнат унумдорлиги пасайиб кетади. Бунинг натижасида организм ташқи муҳитнинг турли хилдаги ёмон таассуротларига чидамай сусайиб қолади.

Ҳаддан ташқари кўп ёки узок ухлаш шунга олиб келадикки, одам лоқайд, ланж бўлиб қолади, унинг қобиляти ва ҳаётий фаолияти пасайиб кетади. Шуни унутмаслик керакки, бир ҳафта мобайнида тўйиб ухламасликнинг ўрнини, худди бир ҳафталик овқатни бир кунда еб бўлгандек, дам олиш куни кечгача ухлаш билан тўлдириб бўлмайди.

Катта ёшли одам кечаси 7–8 соат, болалар эса 9–10 соат мириқиб ухлаши керак.

(В. В. Агафонов)

 **92-машқ.** Гапларни кўчиринг. Дарак маъносидаги гапларни сўроқ гапга айланттириш мумкинми, ўйлаб кўринг.

1. Вақт пешиндан оққан эди. (О.) 2. Бу кеча ҳам уларнинг маслаҳати пишмади. (С. Аҳм.) 3. Дўсти кўп одамлар бахтли ҳисобланадилар. (Кайковус) 4. Бўри тулкининг гапига ишониб, бир сакраб челаққа тушибди. (Эрт.) 5. Савдогар рози бўлиб, ҳозирча аҳдини айтмай турадиган бўлибди. (Л. Толстой) 6. Эркин ноқулай аҳволга тушиб қолди. (С. Аҳм.)

12-§. Сўроқ гап

1-топширик. Қуйида берилган гаплар ифода мақсадига кўра қандай гап эканлигини аниқланг ва қайта ўқинг.


Ёзги таътилда нима ишлар қилдингиз? Газета, журнал ва китоблар ўқидингизми? Ўқиган китоблар, кўрган кинофильм, спектакль, телекўрсатувлардан сизга кўпроқ қайсилари ёқди?


2-топширик. Ким, нима, қачон сўзларини катнаштириб гаплар тузинг.

Сўроқ мазмунини билдирган гаплар сўроқ гаплар дейилади. Сўроқ гаплар сўроқ олмошлари (ким?, нима?, қаер?, қанча? каби) ва сўроқ юкломалари (-ми, -чи, -а (-я) ёки сўроқ оҳанги ёрдамида ҳосил бўлади: *Таътилда қаерга борасиз? Мактабга бирга борамиз-ми? -Эрталаб барвақт мактабга борамиз. -Барвақт?* Сўроқ гап охирига ёзувда сўроқ белгиси (?) қўйилади.

93-машқ. Кўчиринг. Сўроқ гаплар қандай воситалар ёрдамида тузилганини айтинг.

1. Гапирсанг-чи, нега ғиқ этмайсан? (С. Аҳм.) 2. Сен космонавт бўлмоқчимисан? (С. Аҳм.) 3. Синфингизда ким яхши ўқийди? 4. Яшаб турган жойингизнинг тарихини биласизми? 5. Кел, кўзим, нима ишинг бор? 6. Халқ орзусини амалга оширишдан катта бахт борми? 7. Қирғизистонда нечта вилоят бор?

 **94-машқ.** Қандай?, қанақа?, нима?, қаер?, қанча? каби сўроқ олмашлари иштирок этган гаплар тузинг ва изоҳланг.

 **95-машқ.** Берилган дарак гапларни сўроқ гапларга айлантинг.

1. Динак жуда камбағал экан. (*Ҳинд эртаги*) 2. Бир камбағал одам бойни-кига келиб, садақа сўрабди. (*Л. Толстой*) 3. Хасис киши ана шу ёмон феъли туфайли дарёга чўка бошлади. (*А. Н.*) 4. Сичкон буғдой тушадиган тешикни каттароқ очибди. (*Масал*)

96-машқ. Ўқинг. Сўроқ гапларнинг қандай воситалар ёрдамида шаклланиганини аниқланг.

1. Ўзи-чи? Оиласи-чи? Бу кетишда келажаги нима бўлади? (*О. Ё.*) 2. Таом устида Раҳимов Жайрондан сўради: – Қизим, маршрут ўзгармаганми? Меҳмонларни қаерга обормоқчисиз? (С. Аҳм.) 3. Ясовул чиқиб кетгандан кейин мингбошига юзланиб: – Отни ким миниб боради? – деб сўради. (*М. И.*) 4. – Шом вақтида келдим, – деди Йўлчи, – нега мунча ҳовлиқасиз, нега мунча ташвиш? (*О.*)

Топширик. Шоир куз фаслини қандай тасвирлаганини айтиб беринг.

Куз. Сунбула

Тош ўчоқда ёқилган ўт
Тафти бироз сўндими?
Япроқ териб юрган шамол
Бир қоқилиб, тиндими?

Йилтир-йилтир мезон ипи
Бўш чанокқа индими?
Ўроқ кўрмай ўсган қамиш
Най бўлмасдан синдими?

Сойни кечиб музлаган тош
Қирғоқда исиндими?
Шитирлаган ёмғирда дил
Майсадай ювиндими?

Жар бошида тикангулнинг
Шохига ой қўндими?
Қор исини туйган кузак
Оҳиста хўрсиндими?

(*А. Эшон*)



97-машқ. Гапларни кўчиринг. Сўроқ олмошлари иштирок этган гапларни сўроқ гапларга айлантинг.

1. Масаланинг қандай ҳал бўлиши фақат сизга боғлиқ. 2. Қанақа ўйлашингиздан қатъий назар, боланинг бу фикридан қайтара олмайсиз. 3. Мен нима дейман, кўбизим нима дейди. (М.) 4. Раис, албатта, қоқоқ киши эмас, бекорчи ҳам эмас, аммо биз қачон, қаерда ва қайси шароитда яшаётганимизни унутмаслигимиз керак. (И. Раҳим) 5. Ер қанча муҳлат билан олинган бўлса, қарзи шу муҳлат ичида тўланади. (А. Қ.)

13-§. Буйруқ гап

1-топшириқ. Аввал илтимос ва ялиниш, ғазаб, сўнгра буйруқ маъносини билдирган гапларни аниқлаб кўчиринг.

1. Бу гапларимни сир тутишингизни сўранаман. 2. Шоҳруҳ, менга рангли қаламларингни бериб тургин. 3. Эшакка тесқари миндириб кел! Сазойи қилиб кел! Ҳамма кўрсин! Юзига қора сурт итваччанинг! Тез бор! (М. И.) 4. Ўқувчилар вақтдан тўғри фойдаланинг. 5. Қурилишда обрўйинг ошади, шу ердан кўтарилиб кетасан, деб айтгани келдингми?! (О.)

Буюриш, даъват қилиш маъноларини билдирган гаплар буйруқ гаплар ҳисобланади. Буйруқ гапларнинг кесими буйруқ шаклидаги феъллар орқали ифодаланади: *Яхши ўқи. Яхши юр. Одобли бўл.*

Буйруқ гап охирига ёзувда нуқта (.) қўйилади.

98-машқ. Ўқинг. Берилган гапларнинг мақсадга кўра турини аниқланг, тиниш белгиларини қўйинг.

1. Мустақиллик байрамнинг муборақ, Она юртим 2. Бугунги ишни эртага қўйма (М.) 3. Эй, сиз, менинг кичик дўстларим, Ватанингиз севар шунчалар (З. Д.) 4. Дарсда ўқитувчининг тушунтиришини диққат билан тингла 5. Ўқишда юқори кўрсаткичларга эришайлик 6. Ўқувчилар қондасига риоя қилиш керак.

99-машқ. Илтимос, маслаҳат, таклиф, чақирик, дўқ маъноларини билдирган бешта буйруқ гап тузинг.

100-машқ. Қуйидаги дарак гапларни буйруқ гапларга айлантинг.

1. Ўқувчилар вақтдан тўғри фойдаланадилар. 2. Болалар ғайрат ва чидам билан ўқийдилар. 3. Ўқувчилар ўқитувчининг тушунтиришларини диққат билан тинглайдилар. 4. Болалар қушларга ғамхўр бўладилар, уларнинг инини бузмайдилар.

Изоҳ: Кўбиз – қолғу асқобларининг тури.



101-машқ. Берилган буйруқ гапларни мазмун жихатидан турларга (буйруқ, маслахат, илтимос, истак) ажратинг.

1. Қани энди, Аъзамжон ҳам шунақа бўла қолса эди. (С. Аҳм.) 2. Қани энди ўша кунлар қайтиб келса. (С. Аҳм.) 3. Ширин юзингдан ширин сўзинг яхши, деган эскилар. Ширин сўзингни аяма булардан, болам. (О. Ё.) 4. – Бўлмаса, сиздан илтимос, – вилоят раҳбари Шукуровга юзланди, – шахсан ўзингиз ўша аёлни чақириб, бир гаплашсангиз. (О. Ё.) 5. Ўша кунларни қайтаришнинг иложи бўлса эди. (С. Аҳм.)

14-§. Истак гаплар

1-топшириқ. Келса, кирса, бўлса сўзлари иштирок этган тўртта гап тузинг.

2-топшириқ. Тузган гапларингиз ифода мақсадига кўра қандай маъно билдирипти?

Кесими -са шаклидаги феъллар орқали ифодаланган гаплар истак гап ҳисобланади. Истак гаплар буйруқ гапларнинг ичидан ажралиб чиқади: *Қани энди ўзим орзу қилган ўқишга кирсам.*

Истак гаплар охирига ёзувда нуқта (.) қўйилади.

102-машқ. Истак маъносини изоҳлаётган гап бўлагини аниқланг. Айнан шу бўлакни дарак, сўроқ гаптаги шаклларини ясанг.

1. Менинг бирдан-бир орзуим дунё болалари фақат тинчликда яшасалар.
2. Ватаним доимо фаровонликда бўлса, халқи ҳам хотиржам бўлади.
3. Қани энди, мен ҳам отамдек қаҳрамон бўлсам.
4. Ниятим, юртимизнинг бугуни кечагидан, эртаси бугунидан яхшироқ бўлса.
5. Тилагим, онам бахтимизга соғ-саломат бўлса.

103-машқ. Берилган гапларни истак гапларга айлантинг.

1. Албатта, сизнинг олдингизга бораман.
2. Бизнинг лойиҳамиз танловда ютиб чиқди. (О. Ё.)
3. Миллатнинг дардига дармон бўлинглар. (А. Темур)
4. Эртага бувимникига борамиз.
5. Мактабда хайрия жамғармаси ишлайди.
6. Душман кетиб, дўст кўпаяр. (Кўшиқдан)

104-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Истак гапларни топиб, изоҳланг.

Қандай яхши,
Боғларда гул кўкарса.
Қандай яхши,
Дўстлар сафи кўпайса.

Қандай яхши,
Дўстлар сенга ишонса.
Қандай яхши,
Кувонтирса, қувонса.

(П. Мўмин)



105-машқ. Қуйидаги гапни сўроқ, буйруқ, истак гапга айлантинг.

Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшашни ўрганайлик.

Инсон нималарга ва кимларга ҳавас қилиши зарур? деган савол устида ўйлаиб, шу мавзу юзасидан эссе ёзинг.

15-§. Ҳис-ҳаяжон гаплар

Ҳис-ҳаяжон оҳанги билан айтилган дарак, сўроқ, буйруқ гаплар хис-ҳаяжон гаплар саналади: *Иссиққўл нақадар гўзал!*

Ҳис-ҳаяжон гапларда кўпинча нақадар, қанча, шундай, қандай сўзлари ҳамда ундов (эҳ, оҳ, о, уф каби) сўзлар ҳам иштирок этиши мумкин: *Нақадар гўзалсан, она Ватаним! Эҳ, қиш бунча совуқ бўлмаса!*

Ҳис-ҳаяжон гапларнинг охирига ёзувда ундов (!) белгиси қўйилади.

Агар сўроқ мазмуни кучли бўлса, аввал сўроқ (?) белгиси, сўнгра ундов (!) белгиси қўйилади: *Тезроқ келмайсизми?!*

Агар хис-ҳаяжон кучли бўлса, аввал ундов (!) белгиси, сўнгра сўроқ (?) белгиси қўйилади: *Фарзанд қандай оқлар она ҳаққини!?*

Агар хис-ҳаяжон жуда кучли бўлса учта ундов (!!!) белгиси кетма-кет қўйилади: *Душманга ўлим!!!*

106-машқ. Ўқинг. Гаплардаги тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтинг.

1. Хой, мард инсон, мард инсон,

Менга ҳам бер ҳаёт, жон! (З. Д.)

2. Дикқат! Дикқат! «Янги ҳаёт» мактаб радиоузелидан гапирамиз! 3. Жанг-гоҳда нималар бўлмайди! (Ҳ. Н.) 4. Олтинсой тонгги нақадар гўзал! (О.)

5. Нахотки, мактабни имтиёз билан тугатсанг!

6. Эй, менинг улуғ халқим,

Қутлуғ бўлсин янги йил! (С. Зуннунова)

107-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Ҳис-ҳаяжон ифодаланган гапларни топиб, уни изоҳланг.

Лолагул

Шаҳзоданинг уйига,

Шу туғилган кунига

Биз келтирдик «лолагул»

– Баландлиги уч метр!

– Эни мана бундай!

– Бўйи мана бундай!

- Лолагул, лолагул. – Гўзаллиги кундай!
 – Қани, ўйнанг-чи бунда – Гулни чаккангга кўй-е!
 – Ҳе, ўйна, ўйна ўйна-е

(Болалар фолькори)



108-машқ. Ҳис-ҳаяжонсиз гапларни ҳис-ҳаяжон гапларга айлантиринг.

Ҳис-ҳаяжонсиз гаплар	Ҳис-ҳаяжон гаплар
Баҳор келди.	
Сизга раҳмат, азизларим.	
Инсон деган номга доғ тушмасин.	
Сизни деб шу ишга розилик бердимку.	
Олтин бошингиз тинч бўлсин.	



109-машқ. Қатордаги сўзлардан ортикчасини аниқлаб, қолган сўзларни кўчириг. Ёзган сўзларингизни умумий ном билан нима деб аташ мумкин?

Нукта, чизикча, ундов белгиси, боғловчи, сўроқ, вергул.



110-машқ. Матнни ўқиб, унга сарлавҳа кўйинг. Қандай тиниш белгилари борлигини ва улар нима учун кўйилганлигини изоҳланг. Гапларни мақсадга кўра турларини тасниф қилиб, қиёсий жадвални тўлдириг.

Қишнинг биринчи кунларини қандай билиш мумкин? Буни билиш қийин эмас. Декабрь ойида ҳамма ёқни қор босади. Қор бўронлари ўзини уйнинг деразаларига уради, аччиқ совуқ юзни чимдиб-чимдиб олади. Ҳаво очиқ кунлари эрталабки куёшнинг нурлари қор устида жилваланади. Бундай пайтларда эрталаб одам роҳат қилади. Ажойиб қиш фасли ҳам нақадар гўзал!

Куйла, бўрон, куйла! Қор заррачалари, ўйнаб учингиз! Ерга момик гиламлар ёйингиз!

Ерга экилган уруғлар иссиқ қор пўстини остида зарарсиз туради, музламайди. Баҳорда қор сувлари ернинг ташналигини қондириб, ҳосилнинг мўл бўлишига ёрдам беради.

Қиш ойларида кунлар қисқа, тунлар эса узун бўлади. (Мирм.)

16-§. Гап бўлаклари

Топширик. Берилган сўроқлар ёрдамида тўртта гап тузинг. Ким?, қачон?, қаерда?, нима қилди?

Гап таркибида маълум сўроққа жавоб бўлувчи мустақил сўз ёки сўзлар бирикмаси гап бўлаги дейилади. Гап бўлаклари икки турли бўлади: бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар.

111-машқ. Нукталар ўрнига қуйида берилган сўзлардан мосини қўйиб кўчиринг.

1. Карима (қачон?)... (қаерга?)... борди. 2. Мен (нимани?)... ўқиб бўлдим. 3. Собир (қандай?)... сўзлади. 4. Ўқувчилар (нимага?) ... (қандай?) ... тайёрландилар. 5. (Қачон?)... ота-оналар мажлиси бўлади. 6. Биз (кимларга?)... ёрдам берамиз.

Қўйиш учун сўзлар: *кеча, музейга, яхши, китобни, пухта, имтиҳонга, пахтакорларга, эртага.*

112-машқ. Берилган сўроқларга жавоб бўладиган сўзларни топиб, гаплар тузинг.

1. Қандай?, нима?, қачон?, нима қилди?
2. Ким?, қаерда?, қандай?, нима қилди?
3. Нималар?, қандай?, нимада?, нима қилдилар?



113-машқ. Ўқинг.

1-топширик. Ҳикояни давом эттириб ёзинг.

2-топширик. Гапнинг бош бўлақларига савол беринг.

3-топширик. Ҳикояга сарлавҳа қўйинг.

Кузда кунлар қисқа, тунлар узун бўлади. Ариқларда сувлар тиниқ бўлиб оқа бошлайди. Дарахт япроқлари сарғайиб, ерга тўкилади. Полизлардаги ҳар хил сабзавотлар йиғиштирилади .

114-машқ. Ўқинг. Ҳар бир гапда нечта бўлак борлигини, қайсилар бош бўлак ва қайсилари иккинчи даражали бўлак эканлигини айтинг. Тўртта гапни кўчириб, бош бўлақларнинг тагига чизинг. *билан белгиланган гаплардаги тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

Куз келиб, шаҳарга кўчиб тушиш вақти етганда, шаҳар ҳовлининг ўзига яраша тайёргарлик ишлари бошланарди. Масалан: кўклам ёмғири билан тизза баравар ўсиб, ёзи билан қовжираб ётган том ўтларини, тўқай каби ҳовли

бетини босиб кетган бурганларни ўриш, тозалаш, том ва девор рехтларини тузатиш, суваш, оқлаш, ҳоказо.*

Шундай кезларда кўшнилариимизда яхши бир одат бўларди: то кўчиб тушиб жойлашиб олгунча, олдинроқ келган ёки шаҳарда қолган кўшнилари бир-бирларига меҳрибонлик қилиб, овқат пишириб чиқаришар эди.

Кўшнилари бирин-сирин даладан кўчиб тушадилар, ёзи билан мусичалари кукулашиб ётган ҳовлиларга файз киради, куз ҳавоси қишга алмашиб, ёмғир кетидан изғирин, изғирин сўнгидан қор дегандек шаҳар ҳаёти бошланади, дадам ниҳоят уй-рўзгор ишларидан хотиржам бўлиб, ижодхонага кирадилар, аста-секин ёзув-чизувга қарайдилар*...

Иқлимнинг ўзгаришиданми, ўша кезларда негачади қиш жуда қаттиқ келарди. Қор шу қадар кўп ёғардики, томдан кураб туширилган қорлар ҳовли ва тор кўчалариимизни тўлдириб юборарди, томни кураб, қор уюмлари устига бемалол сакраб тушаверарди*...

(Ҳ. Қодирий)

Топширик

1. Матн мазмунига мос сарлавҳа топинг.
2. Муаллиф ҳикоясидаги асосий фикрни аниқланг.
3. Муаллиф ҳикояси сизни қайси фаслга олиб кирганлигини ўйлаб кўринг.
4. Куз манзараси тасвирланган гапларни топинг.



115-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Гап бўлақларини топинг.

Ўйин бўлса

Ўйин бўлса ўйнаймиз,
Бўлмаса-чи, топамиз.
Тополмасак зир елиб,
Тўрт томонга чопамиз.

Йиқиламиз турамиз –
Шу ҳам ўйин аталар.
Биздай неча йиқилиб
Катта бўлган оталар.

(Толиб Йўлдош)

Бош бўлақлар

Топширик. Ўқинг. Матндаги гапларнинг бош бўлақларини аниқланг. Эга ва кесим қандай сўз туркумлари билан ифодаланганини айтинг.

Кийим

Қаҳратон қиш. Ҳамма ёқни оппоқ қор босган. Сиз енгилгина кийиниб, иссиққина уйда дарс тайёрлаб ўтирибсиз. Кўчадан болаларнинг қий-чуви эшитилади. Сизнинг ҳам уларга қўшилгингиз келади. Лекин... На чора?

Дарс қилиш керак. Мана, дарсни ҳам тайёрлаб бўлдингиз. Энди кўчага чиқиб чана учиниш мумкин. Сиз устингизга иссиқ пўстин, оёғингизга қишки ботинка, бошингизга қулоқчин кийиб олдингиз. Энди сизга ҳеч қандай совуқ писанд эмас.

(Болалар энц.)

ГАПНИНГ ГРАММАТИК АСОСИ. БОШ БЎЛАКЛАР

17-§. Кесим

Шахс-сон маъноларини аниқлаб, ҳукм билдирадиган ва гапнинг бошқа бўлақларини ўз атрофига бирлаштириб келадиган бўлак кесим дейилади ва нима қилди?, нима қилади?, нима қилар?, қандайдир? каби сўроқларга жавоб бўлади: *Ҳаёт оқар дарёга ўхшайди.*

Кесим гапнинг мазмуний марказини ташкил қилади. У бошқа бўлақларсиз ҳам гап ташкил қила олади: *Борамиз. Келяпти.*

Кесим феъл билан, от ва сифат билан ҳам ифодаланиши мумкин: *Карим беинчи синфда ўқийди. Лобар – аълочи ўқувчи. Шаҳар – гўзал.*

Таҳлилда кесим остига икки тўғри чизик чизилади: *Севара чиройли ёзади.*

116-машқ. Мақолларнинг грамматик асосини аниқланг. Уларни қандай тушунганлигингиз ҳақида изоҳ беринг.

1. Чин дўст бошга иш тушганда синалар.
2. Дўстинг билан сирдош бўл,
Қилган ишига қўлдош бўл.
3. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.
4. Ёмон бахил бўлади,
Яхши аҳил бўлади.
5. Қуш қаноти билан,
Одам дўсти билан.

117-машқ. Топишмоқларнинг жавобини топинг. Кесимини аниқлаб, тагига чизинг.

1. Оқ ер очдим,
Қора буғдой сочдим.
2. Пўлат қушим учди-кетди.
Бир зум ўтмай Ойга етди.

118-машқ. Нукталар ўрнига қуйидаги сўзларни қўйиб, кўчиринг.

1. Баҳор. Далалар кўм-кўк либос 2. Пўлатжон ялт этиб бобосига
(А. Қ.) 3. Хон қовоғини (Ҳ. О.) 4. Бизнинг юртимиз чаман, унда қувнаб
(Кўшиқдан) 5. Илк қор ўйнаб-ўйнаб (О.) 6. Биз тўкилган пахталарни
Қўйиш учун сўзлар: *тердик, яшаймиз, уйди, қаради, кийди, ёғарди.*

119-машқ. Гапларнинг схемасини кўринг. Эга ва кесим нима учун гапнинг асоси дейилишини тушунтиринг.

1. Мактабимиз боғида қизил атиргуллар очилди.
2. Кекса боғбонимиз атиргулларни тинмай парвариш қилади.
- | | | |
|------------|--------------|-------------------|
| атиргуллар | ----- | очилди. |
| қандай? | | қаерда? |
| қизил | | Мактабимиз боғида |
| боғбонимиз | ----- | парвариш қилади. |
| қандай? | нималарни? | қандай? |
| Кекса | атиргулларни | тинмай |



120-машқ. Матнни ўқинг.

Топширик

1. Унинг мазмунига мос сарлавҳа топинг.
2. Бош бўлақларни аниқланг.
3. Асосий фикр ҳақида дўстингиз билан суҳбатлашинг.
4. Матндаги 5-гапни кўчиринг, эга ва кесим остига чизинг.

Биз ҳар куни фойдаланадиган деярли ҳамма нарса инсон қўлининг маҳсули, унинг меҳнати натижасидир. Инсон ўз меҳнати билан ҳамда қўли, ақли ва куч-қуввати яратган нарсалар билан машҳур.

Меҳнат инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, энг аввало табиат предметларини ўзгартириб, эҳтиёжга мослаштиришни билдиради. Меҳнат кишилиқ жамияти ҳаётининг асосий шартини, чунки у туфайли инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади.

Меҳнатда инсоннинг қобилияти ва истеъдоди намоён бўлади, унинг билимлари кенгайиб боради. Меҳнатда инсон жисмонан тобланади, иродаси ва характери чиниқади. Ахир меҳнат бу тиришқоқлик ва сабр-қаноатлик, ғайрат ва саранжом-саришталик, ишчанлик, топширилган иш учун масъулият демакдир.

Ҳар ким куч ва қобилиятини ишга солиб, ўзини кўрсатиш имкониятига эга.
(«Ҳикматлар» дан)

18-§. Эга

1-топширик. Ўқинг. Грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. Бош келишиқда сўзи,
Гапда бош бўлак ўзи?
2. Бош бўлаклардан бири
Ҳар ишнинг ижрочиси.
Бош келишиқ сўроғи,
Айнан унинг сўроғи.
У қайси бўлак экан?
Мисол билан айт, Эсан.

2-топширик. Берилган гапларда ажратиб кўрсатилган бўлакларга савол беринг, уларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

Анвар мактабдан келаётган эди. **У** темир йўл устида кўйларнинг ўтлаб юрганини кўриб қолди. Узоқдан поезд кўринди. Анвар зудлик билан кўйларни темир йўлдан четга ҳайдаб чиқара бошлади. У эндигина кўйларни четга ҳайдаб бўлган ҳам эдики, поезд пишиллаб ўтиб кетди.

Анвар қилган ишидан жуда хурсанд бўлди. **Синфдошлари** ва **ўқитувчилар** унга миннатдорчилик изхор қилдилар. Хўжалик раҳбари **Қодир ака** уни қимматли совғалар билан мукофотлади.


Гапда кесим билан боғланиб, ким?, нима?, қаер? сўроқларига жавоб бўладиган бўлак эга дейилади: *Қишлоқ гузарига жуда кўп одам тўпланган эди. Иш йўқ. Атроф жим-жит.*

Эга бош келишиқдаги от, кишилиқ олмошлари, ҳаракат номи билан ифодаланади: *Шамол қаттиқ эсди. Улар эрталаб уйдан чиқиб кетишди. Ўқиш тугади.*

Тахлилда эгага бир тўғри (—) чизик чизилади: *Мастура мактабдан кейин уй ишларига қаралашади.*

121-машқ. Ўқинг. Эгани топиб, қандай сўроққа жавоб бўлишини айтиб беринг.

1. Биз бу қувончли кунларга осонлик билан етиб келмадик. 2. Қирғизистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, янги давр бошланди. 3. Ёқимли шамол гул ҳидларини турли томонларга тарқатди. 4. Асроркул узоқдаги кўм-кўк адирларга тикилди. (А. Қ.) 5. Хиёбонда чиройли гуллар кўп. 6. Дарёнинг чайқалиб турган суви куёш нури билан ўйнашади. 7. Эгри озади, тўғри ўзади. (М.)

 **122-машқ.** 1. Матнни ўқинг. Ундан 5 та гап кўчириб ёзинг ва эга, кесими-ни топинг, тагига чизинг. 2. Матн охиридаги саволларга оғзаки жавоб беринг.

Овда

Амаким эртага овга боришимизни айтди. Овга ҳозирлик кўрдик. Эрта-сига тўрт киши овга чиқдик. Узоқдан бир гала қушлар кўринди. Тоғам билан амаким милтиқ билан яшириниб улар томон яқинлашдилар. Биз эса кўприк устида кузатиб ўтирар эдик. Сабримиз чидамасди. Амаким қушларни мўлжалга олди. Тепкисини босди. Бироқ чакмоғи чақилмади. Қушлар гув этиб учдилар. Уларнинг кутилиб қолганидан севиниб кетдим. Қушлар бирпасдан сўнг яна ўша жойга қўндилар. Энди буни кўрган ўртоғим хафа бўлди. Амаким яна ҳозирланди. Қушларга секин-секин яқинлашиб ўқ узди. Қушлар яна кўтарилди. Бир вақт қарасам, бир каптар ер тишлаб ётибди. Тоғам югуриб борди ва бечора каптарнинг калласини олди. Ўртоғим билан иккаламиз ўша томонга қараб чопдик. Каптарни кўриб, ачиниб кетдим. Ўртоғим бўлса севинди. Ўртоғим каптарни кўтариб олди. Яна йўлга тушдик. Амаким қуш билан ўзи турган масофани 300 қадам чамалади. «300 қадамдан отдим!» – деб мақтанди амаким.

(X. T.)

Топширик

1. Ҳикоя қилувчи қаҳрамоннинг кайфияти қандай?
2. Нима учун сиз шундай деб ўйлайсиз?
3. Матндаги қандай воқеалар сизга ёқди ёки ёқмади, нима учун?
4. Матнда хафа бўлди феълнинг қандай антоними қўлланилган?
5. Матн сизда қандай ҳис-туйғулар уйғотди?



123-машқ. Ҳикматларни кўчиринг. Грамматик асосни аниқланг.

1. Нодондин нолийди ҳатто тоғу тош,
Нодонга ҳеч шукуҳ бўлмайди йўлдош.
2. Жаҳолат аҳли бирла қурма суҳбат,
Етар ҳар дам бу ишдан жонга заҳмат.

(Носир Ҳусрав)



124-машқ. Ўқинг.

Топширик

1. Матнда ифодаланган фикрни аниқланг. 2. Матн мазмунини уйингиздагиларга айтиб беринг ва уларнинг Арслонбоб ёнғоғи ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашинг. 3. Кесимларни аниқланг. Қандай саволга жавоб бўлаётганлигини айтинг. 4. Матнни дарсда қайта ҳикоялаш учун тайёрланг.

Арслонбоб ёнғоғи

Арслонбоблик бир бобо,
Сўзлаган бу ривоят
Тинчлик бермай доимо,
Дилдан тошди ниҳоят.

Қўшин тортиб Искандар
Арслонбобга келган чоғ,
Қаландар каби боқса,
Ҳаммаёқ айлана боғ.

Шоҳнинг бедор кўзлари
Шу жойларга боғланди.
Ҳеч бўлмаса бир куни
Тунамоққа чоғланди.

Бу қандай жой?– деб ногоҳ,
Таъқиб этса шоҳона,
Арслонбоб бу, – деб огоҳ
Этишдилар фаҳрона.

Шоҳ мафтундир, узмас кўз,
Атроф, қорли тоғлардан.
Шоҳдан олдин кепти куз
Кўркам, олтин боғларга.

Шаршара шовқинидан
Элтган сизди ўзини.
Сир тутолмай завқини,
Тушиб ювди юзини.

Элни камраб зўр ғайрат,
Хизматга бел боғлашди.
Сарф этишиб қунт, ғайрат,
Шоҳ кўнглини чоғлашди.

(Ж. Қурашев)

19-§. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари

1-топширик. Қуйидаги гапларни қиёсланг:

Ўқувчи уйғонди.

Ўқувчи барвақт уйғонди.

Ўқувчи эрталаб хушчақчақ уйғонди.

Ўқувчи дўсти билан мактабга бориш учун барвақт уйғонди.

2-топширик. Қиёсланган гаплардан сўз бирикмаларини ажратинг.

3-топширик. Ҳар бир сўзга савол беринг.

4-топширик. Гапларни кўчириб, чизмасини намунадагидай чизинг.

Намуна: Ўқувчи уйғонди.

Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол гапнинг иккинчи даражали бўлақларидир.

Иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақларни, баъзан бошқа иккинчи даражали бўлақларни изоҳлайди.

125-машқ. Гапларни ўқинг. Бош бўлақларни аниқланг. Иккинчи даражали бўлақларга изоҳ беринг.

1. Қуёш кўтарилиб, янги жўшқин кун бошланди. 2. Отанг борида йўлингни тани. (М.) 3. Қишлоққа кираверишда ариқча бор эди. (А. Қод.) 4. Менга бошқалардан кўра ўша бола маъқул бўлди. Чунки аслида у ёмон бола бўлмаса ҳам, камтарин эди. (А. А.) 5. У кумуш халқа қадалган ҳассани дарров келтириб, бобосига берди. (Х. Т.)

126-машқ. Матнни ўқинг. Бош ва иккинчи даражали бўлақларни чизма асосида таҳлил қилинг.

Намуна: Йирик-йирик томчилар туша бошлади.

_____]
гапнинг асоси

Йирик-йирик томчилар туша бошлади. Улар кўпайиб, ер бетидаги барча нарсани савалай кетди. Йирик-йирик муздек ёмғир томчилари ҳислар жўшиб турган қайноқ танларга роҳат бағишлайди. Ҳаво турли-туман гиёҳларнинг исларига тўлди. Барча исларнинг онаси бўлган қудратли тупроқ иси ҳаммасини босиб кетди.

127-машқ. Гапларни ўқиб, қуйидаги жадвалга намунадагидай ёзинг.

Эга	Ким?	<u>Биз</u>
Кесим	Нима қиламиз?	<u>севамиз</u>

1. Биз кўшиқни севамир.

Кўшиқ бизнинг жонимиз. (*Толиб Йўлдош*)

2. Кунлар шамолдай ўтмоқда. 3. Шаҳримиз жамоли кундан-кунга гўзаллашмоқда. 4. Мактаб биноси олдига ўқувчилар тўпландилар.

20-§. Тўлдирувчи

1-топшириқ. Берилган гапларни ўқинг. Ҳар бир сўзга савол беринг.

1. Мен устозимни кўрдим. 2. Музаффар шеърни ўқиди. 3. Ўқитувчи Баходирдан сўради. 4. Биз ишимиздан қаноатландик.

2-топшириқ. Кимни?, нимани?, кимдан?, нимадан? каби сўроқларга жавоб бўлган сўзларни ёзинг.

3-топшириқ. Ёзган сўзларингиз гаптаги қайси сўзга боғланганини аниқланг.


4-топшириқ. Мустақил равишда тўлдирувчили сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

Феълга боғланиб, кимни?, нимани?, кимга?, нимага?, кимда?, нимада?, кимдан?, нимадан?, ким билан?, нима билан?, ким ҳақида?, нима ҳақида? каби сўроқларга жавоб бўлган иккинчи даражали бўлак тўлдирувчи дейилади: *Китоб жавонидан китоб ва журналларни олдим.*

Тўлдирувчи от ва олмош билан ифодаланади. Таҳлилда тўлдирувчи остига узук (- - -) чизилган чизилади: *Чевар қўйлақни тикди.*

128-машқ. Мақолларни ўқинг. Тўлдирувчиларни топиб, унга савол беринг.


1. Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма. 2. Олдин ўзинга боқ, сўнгра ноғора қоқ. 3. Ориқ отга қамчи оғир, йиртиқ уйга томчи оғир. 4. Созли тордан нозли садо чиқади. 5. Ургандан туртган ёмон. 6. Ватанни севмоқ иймондандир. 7. Тилингни ботир қилма, ўзингни ботир қил.

 **129-машқ.** Ҳадислар ва мақолларни ўқинг. Ўртоғингиз билан улардаги асосий фикрни аниқланг. Тўлдирувчиларни топинг, қайси сўз туркуми билан боғланганини айтинг.

1. Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил. 2. Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқликдир. 3. Ҳунарни ҳунарлидан ўрган, билимни билимдондан. 4. Ер қуёш билан, инсон илм билан чароғон. 5. Тилдан қоқилгандан кўра, оёқдан йиқилган афзал. 6. Олтин ердан, билим китобдан олинади.


Топширик. Сирли катаклар! Бўш катакларни унлилар билан тўлдирсангиз тўлдирувчилар иштирок этган мақолни топасиз.

Д	с	т	д	с	т	н		
к	л	ф	т	д		с	н	р

 **130-машқ.** Нуқталар ўрнига гапларнинг мазмунига мос тўлдирувчиларни қўйиб кўчиринг.

1. ... китобдан ўрганеди. 2. Билим ... тўймайди одам, камаймас ... қанча берса ҳам. 3. ... билиш, ... билиш. 4. Китоб-кўзгу... оламни кўрасан. 5. Кўчада йўлинг билиб юр, ... англаб юр. 6. ... меҳнат енголмас.

Қўйиш учун сўзлар: *билимни, бойлигига, ўзгага, тилни, дилни, унда, ўзлигингни, мардни.*

 **131-машқ.** Ҳикматларни ўқинг. Нима учун бундай гапларни ҳикматлар деб айтаемиз? Нуқталар ўрнига зарур қўшимчаларни қўйиб, тўлдирувчи ҳосил қилинг.

1. Рост гап... айтган енгилмас. 2. Рост сўзлаган етар ният..., ёлғон айтган қолар уят... 3. Ёлғончини сўзи... эмас, кўзи... бил. 4. Вақт... тўсадиган куч йўқ. 5. Яхши фарзанд оила... обод қилади, ёмони барбод қилади.

21-§. Аниқловчи

1-топширик. Қуйида берилган сўзларга савол беринг.

Ширин ва ёқимли.

Улкан ва чиройли.

Совуқ ва намли.

Уйқучи ва ялқов.

2-топширик. Юқоридаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

3-топширик. Қайси сўзларга боғланиб келганлигини аниқланг.

4-топширик. Мустақил равишда аниқловчили сўз бирикмаларини ҳосил қилинг.

Предметнинг белгисини ёки бошқа предметга қарашли эканлигини билдириб, қандай?, қанақа?, қанча?, нечанчи?, кимнинг?, ниманинг? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлган иккинчи даражали бўлак аниқловчи дейилади: *Узоқдан мевазор боғлар кўринди.*

Аниқловчи сифат, сон, от ва олмош билан ифодаланади. Таҳлилда аниқловчининг остига тўлқинли чизиқ (~~~~) чизилади: *Камтар ва олижаноб Алишер Навоий бобомиз туркий тилимиз асосчисидир.*

132-машқ. Матнни кўчиринг, ундаги аниқловчиларни топиб, тагига чизинг.

Отахон композиторни эслаб...

Радио орқали Успенский ҳақида очеркимни беришлари керак эди. Бундан унинг мутлақо хабари йўқ эди. Радиони қўйишга қўйдиму, аммо ўзимни бир оз ноқулай ҳис қила бошладим. Чунки Виктор Александрович бундай нарсаларни унча хуш кўрмасди...

Радиода берилётган эшиттириш тугади. Виктор Александровичнинг кўзларида ёш пайдо бўла бошлади. У тириклигидаёқ ўзига ўзбек халқ мусиқаси сарчашмаларидан ҳайкал қўя олганини хаёлига ҳам келтирмасди. Чунки «Шашмақом» ни нотага кўчираркан ёки «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасини соф миллий мусиқа заминада яратаркан, ҳеч қачон мукофот, шон-шуҳрат ҳақида ўйламаган эди.


Бир ўйлаб кўринг-а, унинг мусиқали драмаси 3000 тактдан иборат бўлса, 1000 тактидан кўпи мақомлар асосида ёзилгандир. Агар биз уни биргина «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасидаги Ширин ариясини миллий руҳда ёзиш учун унинг 24 вариантини яратганлигини кўз олдимизга келтирсак, бу алломанинг миллий мусиқали драма ёзишда қандай машаққатли, айна вақтда шарафли ишларни амалга оширганлигининг гувоҳи бўламыз.

(Ян Пеккер)

133-машқ. Гапда аниқловчи вазифасида келадиган сифатларнинг маъносига қарама-қарши маъноли сўзларни топиб кўчиринг.


Ювош- ... , мулойим- ... , секин- ... , ёш- ... , кенг- ... , чиройли- ... , оқ- ... , ёмон- ... , билимли-

Қўйиш учун сўзлар: *шўх, қўпол, тез, қари, тор, хунук, қора, яхши, билимсиз.*

 **134-машқ.** Матнни ўқинг. Матннинг қайси турига киришини айтинг. Аниқловчиларни топиб, ўзи билан боғланган сўзларни айтинг.

...Ҳовли этагидаги пастак эшик ғийқиллади. Шоикром кафти билан кўзини чирокдан пана қилиб қаради-ю, шу томонга келаётган онасини кўрди. У уйлангандан кейин отадан қолган ҳовлини ўртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чеккаси Хадичанинг инжиқлиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил икир-чикир гаплар чиқаверганидан кейин Умри хола рўзғоринг бошқа бўлса ўзингга қайишасан, деб уларнинг қозонини бошқа қилиб берди. Ўзи кичик ўғли Шонемат билан нариги ҳовлида қолди.

Ранги уникқан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола шарпадай унсиз кириб келди-да, япалоқ «мусулмон» ғиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилди... (Ў. Ҳ.)


 **135-машқ.** Дўстингиз ҳақида 4-5 гапдан иборат матн тузинг. Аниқловчилардан унумли фойдаланинг.

Аниқловчилар маъносига кўра икки хил бўлади:

1. Сифатловчи аниқловчи.
2. Қаратқичли аниқловчи.

1. Сифатловчи аниқловчи ҳоким бўлақдан англашилган нарсанинг белгисини билдириб, *қандай?, қанақа?, қайси?, қанча?* сўроқларига жавоб бўлади: *Тиниқ ва мусаффо осмон.*

2. Қаратқичли аниқловчи ҳоким бўлақдан англашилган нарсанинг уч шахсдан бирига қарашли эканлигини билдириб, *кимнинг?, ниманинг? қаернинг?* саволларига жавоб бўлади: *Укамнинг китобини олдим.*

 **136-машқ.** Аниқловчи иштирок этмаган гапни аниқловчили гапга айлантиринг.

1. Радиодан ... куй эшитилмоқда. 2. ... хабар ҳаммага тарқалди. 3. Кушларнинг ... овози кишига завқ бағишлайди. 4. ... бола ота-онанинг умрини узайтиради. 5. ... шабада эсиб турибди.


137-машқ. Гапларни ўқинг. Сифатловчи аниқловчиларни топиб, тагига чизинг.

1. Гўзал дostonлар, энг яхши кўшиқлар ана шу улуғ зотларга бағишлангани бежиз эмас (*М. М.*). 2. Субутсиз киши эл назаридан қолади. (*М.*) 3. Энди чанокча бахтиёр эди. У бепоён пахтазорни, ширин нури билан эркалаётган куюшни кўриб борарди.

4. Хой, хой чумчуқ – жажжи куш,
Шохда турма, пастга туш. (*Қ. М.*)

138-машқ. Қатордаги сўзларни куйидаги гуруҳларга тасниф қилинг ва уларни намунадагидек қилиб устун шаклида ёзинг.

Намуна:



- 1) улкан
- 2) ёқимли
- 3) қизил


Минора, қон, сўз, лола, қалам, тоғ, шабада, бино, кўйлак, куй, қалб, дарё, кўшиқ, товуш.

139-машқ. Расмни диққат билан кўздан кечиринг. Қандай фасл тасвирланганлигини айтинг. 5та гапдан иборат тасвирий матн тузинг. Сифатловчи аниқловчилардан унумли фойдаланинг.



140-машқ. Кўчиринг. Аниқловчиларни топиб, устига сўроғини ёзинг.

1. Дунёда чумолидек меҳнаткаш жонзот йўқдир. (Т. А.) 2. Кўм-кўк ғўзалар гули кўсакка айланмоқда. (Р. Ф.) 3. Бизнинг эркин ва қувноқ ҳаётимизга ҳеч ким ҳалал бермасин. (Б. Керб.) 4. Катта-кичик йўлларнинг ҳаммаси кум билан қопланган эди. (Ш. Р.) 5. Далада кузги буғдой ўсиб чиққан пайт эди. (Ш. Р.) 6. Тоғнинг ҳавоси – шифобахш. (П. Қ.)

 **141-машқ.** Мақолларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни қайси сўз билан боғланганини айтинг.

1. Яхши сўз болдан ширин. 2. Бахилнинг боғи кўкармас. 3. Ёмон одам тўймас, ёмонликни қўймас. 4. Қамтарнинг кўнгли – тоғ, бахилнинг кўнгли – доғ. 5. Айтмас ерда оғзингни тий, меҳмонга борсанг – нафсингни. 6. Саҳий киши худонинг севиқли бандасидир.

142-машқ. Кўчиринг. Эга, кесим ва аниқловчиларнинг тагига чизинг.

Маслаҳатли тўй тарқамас. (М.) 2. Мовий осмонда кулранг булутлар сайр қилишмоқда. (Ш. Р.) 3. Тансиқ қорамтир юзли, тўлагина, лўппигина қиз эди. (О.) 4. Жисмоний тарбия инсонни соғлом, эпчил, бақувват қилади. 5. Иссиқ шамол ўрнини муздек тоғ ҳавоси эгаллади. (Ў. У.) 6. Яхши турмуш яхши меҳнат натижасида келиб чиқади. (М.)



143-машқ. Таркибида аниқловчи бўлган 6 та гап ёзинг. Остига чизинг.

Намуна: Поёнсиз далалар оқ либос кийди.

144-машқ. Гапларни кўчиринг. Қаратқичли аниқловчиларни топиб, уларга савол беринг.

1. Ота-онанинг дуоси ўтга, сувга ботирмас. 2. Дала йўлининг икки томонидаги боғлар туташ гуллар билан қопланган. (О.) 3. Ўннинг ярми – беш. 4. Бойнинг ичкари-ташқари данғиллама иморатларини кўрсангизлар, шоҳларнинг кошонаси дейсизлар.(О.) 5. Қоронғи дала жимжит. Фақат ҳашаротларнинг чирллаши, сувнинг шилдир-шилдир оқиши эшитилади. (С. Аҳм.) 6. Заводнинг машина бўлимадан гурс-гурс зарб узлуксиз эшитилиб туради. (О.)

145-машқ. Топишмоқнинг жавобини топинг. Қаратқичли аниқловчиларнинг тагига чизинг.

Ўра,
Ўранинг юқорироғи шўра,
Шўранинг юқорироғи булоқ,
Булоқнинг юқорироғи чироқ,
Чироқнинг юқорироғи қалам,
Қаламнинг юқорироғи чангал. (огиз, бурун, сўзлар, қош, соч)



146-машқ. Матнни ўқинг. Сарлавҳа топинг. Аниқловчиларга изоҳ беринг.

Мақтабимиз ёнида катта ва чиройли боғ бор. Бу – мактаб боғи. Боғнинг бир томони – мевазор. Мевазорда ширин, нордон, қизил ва оқ олмалар, серсув, ширин ноклар, сариқ ва қора олхўрилар, луччак шафтолилар кўп. Бир томони – узумзор. Ишқомда ширали узумлар товланиб турибди. Буларнинг ҳаммасини ўқувчилар парвариш қилганлар.




147-машқ. «Менинг оилам» мавзусида кичик эссе ёзинг. Қаратқичли аниқловчилардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг.

22-§. Изоҳловчи

Изоҳловчи аниқловчининг бир кўриниши бўлиб, изоҳловчи от бошқа бир отни изоҳлайди. Изоҳловчи изоҳланмиш билан қатор келиб, унинг унвонини, машғулот-касбини, жинсини, қариндош-уруғчилик муносабатини, ҳурмат қилиш, лақаб, таҳаллусини ифодалаш учун хизмат қилади. Изоҳловчи изоҳлаган от изоҳланмиш бўлади: *Бинокор Рустам юмушга эрта боради.* Бу гаптаги *бинокор* оти изоҳловчи, *Рустам* оти эса изоҳланмишдир.

148-машқ. Гапларни таҳлил қилинг. Изоҳловчиларни аниқланг. Маъноларини тушунтиринг.

1. Булар орасида Уста Баҳром, Сулаймон ака, Зулфиқор ота, Маҳсим ака, ҳатто Ҳамидхоннинг номигача бор эди. (М. Исм.) 2. Олимбек додхоҳнинг саволи жавобсиз қолиши мумкин эмас эди. (А. Қ.) 3. Бозордан дадам билан Али лайлак битта чўлоқ эшакни сотиб олишди. (А. Қ.) 4. Мастура хола ош дамлади. 5. Соли совуқ мингбошининг ўнг қўли бўлса, Жуман писмиқ Соли совуқнинг ўғли эди. (М. Исм.)

 **149-машқ.** Қуйидаги сўзларга мос сўзлар танлаб, уларни изоҳловчи сифатида қўлланг.

Намуна: ака – Олим ака.

Ака, рассом, заргар, олим, қоровул, дастурчи (программист), устоз.

23-§. Ҳол

1-топшириқ. Қуйидаги сўзларни ўқиб, уларга савол беринг.

Мактабда, кўчадан, кеча, юролмаслиги сабабли, ҳовлига.


2-топшириқ. Шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

3-топшириқ. Сўзлар гап ичида қайси сўзга боғланиб келганлигини тушунтиринг.

4-топшириқ. Нима мақсадда?, қачон?, нега? саволларини қандай маънодаги сўзларга берамиз?

Феълга боғланиб, қачон?, қаерга?, қаерда?, қаердан?, қандай? сўроқларидан бирига жавоб бўлиб, ҳаракатнинг қандай бажарилишини, бажарилиш ўрнини, вақтини, пайтини, мақсадини билдирган иккинчи даражали бўлак ҳол дейилади: *Ботиржон Бишқеқдан қуни кеча келди.*

Таҳлилда ҳолнинг остига нуқталардан иборат чизик (.....) чизилади: *Ди-лафруз мақтабда ўқийди.*

 **150-машқ.** Қуйида берилган матнни ўқинг.

1. Қаерга?, қаерда?, қаердан?, қачон? каби саволларга жавоб берган гап бўлақларини аниқланг.

2. Қирғизистондаги кўллар ҳақида нима биласиз? мавзусида шеригингиз билан диалог тузинг.

Ер юзида жуда кўп дарё ва жилғалар оқади, ер қаъридан эса булоқ ва чашмалар отилиб чиқади. Уларнинг суви бирор чўкмада тўпланиб, кўл ҳосил

қилади. Чўл ва қурук даштларда кўплаб берк кўллар мавжуд. Ер остида ҳам кўллар бўлади. Ер ости дарёси ғорларда тўпланиб кўл ҳосил қилади.

Сокин ва қуёшли кунларда 30 метрли сув қатлами узра кўл туби кўриниб туради. Кўлларга келиб куйиладиган барча сувлар бора-бора буғланади, сувнинг тузи эса кўлда тўпланаверади. *(Болалар энци.)*

 **151-машқ.** Кўчиринг, ҳолларни топиб тагига чизинг, сўроқларини ёзинг.


1. Ойим бизларга ҳеч қаттиқ гапирмас, мабодо хафа қилиб қўйса, бирпасдан кейин ўзлари ялинар эдилар. 2. Бодом тагида ўтириб, варрак яшашга тушдим. 3. Айнаи ёз чилласида аммам яна келди. *(Ў. Ҳ.)* 4. Ёшликда ўрганган ҳунар, ўзингга ўлжага қолар. 5. Ерга тушган гул бўлар, ўтга тушган кул бўлар. 6. Кўчада юрсанг, хушёр юр, одобингни сақлаб юр. 7. Мард энгилса, майдонда қолар. *(Ҳикматлар)*

152-машқ. Ҳол қатнашмаган гаплардаги сўроқлар ўрнига мос ҳол қўйиб кўчиринг.

1. (Қаердан?) чўпоннинг қурей-қурей деган овози эшитилди. 2. Мактабимиз байроғи (қаердан?) кўриниб турибди. 3. (Қачон?) ҳаво салқин эди. 4. (Қачон?) кун исиб кетди. 5. Раъно (нима сабабдан?) мактабга келолмади. 6. Азизбек ҳар куни эрталаб (қаерга?) боради.


153-машқ. Кўчиринг. Ҳолларни аниқланг, остига чизинг.

1. Оз гапириб, кўп тинглаган ютади. *(М.)* 2. Бугун бошқачадир шиша ранг сувлар. *(У.)* 3. Жангчилар тетик ва бардам борар эдилар. *(О.)* 4. Одоб ёшларни кўзга улуғ кўрсатади. *(Н.)* 5. Хонадонга меҳмон келганда, бутун оила аъзолари иссиқ кутиб олишлари лозим. *(Меҳмоннома)* 6. Кўп ўйла, оз сўзла. *(М.)*

 **154-машқ.** Кўчиринг. Ҳолларни топиб, остига чизинг, қайси сўзга боғланганини айтинг.

1. Болалар ёзда оромгоҳда дам оладилар. 2. Раъно тез ва равон ўқийди. 3. Саёҳатчилар тоғнинг баланд чўққисига чиқдилар. 4. Ёзда йиғсанг, қишда ейсан. *(М.)* 5. Бизнинг мардлар кўкда парвоз қилмоқда. *(Кўшиқдан)* 6. Кўкимтир қора осмонда беҳисоб юлдузлар чакнар эди. *(А. Қ.)* 7. Қушлар шохдан-шоҳга сакрашиб, қувноқ сайрашмоқда. *(Ҳ. Н.)*

155-машқ. Ҳол иштирок этган 6 та гап тузинг. Сўроғини аниқлаб, остига чизинг.

 **156-машқ.** «Саёҳатда» мавзусида кичик ҳикоя тузинг. Ҳикоянгизда ҳоллардан ўринли фойдаланинг.

24-§. Содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплар

1-топшириқ

Ўнг томондаги гаплар билан чап томондаги гапларни қиёсланг.

Қиш келди.

Қаҳратон қиш келди.

Сувлар музлади.

Ариқларда, челақларда сувлар музлади.

Болалар учдилар.

Болалар шодликдан қувнаб чанғи учдилар.

2-топшириқ

Биринчи устундаги гаплар иккинчисидан нимаси билан фарқ қилмоқда?

Содда гаплар иккинчи даражали бўлақларнинг иштирок этгани ёки этмаганига кўра содда йиғиқ гаплар ва содда ёйиқ гапларга бўлинади.

Содда йиғиқ гаплар фақат бош бўлақлардан ташкил топади: *Ботир келди*. Таркибида бош бўлақлардан ташқари иккинчи даражали бўлақлар иштирок этса содда ёйиқ гаплар ҳисобланади: *Ботир мактабдан кечроқ келди*.




157-машқ. Берилган содда йиғиқ гапларни ёйиқ содда гапларга айлантириб ёзинг.


Ёмғир ёғди. Кеч кирди. Карвон тўхтади. Тонг отди. Ҳамма қўзғалди. Болалар ўйнадилар.

158-машқ. Сўзларни ўқинг. Берилган сўзларни қўшимчалар ёрдамида бир-бирига боғлаб, гап тузиб ёзинг.

1. Биз, дунё, тинчлик, бўлиши, истамоқ. 2. Билим, манбаи, бўлган, китоб, севмоқ. 3. У, Чингиз Айтматов, қиссалар, севмоқ, ўқимоқ. 4. Баҳор, кел, дала-лар, иш, бошламоқ. 5. Кутубхона, мен, дўстлар, кирмоқ, билан.


159-машқ. Нутқда гап деганда нималарни тушунасиз? Ғояларингизни кластер шаклида ёзинг.




 **160-машқ.** Ёйиқ гапларни йиғиқ гапларга айлантириб ёзинг.

1. Эртақлар – яхшиликка етаклар. 2. Чуқур ариқдан тойимни суғориб чиқаётганимда бир тўда улоқчи – чавандозлар учраб колдилар. 3. Яхши бола ном келтиради, ёмон бола ғам келтиради. 4. Болалар шодликдан кувнаб чанғи учдилар.

5. Билмаганин сўраб ўрганган – олим,
Орланиб сўрамаган – ўзига золим.

 **161-машқ.** Шеригингиз билан йиғиқ ва ёйиқ гаплар ҳақида суҳбатлашинг. Фикрларингизни Венн диаграммасига жойлаштиринг.



 **162-машқ.** Йиғиқ гапни ёйиқ гапга айлантиринг.

1. Булбул сайрамоқда. 2. Саёҳатчилар келишди. 3. Мажлис ўтказилди.
4. Сув оқмоқда.

25-§. Уюшиқ бўлакли гаплар

1-топширик. Қуйида берилган гаплардан бир хил саволга жавоб бўлган сўзларни топинг.


1. Ўтлоқ оқ, сарик, қизил гулларга бой эди. (*Х. Н*) 2. Осмонда, дарахтларда, бўғотларда чумчуқлар чирқиллашади. (*М. И.*)
3. Келажакни севганлар менга
Севгисини, меҳрини берсин! (*У.*)
4. Бу дарахтларни Ҳиндистондан, Афғонистондан яна аллақаерлардан олиб келди. (*М. И.*) 5. У содда, уятчан, камтарин йигит эди. (*О.*)

2-топширик. Жадвалдаги сўзларни диққат билан ўқинг. Қайси сўзлар бир хил сўроққа жавоб бўляпти? Схемани давом эттиринг.

1. Навоий китобни, гулни, рангни жуда севар эди. (*О.*)



2. Гижжак, танбур, чанг, уд, най овози янгради. (О.)



3. Чаман-чаман боғлардан, адирлардан, тоғлардан,

Гул келтирдим уйинга. (З. Д.)

4. Она сахар пайтигача ўтириб чикди, толикди. (М. Г.)

Гапнинг уюшиқ бўлаклари бир хил сўроққа жавоб бўлади, гапда бир хил вазифани бажаради. Гапнинг бош бўлаклари ҳамда иккинчи даражали бўлаклари ҳам уюшиб келиши мумкин: *Лайлак, загча бир оёқда туриб ухлайди.* (З. Д.) *Дадам дўкондан ручка, дафтар, қалам ва сиёҳдон сотиб олиб берди. Биз ҳалол, виждонли, ростгўй бўлишимиз керак.*

Уюшиқ бўлақлар санаш оҳанги билан айтилади.

163-машқ. Ўқинг ва гапнинг қайси бўлаклари уюшиб келганини аниқланг.

Аввал эгаси уюшган, кейин кесими уюшган, сўнгра иккинчи даражали бўлаги уюшган гапларни кўчиринг.

1. Токчаларда қизил, кўк, сариқ муковали китоблар тизилган. (Ҳ. Ғ.)


2. Бир хил сўроқли сўзлар,

Қандай бўлақлар улар?

Карим, Салим, Башар

«Алифбе» ни ўқишар. (Топишмоқ)

3. Ўтлоқ оқ, сариқ, қизил гулларга бой эди. (Ҳ. Н.) 4. Улар дарё бўйидаги тошлардан, гиёҳлардан намуналар олишди. (Ҳ. Н.) 5. Шерали кўрқмас, камтар, камгап, қайсар бир бола эди. (Ё. Ш.) 6. Катта кўчага тош ётқизилди, текисланди.

 **164-машқ.** Ўқинг. Сўроқларга уюшиқ бўлақлар билан жавоб бериб, гапларни кенгайтириб ёзинг. Қандай бўлақлар уюшиб келганлигини аниқланг.

1. Қирғизистонда (кимлар?) яшайди. 2. Улар (қандай?) яшайдилар. 3. Қирғизистон аҳолисини (кимлар?) ташкил этади. 4. Деҳқонлари (нима?) экишади. 5. Ишчилари (нима?) ишлаб чиқаради. 6. Саноат маҳсулотлари Қирғизистонга (қаерлардан?) келтирилади. 7. (Қаер?) ҳаммамиз учун улуғ, азиз, мўътабардир.

26-§. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

1-топширик. Ўқинг. Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини кўйиб чиқинг.

1. Чаман-чаман боғлардан адирлардан тоғлардан
Гул келтирдим уйингга. (З. Д.)
2. Халқнинг хотираси мустаҳкам ва олижанобдир. (О.)
3. Мурувватли адолатли кишини эл доим севади. (Л. Б.)
4. Қўлсиз оёқсиз эшик очар. (Топишмоқ)

2-топширик. Уйингизда қандай гуллар бор, сананг.


Гапнинг уюшиқ бўлақлари боғловчиларсиз боғланса, улар орасига вергул кўйилади. Аммо, лекин, бироқ боғловчилари билан боғланса, шу боғловчилардан олдин вергул кўйилади: *Қиз бирдан секинлади, лекин тўхтамади. (О.) Бобо ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо инграб ётиб қолди. (Л. Б.) Замиранинг баланд, бироқ майин овози бор.*

Агар ва боғловчиси билан боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул кўйилмайди: *Богдан узум, анжир, олма ва нок тердик.*

165-машқ. Кўчиринг. Уюшиқ бўлақлар ўзаро нима воситасида боғланганини тушунтиринг, вергулнинг кўйилиш ёки кўйилмаслик сабабларини айтиб беринг.

1. Қишлоқлар ясанди ва обод бўлди.
2. Унутиб бўлурми, халкидай лобар

Камтару заҳматкаш Йўлдош отани. (Ғ. Ғ.) 3 Бургут, лочинлар илонга ўч бўлишади. (Х. Н.) 4. Қишлоқдаги ҳамма соғлом йигитлар урушга кетган, меҳнатнинг охири хотин-халажга, чолларга, мактаб болаларига қолган эди. (О. Ё.) 5. Меҳмонларга ҳар нав ширинликлар: писта-бодом, қуруқ мевалар жуда мўл-кўл тортилди. (О.)

 **166-машқ.** Матнни ўқинг, гапларда бир хил саволларга жавоб берадиган сўзларнинг айтилиш оҳангига эътибор беринг, гапдаги вазифасини аниқлашга ҳаракат қилинг. *билан белгиланган гаплардаги тиниш белгиларининг кўйилиш сабабини тушунтиринг. Ўртоғингиз билан диалог тузинг.

Маккажўхори

Маккажўхори Ўрта Осиё республикаларида, Украина, Молдавия, Грузия, Шимолий Кавказда экилади.* Ҳозир инсоният ихтиёрида учта асосий боқувчи ўсимлик: буғдой, шоли ва маккажўхори мавжуд. Маккажўхоридан

ун, ёғ, ёрма, конфетлар, вискоза, киноплёнкалар тайёрланади.* Маккажўхори дони, пояси ва сўтасидан тайёрланган силос чорва моллари учун тўйимли озукадир.

167-машқ. Кўчиринг. Берилган гаплардаги уюшиқ бўлақларининг тагига чизинг, қандай сўроққа жавоб беришини ёзинг.

1. Қиз бола уйнинг гули: супуради, сидиради, ҳамма ёкни саранжому саришта қилади. (*М. И.*) 2. Ватан она каби яккадир, ягонадир, азиздир ва мукаррамдир. 3. Шанбаликда ҳамма: ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла аъзолари қатнашдилар. 4. Неча юз йиллар хат ташувчи гўштдор, серсавлат каптарлар одамларга хизмат қилган. 5. Ҳозирда радио ва телеграф, поезд ва самолётлар ҳар қандай манзилга хабар етказа оладиган бизнинг замонда хат ташувчи каптарлар хизматига ҳожат қолмади. (*Болалар энци.*) 6. Денгиз тўлқинлари юз йиллар мобайнида соҳилларни юваверади ва ундан бир бўлакни аста-секин ажратаверади, натижада ороллар ҳосил бўлаверади.


7. Севаман панжаранг чўян гулларин,
Севаман шуъладор оқшомларинг ҳам,
Ойсиз чарақлаган ўйчан тунларинг,
Ўқийман, ёзаман уйда ёқмай шам.


(*А. С. Пушкин*)

168-машқ. Грамматик топишмоқнинг жавобини топинг.

Инок, аҳил, уюшқоқ.
Барчасига бир сўроқ.
Орасида вергул бор
Улар не экан, ўртоқ?

(*Р. Сирожиддинов*)

 **169-машқ.** Жуфтликда шеригингиз билан «Ўзбек тили дарсида» мавзусида гапнинг уюшиқ бўлақларидан ўринли фойдаланиб, 5–6 гапдан иборат бўлган кичик ҳикоя тузинг.

 **170-машқ.** Қавс олдида сўз, қавс ичида 5та сўз. Қавс олдидаги сўзга жуда яқин бўлган 2та сўзни қавс ичидан топинг.

1. Гап (сўз, китоб, расм, фикр, нуқта)
2. Феъл (баланд, келди, тез, ёзмокчи, улар)

171-машқ. Матн асосида режа тузинг ва шахсини ўзгартириб баён ёзинг.

Чуғурчук

Олдиндан айтиб кўяй, мен бошқа қушлар сингари фойдалиман. Кўпчилик мени зарарқунанда деб ҳисоблайди. Тўғриси, гилосу олма, узумни кўрсам ўзимни тўхтатолмайман. Лекин кўпроқ ҳашарот ва қурт-қумурсқалар билан қорнимни тўйғазаман. Ғарбий Европада, Шимолий Америкада, Жанубий – Ғарбий Америкада қишлайман. Ўрта Осиёга февраль ойининг охирларида учиб келаман. Апрель-май ойларида тўрттадан олтигагача тухум кўяман. Полапонларим 14-15 кунда тухумдан чиқишади. Уларни икки ҳафта тинимсиз турли ҳашаротлар билан боқаман. Сентябрь, октябрь ойларида яна қишлаш учун ўзга юртларга учиб кетаман.

Хурматли ёш дўстим! Биз, чуғурчуқлар, ин топишга қийланамиз, бизга тезроқ инлар яса! Ҳозир айна пайти. Биз сиз – ёш табиатсеварлар ясаган инларни жуда яхши кўрамиз.


(«Гулхан» ж.)

27-§. Ундалма ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Нутқида гап бўлаклари билан грамматик боғланмайдиган сўзлар катнашган гаплар ҳам қўлланади. Булар ундалма, кириш сўз, кириш бирикма ва кириш гаплардир.

1-топширик. Топишмоқларнинг жавобларини топинг.

1. Гап боши, ўртаси, охирида келар,
Тингловчи диққатин ўзига тортар.
Йиғиқ, ёйиқ тарзда нутқда қўлланар,
Гапда оҳанг, вергул билан ажралар?
2. Гап бошида келганда,
Ундан кейин қўлланар.
Гап ўртасида келса,
Икки ёндан қўйилар.
Гап охирида келса,
Ундан олдин қўйилар?
(Р. Сирожиддинов)

 **2-топширик.** «Тингловчи диққатин ўзига тортар» гапи нима ҳақида бўлиши мумкинлигини дўстингиз билан муҳокама қилинг.

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни ёки предметни билдирган сўз ундалма дейилади. Ундалма одатда иккинчи шахсга қаратилган бўлади.

Ундалма гапнинг бошида, ичида ва охирида келиши мумкин. Ундалмалар гапнинг қаерида келишидан қатъий назар бошқа гап бўлақларидан вергул билан ажратилади: *Қизим, сен ҳам ўсарсан, улғаярсан эл бўлиб. (З. Д.) Амин бўл, қизалоқ, унутмаймиз сени ҳеч. З. Сен жуда ҳаддингдан ошиб кетаяпсан, жигарим.*


Ундалма кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилса улардан сўнг ундов белгиси қўйилади: *Ер! Қандай бойсан, саҳийсан, гўзалсан! (К. Я.)*

172-машқ. Ўқинг. Гап таркибида келган ундалмаларни топинг. Сўзловчининг нутқини ким ёки нимага қаратилганини айтинг.

1. Эй фарзанд, сен тўғри сўзла, рост сўз билан машхур бўл. *(Донолар бисотидан)* 2. Сўзла, кўзгужон, ҳақиқатни эт баён. *(П.)* 3. Кўзичок, мен сени ейман. *(Эрт.)* 4. Отахонларим, ҳозир сиз унинг кўнглига чироқ ёқдингиз. *(К. Я.)* 5. Томоша қил, Зарафшон, сенга минглаб қаҳрамон келди. *(А. П.)* 6. Асар ёзма ўзингга, халқ учун ёз, Собир Абдулла. 7. Болаларим, зафарингиз муборак бўлсин! *(К. Я.)*

173-машқ. Кўчиринг. Ундалмаларни топиб, тагига чизинг, тиниш белгиларининг қўйилишига эътибор қилинг.

1. Эсинг ўзингдами, бола? 2. Менда ихтиёр йўқ, ойижон! – деди Кумуш. *(А.Қ.)* 3. Кейин айтаман, Саидахон... Ахир айб бўлади, болам. *(А. Қ.)* 4. Болалар, йўл ҳаракати коидаларига риоя қилингиз! 5. Мен сенга айтай, Зайнаб, – деди Ўзбек ойим ва энди қудасининг гапига қулоқ солмай қўйди, – опок ойингнинг ҳамма мулоҳазаси сенданга ўхшайди. *(А. Қ.)* 6. Ўқувчилар, табиат бойликларини асраб-авайланг.

 **174-машқ.** Гапларни ўқинг. Ундалмаларнинг ўрнини алмаштириб гапларни кўчиринг.

I

Сендан улкан дарё йўқдир, Энасой,
Сендан азиз тупроқ йўқдир, Энасой.
Сендан чуқур дард ҳам йўқдир, Энасой,
Сендан озод кучоқ йўқдир, Энасой. *(Ч. А)*

II

Оға, соғ борсангиз, аввал
Дадамларга салом айтинг.
Югуриб чиққан у мушфиқ
Онамларга салом айтинг. *(Х. Ҳ.)*

III

Мухайё, Сурайё, Раъно, Муқаддас,
Кўзимни яшнатиб кийибсиз атлас. (Т. Т.)

175-машқ. Кўчиринг. Гаплардан уюшиб келган ундалмаларни топиб, тиниш белгиларини қўйинг.

1. Соҳиб Ақром Стёпа шошманг танкларни ёндирунг. (К. Я.) 2. Қизгинам дунёда ўз юртингда яшашдан ҳам яхши нарса борми? 3. Володя Костя Козим гранаталарни олиб чап биқинга ўт. (К.Я.) 4. Ялписига салом бердик чевар қизлар севар қизлар. (У.) 5. Оға аямга хат ёзмабсиз-ку? (К. Я.)

176-машқ. Матнни ўқинг.

Ҳиммат

Ҳиммат сўзининг маъноси ниҳоятда кенг бўлиб, у мурувватлилик, олижаноблик, мардлик, тантилик, сахийлик, қўлиочиклик, улуғворлик, бағрикенглик, буюклик, айникса, хотамтойлик каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

Демак, ҳимматли бола «Бу меники», «Бу сеники», қабилида иш тутмайди, нимаики нарсаси бор, дўстлари билан баҳам кўради. Янги китоб сотиб олди-ми, ўқиб бўлгач, уни жавонига териб қўймай, ўртоғига ҳам ўқишни тавсия қилади.


Ҳимматли кишилар айни чоқда олижаноб, саҳоватли, хотамтой саналганлар. Уларнинг маслаҳати, йўл-йўриғи ҳамма учун маъқул ва манзур бўлган.


Ҳимматли кишиларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш, уларнинг панду насиҳатига амал қилиш одат ҳисобланган.

Ҳимматсизлик одобсизлик, ҳатто пасткашлик саналган. (Болалар энци.)

Топширик

1. Уюшиқ бўлақларни топинг.
2. Ҳиммат ҳақида кичик эссе ёзинг. Эссени синф деворига илиб, тақдиротга тайёрланинг.

 **177-машқ.** «Кўча ҳаракати қоидаларини биласизми?» мавзусида шерингиз билан диалог тузинг, унда ундалмалардан унумли фойдаланинг.

 **178-машқ.** Бадий асардан ундалмалар турли ўринларда келган гаплардан 5 та ёзинг ва тиниш белгиларнинг ишлатилишини тушунтиринг.

28-§. Кириш сўзлар ва уларда тиниш белгилар

1-топширик. Гапларни ўқинг. Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга бўлган турли хил муносабатларини билдирган сўзларни аниқланг.

1. Олимларнинг фикрича, сабзавотлардан дастлаб қарам маълум бўлган.
2. Шундай қилиб, кўргазма экспонатлари бўйлаб саёҳатимиз бошланди.
3. Шубҳасиз, топшириқ ўз вақтида бажарилади. 4. Олимларнинг ҳисоблашича, сайёрамиздаги барча ўсимликлардан йилига 100 миллиард тонна кислород ажралиб чиқади. 5. Билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим. 6. Осмоннинг бир бурчагида, дарҳақиқат, оқ булут парчаси турар, кўрган киши уни йироқдан кир деб гумон қилар эди. (О.)

2-топширик. Бу сўзлар қандай маъноларни англатаётганлигини изоҳланг.

Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига ишонч, тасдиқ, гумон, шодлик ёки ачиниш каби маъноларни қўшадиган сўзларга кириш сўзлар дейилади: *Шубҳасиз, мактаб шу ерга яқин жойда.* (О.)

Эслатма. Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига муносабати кириш бирикма билан ҳам ифодаланиши мумкин: *Ўқитувчимизнинг айтишича, эртага 5-синфлар билан мусобақа ўтказилади.* Бу гапда «Ўқитувчимизнинг айтишича» бирикмаси кириш бирикмадир.

179-машқ. Кўчиринг. Гаплардаги кириш сўзларни аниқланг, уларнинг айтилиш оҳангига эътибор қилинг. Тиниш белгиларининг қўйилишига диққат қилинг.

Эртасига эрталаб турсам, ойим яна бодом тагини синчиклаб кўздан кечиряпти. Кечаси билан ухламаган шекилли, кўзлари қовжираган... Эҳтимол, Сепкилли хола тилла тиш қўйдирмаганида, бунинг устига худди ўша куни аммам тагин келиб қолмаганида, зирак ҳам, бу гаплар унутилиб кетган бўларди... Хайрият, келин саломга кеч қолмабман. (Ў. Ҳ.)

180-машқ. Ўқинг. Кириш сўзларнинг гапдаги маъноларини изоҳланг.

1. Бахтга қарши, Саида унинг хоҳишини пайқамади. (А. Қ.) 2. Назаримда, саволларингизнинг барчасига жавоб бердим. 3. Бизнинг фикримизча, ўйлаган режаларимизнинг ҳаммаси кўнгилдагидек бажарилади. 4. Демак, қўлингизда далилларингиз йўқ. (С. Аҳм.) 5. Менимча, дардни яширмақчисиз-ку, иситмаси ошкор қилибдур... Шундай қилиб, мушоира этарди давом... (М. Қориев)

Кириш сўз ва кириш бирикма гапнинг бошида, ичида ёки охирида келиши мумкин. Кириш сўз ва кириш бирикмалар ёзувда доимо гапнинг бошқа бўлакларидан вергул билан ажратилади: *Ниҳоят, узоқдан отличнинг қораси кўринди. (М. Исм.) Ўқшини шундай давом эттирсанг, шубҳасиз, олтин медаль оласан! (О.) Билим олсанг, яхши ўқисанг, муродинга етурсан, албатта. (Қ. М.)*



181-машқ. Менимча, назаримда, ўйлашимча, хулосам каби кириш сўз ва бирикмаларини қатнаштириб кичик матн тузинг.



182-машқ. Бадиий асардан кириш сўз ва кириш бирикма қатнашган 4-5 та гап ёзинг.

29-§. Гапнинг тузилиш жиҳатдан турлари. Содда ва қўшма гаплар

1-топширик. Икки устундаги гапларни диққат билан ўқинг.

Тонг отди. Хўрозлар қичқира бошлади, оппоқ тонг отди.

Ҳаво айниди. Осмонни булут қоплади ва ҳаво айниди.

Мир Алишер мактабга кетди. Мир Алишер иссиқ кийинди ва мактабга кетди.

Дарс бошланди. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди.

Мир Алишер беш олди. Мир Алишер дарсда яхши жавоб берди ва беш олди.

2-топширик. Қайси устундаги гаплар содда гап, қайсилари қўшма гап?

Содда гапларда битта эга ва кесим муносабати мавжуд бўлади: *Ёмғир ёгмади. Дарс эрта бошланди.* Қўшма гапларда икки ва ундан ортиқ эга ва кесим муносабати мавжуд бўлади: *Ҳаво очилиб кетди ва ёмғир ёгмади. Қўнғироқ чалинди ва дарс эрта бошланди.*

Қўшма гаплар икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва оҳанг жиҳатидан боғланишида ҳосил бўлади.

Қўшма гапни ташкил қилган содда гаплар умумий бир маънони ифода-лаш учун хизмат қилади.



183-машқ. Берилган содда гаплардан қўшма гаплар тузинг.

1. Осмонда юлдузлар чарақлар эди. Ой кўринмасди. 2. Бу йил ҳосил мўл бўлди. Ерга кўп куч сарф қилдик. 3. Пушкин қувноқ, зийрак ва қобилиятли бола эди. Лицей ўқувчилари уни кўпроқ севар эдилар. 4. Ёмғир тинди. Осмон

ёришиб кетди. Тоғ оркасидан офтоб шуъласи кўринди. 5. Умрзоқ ота Кўктоғ томонга қаради. Ойқиз келадиган ёлғиз оёқ йўлда ҳеч ким кўринмасди. (Ш. Р.)
6. Уфқ лоларанг бўлди. Қоронғи тушмаган эди. (С. Аҳм.)



184-машқ. Берилган қўшма гапларни содда гапларга айлантириб ёзинг.

Намуна: Қушлар одамларни яхши кўради, бироқ одамлар уларни кўрқитишади.

Қушлар одамларни яхши кўради. Одамлар уларни кўрқитишади.

1. Куёш оғиб кетди, лекин суҳбат давом этарди. 2. Ишда судралиш осон, аммо эл-юрт олдида жавоб бериш қийин. 3. Алишер Астрабодга жўнаб кетди, лекин халқ уни ҳеч қачон унутмайди. (О.) 4. Юзимиз ёруғ бўлди, чунки халқ олдидаги бурчимизни бажардик. 5. Мен эрта турдим ва нонушта қилдим. 6. Ўтирганларнинг кўзи раисни кидирар, бироқ у кўринмасди. (А. Қ.) 7. Қирғоқдан дарё бўйлаб йўл кетган ва у дарё билан бирга қоя бурилишида кўздан ғойиб бўлади.

30-§. Қўшма гапда тиниш белгилар


1-топширик. Диккат билан ўқинг

1. Эшик ғарч этиб очилди ва рухсат сўраб Дарвешали кирди. (О.) 2. Вужудимиз ерниқидир, лекин шарафли ишларимиз – элники. (Саъдий). 3. Дўст орттириш ҳар ёшда зарур, аммо ёшлиқда бошланган дўстликнинг илдизи жуда чуқур ва мустаҳкам бўлади. (Саъдий). 4. Азонга бориб бўрон шиддатидан тушди, бироқ енгил шамол ҳавода қум зарраларини учириб юрибди. (Ҳ. Н.) 5. Қиш кечалари узун, шунинг учун чойхоналар обод. (А. Қ.) 6. Юрагингни кўз қорачиғидай сақла, чунки у ҳаёт манбаидир.


2-топширик. Ажратилган сўзлар қандай вазифа бажаряпти?

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро боғловчиларсиз оҳанг ёрдамида боғланса, улар орасига вергул қўйилади. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ва боғловчиси ёрдамида боғланса, улар орасида вергул ишлатилмайди: *Тонг отди ва атроф ёришиди.*

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро аммо, лекин, бироқ, шунинг учун, чунки боғловчилари ёрдамида боғланса, улардан олдин вергул қўйилади: *Нутқингиз сўзга бой бўлсин, лекин ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатинг. Карим ростгўй бола, шунинг учун уни дўстлари ҳурмат қиладилар. Раҳима китоб ўқиди, аммо ҳеч нарса ёзмади. Шавкат соғлом ўсди, бироқ унинг тили жуда кеч чиқди. Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир. (Низомий)*

 **185-машқ.** Берилган содда гаплардан қўшма гаплар ҳосил қилинг. Бириктирувчи воситалардан фойдаланинг.

1. Юлдузлар сўнди. Тонг отди. 2. Қўнғирок чалинди. Дарс бошланди. 3. Куз келди. Мевалар ғарқ пишди. 4. Осмонни қора булут қоплади. Ёмғир ёға бошлади. 5. Дарс тамом бўлди. Ўқувчилар бирин-кетин тарқала бошладилар.

 **186-машқ.** Гапларни ўқинг. Қўшма гап таркибидаги содда гапларни бириктирувчи воситалар рўйхатини тузинг.

1. Тўзон кўтарилди ва одамлар бир-бирини кўришмай қолишди. (С. Аҳм.)
2. Биринчи қор ёғди, болалар завқ-шавқ билан бир-бирини табриклашди.
3. Билимни тинмай ўрганиш одамийлик сари элтувчи муқаррар йўлдир, чунки одамийликкина инсонни улуғлайди. 4. Сув табиатнинг бебаҳо эҳсонидир, шунинг учун биз уни асраб-авайлашимиз зарур. 4. Баҳор келди, лекин ҳаво ҳали ҳам салқин. 5. Танқид еган одам хурсанд бўлиши керак, чунки мевали дарахтга тош отилади. (А. Қ.) 6. Бирдан илиқ шамол эсди ва булутлар тарқала бошлади.

187-машқ. Берилган содда гап жуфтларини турли воситалар ёрдамида бириктиринг.

Намуна: Қор ёққан, шунинг учун ҳаво совуқ.

1. Қор ёққан. Ҳаво совуқ. 2. Одобли бола мактабда ҳам ўз иши билан машғул бўлади. Бирор вақт умрини бекор ўтказмайди. 3. Наргиза дарсларини пухта тайёрлайди. У аъло баҳоларга ўқийди. 4. Боғнинг эшиги очиқ. Уйнинг эшиклари беркитилган. (Л. Б.) 5. Ҳамма келиб кетди. Норқўзидан ҳамон дарак йўқ. (С. Аҳм.)


 **188-машқ.** Жуфтликда ишланг. Содда ва қўшма гапларнинг грамматик белгилари асосида шеригингиз билан Венн диаграммаси тузинг.




189-машқ. Берилган матндан фақат қўшма гапларни ажратиб ёзинг.

Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп, катта қозонда ош ичардик...

– Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ўтиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто, бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат қилайлик. Хайр энди, буви, мен кетаман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди...(F. F)

 **190-машқ.** Ўқинг. Қўшма гап таркибидаги содда гап орасига тиниш белгиларини кўйиб, кўчиринг.* билан белгиланган гапларга кўйган тиниш белгиларингизни ҳимоя қилинг. Ҳар бир гапнинг эга ва кесимини топинг, остига чизинг.

1. Ақлинг борида бирор нарсани ўрганиб ол чунки илм кишининг йўлини ёритувчи куёшдир.* 2. Қишлоқда боғлар кўп шунинг учун боғбонларимиз юзлаб тонна мевалар етказиб беради. 3. Мен бугун ҳам она тилидан «5» баҳо олдим ўқитувчимиз хурсанд бўлиб елкамга қоқиб кўйдилар.* 4. Шу чоқ кўнғироқ чалинди ва болалар синфларига киришди. (II. Т.) 5. Ёшлиқдан меҳнатга ўрганиш лозим чунки меҳнат кишига бахт келтиради.* 6. Кун анча исиб қолди аммо соя жойлардаги қор ҳали эригани йўқ.

 **191-машқ.** Матнни ўқинг. Матнга таяниб «Куз кунларининг бирида» мавзусида иншо ёзинг.

Ёз кунларининг бирида

Ёз кунларининг бири эди. Беш ўртоқ кечки пайт сой бўйига бориб, ўйнаб келмоқчи бўлди. Сойда сув лим-лим эди. Сув тиниқлигидан унинг тагидаги тошлар ярқираб кўринарди. Соининг шовуллаши ва куёш нурида жимирлаши болаларни мафтун этди. Сой шундай чиройли эдики, кўрган кишининг кўзи қамашар эди. Соининг нариги томонида тоғлар чўзилиб кетган. Тоғлар устидаги қорлар куёш нурида ҳар хил кўринар эди.

Болалар сой бўйига келиб, дам олишди ва ҳар хил ишлар билан машғул бўлишди. Сой бўйида турли ўтлар ўсган, гуллар очилган эди. Лобар ўтириб гул терарди. У чит кўйлак кийган, сочини битта қилиб ўриб олган эди. Жамшид қайиқда ўтириб балиқ овларди. У оқ кўйлак ва қора шим кийган. Фурқат сойга тикилганича хаёл суриб турарди. Мастура гулли кўйлак кийган. Сочини иккита қилиб ўриб олган. Акаси Рашид оқ кўйлак кийган. Рашид укасига тоғлар ҳақида гапириб берди. Укаси унинг ҳикоясини завқ билан тинглади.

Болалар ёз кунларининг бирини ана шундай кўнгилли ўтказдилар. (О.)

31-§. Кўчирма гап


Топширик

Ўқинг. Тиниш белгиларига аҳамият қилинг.

1. «Тонг борлиқнинг кўзи ҳисобланади», – деди Йўлдош бобо.
2. Мазлума опа деди: «Манманлик, қизғанчиқлик, ёлғончилик, кўрслик қилсанг, сени ҳеч ким ёқтирмайди».
3. Назаров отадан сўради: «Раҳим ота, “Фарҳод” га сизни ким юборган?»

Муаллиф баъзан ўз нуткида ўзгаларнинг гапини кўшиб ишлатади. Ўзгаларнинг гапи эса кўчирма гап ёки ўзлаштирма гап орқали берилади. Ҳеч ўзгаришсиз, айнан берилган ўзгаларнинг гапи кўчирма гап дейилади: «Ўз оғзаки ижод намуналарингизни тўплангиз ва уни ўргангиз», – деган эди М. Горький. Бу мисолда икки хил гап бор: кўчирма гап (Ўз оғзаки ижод намуналарингизни тўплангиз ва уни ўргангиз). Муаллиф гапи (деган эди М. Горький).

Кўчирма гап кўштирноқ ичига олинади ва бош ҳарф билан ёзилади. «Ҳамма меҳнат ҳам иштаҳа очади», – деди Саида. (А. Қ.) Лола деди: «Ўқитувчи сизни чақиряпти».

 **192-машқ.** Берилган гаплардан муаллиф гапини топинг. Остига тўғри чизиқ чизинг, кўчирма гапнинг ўрнига эътибор беринг.

1. Гаврош ундан сўради: «Қаёққа борамиз?» 2. «Юравер биз билан», – деди Гаврош. 3. Ўқитувчимиз Рустамдан сўради: «Сен қандай китобларни ўқишни севасан?» 4. «Ўқиш керак, тинмай ўрганиш керак», – деди Муаззам опа қизига. (Р. Ф.) 5. «Яна нима гап?» – деди Ўрмонжон (А. Қ.) 6. «Журжон подшоси бўламан», – деди йигит. (Эрт.)

193-машқ. Кўчиринг. Кўчирма гап тагига тўлқинли чизиқ чизинг. Кўчирма гап билан муаллиф гапларининг ўрнига диққат қилинг.

1. «Ўсиб келаётган авлодга китоб худди нон каби керак», – деди ўқитувчимиз. 2. Арслон подшо буюрди: «Чақимчини тутиб ўлдинг!» (Эрт.) 3. Йўлчи тишини ғичирлатиб деди: «Тўпнинг оғзига қўйиб отиб юборинглар мени, конхўрлар!» (О.) 4. Роҳила синфдошларидан сўради: «Сизлар ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Онаизор» ҳикоясини ўқиганмисиз?» 5. «Подшоҳим, энди бизга рухсат берсангиз, ўз юртимизга қайтсак», – деди Кенжа ботир. (Эрт.)

194-машқ. Кўчиринг. Муаллиф гапидан кейин келган кўчирма гапларни муаллиф гапидан олдин келган кўчирма гапларга айлантириб ёзинг.

Намуна: Қўй боқиб юрган чўпондан сўради: «Бу қўйлар кимнинг қўйи?» (Эрт.) «Бу қўйлар кимнинг қўйи?» – деб сўради қўй боқиб юрган чўпондан.

1. Халқимиз дейди: «Ер – хазина, сув – гавҳар». 2. Аҳмад деди: «Бизнинг қишлоғимизда киши зерикмайди». 3. Аваз ўғлига деди: «Ғиротни мин, отингни қўй!» (Достондан) 4. Болалар ўқитувчидан сўрайди: «Мурод Каримович, эртага саёҳатга борамизми?» 5. Эрта билан кампир қизга дебди: «Нарсаларингни йиғиштир, қизим!» (Эрт.) 6. Тошбақа боқиб деди: «Эй ошна, нега кўринди юзингда жафо?» (Ҳ. Ҳ.)



195-машқ. Кўчиринг. Муаллиф гапидан олдин келган кўчирма гапни муаллиф гапидан кейин келган кўчирма гапга айлантириб ёзинг.

Намуна: «Қалай, пахтамик яхшимми?» – сўради Анорхон.

Анорхон сўради: «Қалай, пахтамик яхшимми?»

1. «Остона хатлаб кўчага чикдингми, ортга қайтишнинг ҳожати йўқ», – дейди халқимиз. (*Шукрулло*). 2. «Шеърнинг онаси тил», – дейди Биноий. 3. «Сизга нима бўлди?» деди Ўктам. (*О.*) 4. «Булоқнинг кўзи топилдими?» яна шивирлаб сўради Бекбўта. (*Ш. Р.*)

196-машқ. Кўчирма гапларни ёзинг, тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор қилинг.

1. «Бир сиқим она ер тупроғи бир ҳовуч олтиндан қиммат», – деб бежиз айтилмаган.

2. Халқимиз: «Дўстлик – бу муқаддас туйғу, мўъжизалар қалити, омад, бахт-саодат омили», – дейди. 3. Максим Горький: «Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман», – деб айтган. 4. Буюк Алишер Навоий бобомиз:

«Одам борки, одамларнинг нақшидир,

Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир», – деб ёзади.

5. Юсуф Хос Ҳожиб: «Билиб сўзласа, сўз донолик эрур,

Билимсиз сўзи ўз бошини еюр .

Олар яхши номин кўр – эзгу киши,

Ёмонлар насиби – одам қарғиши», – деб ёзган «Қутадғу билиг» асарида.



197-машқ. Кўштирноқлар ичига кўчирма гаплар қўйиб кўчиринг.

Намуна: *Ўқитувчимиз деди:* «_____»

Ўқитувчимиз деди: «Ким ҳалол ишласа, обрў топади».

1. Собир Нафисадан сўради: «_____?»

2. Нафиса жавоб берди: «_____».

3. Собиржон илтимос қилди: «_____».

4. Подшо фармон берди: «_____!»

5. Онаси деди: «_____».

6. Укаси опасига ялинади: «_____!»

198-машқ. 1-топширик. Матнни ўқинг. Матндаги кўчирма гапларни топиб, дафтарингизга ёзинг.

Дўстлик ҳақида мунозаралар

1-ўқувчи:

«Дўстсиз бошим – тузсиз ошим», – деган мақол менга жуда ёқади. Шу мақолга амал қилишга, дўстларим билан аҳил бўлишга ҳаракат қиляпман.

2-ўқувчи:

Бир куни дўстим Эркин билан чўмилгани борган эдик. Бирдан у чўка бошлади. Мен ўзимни ташлаб, уни қутқардим. Ёрдамга келган катта кишилардан бири деди: «Куч бирликда ва дўстликда!»

3-ўқувчи:

Зумрад менинг энг яқин дўстим. У билан бирга дарс тайёрлаймиз. Бир-биримизни ҳурмат қиламиз. А.С. Макаренко шундай деган эди: «Ўзаро ҳурмат бўлмай туриб, ҳеч қандай дўстлик бўлиши мумкин эмас». (*«Гулхан» дан*)

2-топширик. Матн мазмунига ўз муносабатингизни билдириг.

3-топширик. Дўстингиз (дугонангиз) ҳақида сўзлаб беринг. Дўстингизнинг (дугонангизнинг) қайси ҳислатлари сизга ёқади? Нима учун?

4-топширик. «Менинг дўстим» (дугонам) мавзуида эссе ёзинг.

32-§. Диалог ва унда тиниш белгиларининг қўлланилиши

1-топширик

Масални ўқинг, унда нечта қаҳрамоннинг суҳбати баён этилганини аниқланг. Ёзувда ифодаланишига эътибор қилинг. Масалда ифода этилган асосий фикрни аниқланг.

Бўрон, Жала, Қуёш, Дарё Одамзоднинг олдига боришибди.

– Эй, одамзод, сен бизга бир муаммони ҳал қилиб бермасанг, оқибати ёмон бўладиганга ўхшайди, – дебди Қуёш табассум билан.

– Бажонидил, – жавоб қилибди Одам.

– Дунёда энг зўр ким? – Менми, ё бошқами? – сўрабди биринчи бўлиб Бўрон.

– Йўқ, сен эмассан. Сени жиловлаб қўювчи куч-қудрат бор! – жавоб берибди Одам.

– Бўлмаса, менми? – орага тушибди Жала.

– Сен ҳам эмассан. Сенинг йўлингни тўса оладиган бор!

– Бўрон. Жала бўлмаса мен зўр эканман-да! – дебди Дарё.

– Дунёда шундай бир куч борки, у сени жиловлаб олиб, истаган кўйга сола олади.

Одамнинг бу сўзларини эшитган Қуёш:

– Мен энг зўрман, деб айтмабмидим, – дея мағрурланибди. Қаҳримга олам, ер юзини буткул жизғанақ қила оламан.

– Эй, Қуёш, кўп катта кетма, у сени ҳам измига сола олади.

– Ҳой, Одамзод қани очик айт, бизлардан ҳам зўр ким ўзи? – сўрашибди Куёш, Бўрон, Жала, Дарё.

– Аҳиллик, Дўстлик! – дебди Одам. – Аҳиллик, Дўстлик бор жойда сенлар ҳеч нарса эмассанлар, Дарёдан зўр, Жаладан кучли, Бўрондан қудратли, Куёшдан ҳароратли бу – Аҳиллик, Дўстлик, Биродарликдир!

2-топширик. Ҳар бир қахрамоннинг гапи ёзувда қандай берилганини айтинг.

Икки ёки ундан ортиқ кишининг суҳбати диалог дейилади.

Диалогда ҳар бир шахснинг гапи хат бошидан тире қўйиб ёзилади. Агар диалогда муаллиф гапи иштирок этса, кўчирма гапда ишлатиладиган тиниш белгилар қўйилади, аммо кўштирноқ ишлатилмайди:


– *Турғунбой, нима гап?*

– *Идорада сизни ўринбосар чақиряпти. Яна бир чўпон ҳам кутяпти.*

Кел дастурхонга.

– *Раҳмат.*

– *Кел, овқатлан. (О.)*

 **199-машқ.** Берилган диалогни ўқинг. Диалогда неча киши иштирок этганини аниқланг. Тиниш белгиларининг ишлатилишига диққат қилинг.

Аҳмад: – Рустам, тузалиб қолдингми?

Рустам: – Ҳа, анча тузукман.

Аҳмад: – Докторга кўриндингми? Нима деди?

Рустам: – Кўриндим. Шамоллаган эканман. Дори ичаяпман. Тезда тузаламан.

Ғайрат: – Бизнинг ёрдамимиз керакми? Нима билан ёрдам берайлик?

Рустам: – Раҳмат. Дарсларда нималар ўтилганини билмоқчиман. Бугун она тилидан нима ўргандингиз?


Ғайрат: – Диалогда ишлатиладиган тиниш белгиларини билиб олдик.

Рустам: – Уларнинг кўчирма гаптаги тиниш белгиларидан фарқи борми?

Ғайрат: – Ҳа. Ҳар бир шахснинг гапи хат бошидан тире қўйиш билан ёзилар экан. Кўштирноқ эса қўйилмас экан.

Аҳмад: – Диалог ҳам кўчирма гапнинг бир тури. Бунда икки ва ундан ортиқ шахснинг суҳбати берилади.

Ғайрат: – Диалогларда кўпинча муаллиф гапи қўлланмас экан.

 **200-машқ.** Юқоридаги диалогдан фойдаланиб, ўз ўртоғингиз билан бирор мавзуда суҳбатлашиб, диалог тузинг, тиниш белгиларини қўйинг.



201-машқ. Қуйидаги диалогли матнни ўқинг. Тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

Жаҳон рекорди

Орифжон спортга қизиқар ва рекорд қўйишни хоҳлар эди. Тўсатдан касал бўлиб қолди ва уни кўрган шифокор:

Сен икки кун ётишинг керак. Иссиғинг ўттиз етти-ю беш.

Доктор опа, деди тўсатдан Орифжон.

Иссиқлик бўйича жаҳон рекорди қанча?

Ҳозиржавоблик

Қани айтчи, тепада нимани кўриб турибсан?

Зангори осмонни.

Ёмғир ёққанда-чи?

Зонтикни. (*"Гулхан"дан*)

202-машқ. Берилган диалогни ўқинг, унда ишлатилган тиниш белгиларининг қўлланиш сабабларини тушунтиринг ва кўчиринг.

Тўлқин яшиқларни очиб, приёмникни батареялари билан чиқариб қўйган эди.

– Ҳаммаси жойидами? – деди Собиржон.

Антенна билан ерга уланадиган симлар борми? Изоляторчи?

– Борга ўхшайди. Мана кўр!

– Жуда соз, – деди Собиржон. Кейин Жалилга буюрди.

– Иккита узунроқ ёғоч керак . . . Борми? . . . Йўқ бўлса, нима қилиб ўтирибсан? Бор, топиб кел. Тезроқ. (*О. Ё.*)



203-машқ. Ўқинг. Тиниш белгиларининг ишлатиш ўринларига аҳамият беринг.

I

– Ғалаба ГЭС қурилиши ҳам фронт-да.

– Қачон жўнайсизлар?

– Биз солдатлармиз. Команда кутаяпмиз.

– Биздан кимлар боришини билмайсанми?

– Бахмалданми? Аниқ билмайман. Бироқ элликка яқин киши бориши керак. Сен рўйхатда йўқсан. (*Ш. Р.*)

II

...Камолов ётиш учун кўзгалди. Раҳима опа дастурхонни йиғиштирар экан, сўради:


– Китобларни кутубхонага топширайми?

- Қайси китобларни?
- Мичуринга оид.
- Йўқ, улар билан чуқурроқ танишмоқчиман.
- Бўлмаса, Мичурин асарларини ёздирайлик.

(С. Назар)

204-машқ. Топишмоқларни ва уларнинг жавобларини билиб олиб, бошқа синфда ўқийдиган ўртоқларингиздан сўраб кўринг.

1. Йигирма саккиз; йигирма тўққиз бўлади, ўттиз бўлолмайди, ўттиз бирга етолмайди. 2. Икки ошиқ киндиги бир, орасига тушсанг топасан касир. 3. Деворда бор сўзанам, унда яшар кенг олам. 4. Оламда-ю одамда битта, одоблида иккита. 5. Катта денгиз, ўртасида ўт ёнар.

 **205-машқ.** Берилган ибратли ҳикматларни ўқинг. Матндаги диалогларни белгиланг. Тиниш белгиларига диққат қилинг. Ҳикматларга ўз муносабатингизни билдириг.

Бир куни Ануширвон ўзи танҳо ўтирган эди. Кўп ўтмай унинг олдига Юнон, Мубад, Фаррухзод ва бошқалар кириб келишди. Ануширвон уларга қараб деди: Бу катта анжуман бўлди. Келинглار, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтилик. Токи бошқалар ундан ибрат олсин!

- Сўнг Мубадга қараб:
- Сен нима дейсан? – деди.

Мубад давом этди.

– Уч нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, ҳунар доно билимдан, яхши иш яхши сўздан афзал...

Ануширвон:

- Кенгроқ тушунтир! – деди.

Мубад давом этди:

– Ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у куруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлса-ю, иши ёмон бўлса, фойдасиз шамолдир. Ануширвон Хуршидга қараб:

- Сен нима дейсан? – деди.

Хуршид:

– Жаҳонда икки нарса бор. Ундан ҳеч нарса яхши эмас. Биринчиси хурсандчилик иккинчиси беозорлик! – деди.

Ануширвон: Кенгроқ тушунтир! – деди.

Хуршид:

– Ҳар ким борига қаноат қилиб, хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи тушмайди. Кимки ҳеч кимсага озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, унга ҳеч кимдан озор етмайди! – деди.

206-машқ. Юқорида берилган ибратли ҳикматларга сиз қандай фикрда-сиз? Ўз фикрингизни ёзма баён этинг.



207-машқ. Қуйида берилган телефонда сўзлашувни давом эттиринг.

Одоб билан гаплашишда «Ассалому алайкум», «Кечирасиз», «Уз сўрайман», «Соғ бўлинг», «Раҳмат», «Ташаккур», «Хайр» каби сўзларидан фойдаланинг.

– Ассалому алайкум, холажон. Кечирасиз, Сизга қийин бўлмаса, Ойдинони менга бир дақиқага чақириб берсангиз!



208-машқ. Диалогларда тиниш белгиларининг қўйилишига диққат қилинг. Ундалмали гапларни кўчиринг. Бу парча қайси эртақдан олинганини айтиб беринг.

Бир мерган бор экан. Бу мерган овга чиқибди. Бўри учраб қолиб, уни қувиб кетибди. Бир жойда бир чол хирмон совураётган экан.

Бўри югуриб келиб чолга:

– Ота, бир мерган қувиб келаётибди, мени беркитиб қўйинг, – дебди. Чол «хўп» деб бўрини қопга солиб, устига похол ёпиб беркитиб қўйибди. Мерган чолнинг олдига келиб:

– Ҳой чол, шу ердан бўри ўтдимми? – дебди. Чол:

– Мен ўзим бўридан кўрқаман, ҳеч нарса кўрганам йўқ, – дебди.

Мерган чолнинг гапига ишониб, кетиб қолибди.

Бўри похол тагидан:

– Мени қувиб келаётган мерган кетдимми? – дебди. Чол:

– Ҳа, кетди, – дебди.

– Кетган бўлса, мени қўйиб юборинг, – дебди бўри. Чол:

– Хўп, деб бўрининг устидаги похолни олиб ташлабди.

Бўри похол тагидан чиқиб:

– Чол, сени ейман, – дебди.

– Вой ноинсоф! Мен сени ўлимдан қутқариб қолиб, яхшилиқ қилсам, мени ейсанми? . . .



209-машқ. Жуптликда ишланг. Шеригингиз билан берилган мавзуларнинг бирини танлаб диалог тузинг.

«Кутубхонада», «Истироҳат боғида», «Танаффусда», «Ҳашар-да».



210-машқ. «Икки дугонанинг ўзаро суҳбати», «Синф мажлисидаги ўқувчилар» мавзуларининг бирига суҳбат матни тузинг.

Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар

1. Тилнинг синтаксис бўлими нималарни ўргатади?
2. Сўз бирикмаси нима? Мисоллар орқали тушунтиринг.
3. Гапнинг ифода мақсадига кўра турларига мисол келтиринг.
4. Шеригингиз билан гап бўлаклари, унинг турлари, саволлари ҳақида

жадвал тузинг.

5. Жуфтликда йиғиқ гапларни ёйиқ гапларга айланттиринг.

6. Берилган гапларнинг грамматик асосларини аниқланг.

Комила ўткир кўзларини чақнатиб атрофга назар солди. Биз тинчлик тарафдоримиз.

7. Берилган гапларга иккинчи даражали бўлақлар қўшиб, боғланишли кичик матн тузинг. Қўшилган сўзларнинг гапдаги вазифаларини аниқланг.

Боққа бордик. Мен ёрдам бердим. Боғбон миннатдор бўлди.

8. Гапнинг уюшиқ бўлаклари деб нимага айтилади? Мисоллар ёрдамида изоҳланг.

9. Ундалмалардан унумли фойдаланиб, синфдошларингизга мурожаат, маслаҳатлар ёзинг.

10. Назаримда, саволларингизнинг ҳаммасига жавоб бердим. Назаримда қандай сўз?

11. Гаплар тузилишига кўра неча турли бўлади? Мисоллар орқали изоҳланг.

12. Таътил тугади. Ўқиш бошланди. Содда гапларни қўшма гапга айланттиринг.

13. Кўчирма гап деб нимага айтилади? Мисол келтиринг.

14. «Ўқишларингиз яхшими?» – деб сўради акам. Кўчирма гапни топинг.

15. Диалог деганда нимани тушунасиз? Дўстингиз билан диалог тузинг.

СЎЗ ВА УНИНГ ТОВУШ ҚОБИҒИ. ФОНЕТИКА

Фонетика сўзи юнонча фоне – «товуш» деган маънони билдириб, тилнинг товуш томони ўрганиладиган бўлим номини билдиради.

33-§. Нутқ товушлари ва уларнинг ҳосил бўлиши

Топширик. Кўчиринг. Унли товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг тагига бир чизик, ундош товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг тагига икки чизик чизинг.

Борганимда ҳар сафар Ўшга,
Энг аввало, назарим тушар
Довруғи йўқ кичик тоғларга.
Кичик тоғлар азал-азалдан

Маълум бўлган кўп инсонларга,
Нега ўсмай қолган бу тоғлар,
Тенг келмаган Тиёншонларга?

(Ш. Р.)

Биз гапирганимизда товушларни талаффуз қиламиз. Инсон талаффуз қиладиган товушлар нутқ товушлари дейилади. Нутқ товушлари нутқ аъзолари иштирокида ҳосил бўлади. Нутқ аъзоларига қуйидагилар киради: ўпка, кекирдак, товуш пайчалари, оғиз бўшлиғи, қатта ва кичик тил, юмшоқ ва қаттиқ танглай, юқори ва пастки лаблар, юқори ва пастки тишлар, бурун бўшлиғи, бўғиз бўшлиғи.



Нутқ товушларини ҳосил қилишда ўпкадан чиқаётган ҳаво нафас йўли – кекирдак орқали бўғизга, ундан оғиз бўшлиғи ёки бурун бўшлиғига ўтиб, ташқарига чиқади. Нутқ товушларини ҳосил қилишда товуш пайчалари, лаблар ва тил фаол иштирок этади.

Нутқ товушлари сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қилади: *том, тож, той, тол*.

211-машқ. Сўзларни ўқинг. Аввал унли ёрдамида маъно жиҳатдан фарқланаётган сўзларни, кейин ундош ёрдамида маъно жиҳатдан фарқланаётган сўзларни кўчиринг.

Ота-она, ака-ука, бола-лола, гул-кул, дўл-гўл, тош-тиш, хор-зор, қор-дор, бўр-бур, бол-бўл, чой-жой, зўр-зар, қовун-совун, боғ-буғ, асбоб-арбоб, мўл-кўл, сон-сен, кўр-шўр, чўпон-чопон.

34-§. Унли ва ундош товушлар

Нутқ товушлари икки хил: унли товушлар ва ундош товушлар.

Булар қуйидагича фарқланади:

1. Унли товушлар ҳосил бўлишида ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ўтади. Ундош товушларни ҳосил қилишда эса ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учрайди ва бунинг натижасида шовқин ҳосил бўлади.

2. Унлиларни чўзиб талаффуз қилиш мумкин, ундошларни чўзиб талаффуз қилиб бўлмайди.

Унли товушлар фақат ун (овоз)дан ҳосил бўлади. Улар жами олтига бўлиб, 10 та ҳарф билан ифодаланади: **а, о, у, ў, и, э; е, ё, ю, я.**

е, ё, ю, я ҳарфлари иккита товушни (ундош ва унлини) ифодалайди.

212-машқ. Сўзларни ўқинг. Ҳар икки сўзни маъно жиҳатидан фарқлашга қайси унли ёки ундош ёрдам бераётганини изоҳланг.


Тор – топ, тот – тош, тоқ – тоғ; боғ – буғ, бир – бор, бол – бўл; жой – чой, болға – болта, беш – бел.

Ундош товушлар жами 25 та бўлиб, ёзувда 23 та ҳарф билан ифодаланади: **б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, х.** Ҳарфлар сонининг товушлар сонидан 2 та камлиги қуйидагича изоҳланади: *ж* ҳарфи иккита товушни – (*виждон*), (*жўжа*), мавжуд *н* ва *г* ҳарфлари бирикиб, битта *нг* товушни ифодалайди.

213-машқ. Аввал, унли товушларни, сўнгра, ундош товушларни жадвалга жойланг.

Унли товушлар	
Ундош товушлар	

 **214-машқ.** Унли ва ундош товушлар ҳақида Венн диаграммаси тузинг.



215-машқ. Берилган сўзларни бўғинларга ажратиб ёзинг. Бўғинларни сўздаги қандай товушларни ифодаловчи ҳарфларга қараб ажратилишига эътибор қилинг.

Ой, ойдин, асал, абжир, алоқа, бол, банда, бастакор, вазн, вазифа, ваъда-боз, гул, гулхан, гулнора, дўл, дўлана, дарахт, ел, етти, ёт, ёлгон, ёлғиз, жон, жаҳон, жазм, жиноят, жазо.

Ўйла, изла, топ!

Ҳарфларни ўз ўрнига қўйиб, яширинган сўзни топинг

АНИН МАЛО РАҲОБ



216-машқ. Имло луғатидан унли билан бошланган 10 та, ундош билан бошланган 10 та сўз ёзинг. Сўзлардаги ҳарфлар ва товушлар сонини қиёсланг.

35-§. Жарангли ва жарангсиз ундошлар

1-топширик. Кўчиринг. Ундош товушларнинг тагига икки чизик чизинг.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси – жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи – гавҳари ҳам биз.

(Умар Хайём)

2-топширик. **Боб** – **боц**, **доц** – **тоц** сўзлари қандай маъно билдирапти?
Ажратилган ундошлар қандай талаффуз қилиняпти?

3-топширик. Ўқинг.

Б, ɔ – жарангли ва **т** жарангсиз ундошларининг талаффузига диққат қилинг.
Ёдда сақланг!

Ёзувда

китоб
гулоб
шароб
забт
билиб
сабабчи
шапкўр
абсолют
абхаз

Ёзувда

дўст
паст
кишт
мушт
тўрт
дарахт

Ёзувда

оғзаки нутқда

китоп
гулоп
шароп
запт
билип
сабапчи
шапкўр
апсолют
апхас

оғзаки нутқда

дўс
пас
киш
муш
тўр
дарах

оғзаки нутқда

озод	озот
савод	савот
даромад	даромат
мадад	мадат
автозавод	автозавот
бод	бот
беҳад	беҳат
йод	йот
хурсанд	хурсан
писанд	писан
монанд	монан
баланд	балан
Самарқанд	Самарқан

Жарангли ундошлар шовқин ва ун(овоз)дан ҳосил бўлади. Талаффуз қилинг: **б, в, г, д, ж, з, й, л, м, н, р, ғ, нг, ж (қоришиқ ж)**. Жарангсиз ундошлар фақат шовқиндан ҳосил бўлади. Талаффуз қилинг: **п, ф, к, т, с, ш, ч, х, ц, қ, ҳ**.

8 та жарангли ундошнинг жарангли жуфти бор: **б– п, в – ф, г– к, д – т, ж (қоришиқ) – ч, ж (сирғалувчи) – ш, з – с, ғ – х**.

Ўйла, изла, топ!

Ушбу сўзларнинг биринчи бўғинларидан сўзлар тузинг.


АНА КАРАМ

217-машқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги ҳарфлардан мосини қўйиб сўзларни кўчиринг.

Гўш...(д-т), обо...(т-д), ҳисо...(б-п), серо...(б-п), гирдо...(п-б), син...(ф-п), били...(б-п), кўри...(б-п), дўс...(т-д), ғиш...(т-д), заво...(д-т), офто...(б-п).

218-машқ. Ўқинг. Қуйидаги сўзларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқни тушунтиринг.

Асқад, мансаб, китоб, тартиб, савоб, кабоб, фарзанд, дилбанд, обод, ўтда, отда, қишлоққа, феъл, фронт, Зумрад, азонлаб, кўплаб.

 **219-машқ.** Нуқталар ўрнига зарур ундошларни қўйиб кўчиринг. Мақолларнинг мазмунини изоҳланг.

1. Жаҳл-душ...ан, ақл-дўс... .
2. Рос... сўзлаган етар муродга,
Ёлғон деган қолар уя...га.
3. Э...ри сўз бош ёради,

- Тў...ри сўз–тош.
4. Дўс...сиз бошим, Ту...сиз ошим.
 5. Дўс... дўстни кулфа...да синар,
Одам одамни меҳна...да синар.
 6. Яхши фарзан... қан... едирар,
Ёмон фарзан... пан... едирар.
 7. Мақтанган ... анд ейди,
Камтарин ...анд ейди.
 8. Кито... ўқиган яхши, сўзга бўлади бахши.



220-машқ. Ундошларни жадвалга ёддан жойлаштиринг.

Жарангли ундошлар	
Жарангсиз ундошлар	



221-машқ. Имло луғатидан жарангли ундошлар билан бошланган сўзлардан 5 та, жарангсиз ундошлар билан бошланган сўзлардан 5 та ёзинг.

36-§. Бўғин. Бўғин турлари

1-топшириқ. Ҳадисдаги унли товушларни белгиланг.

Имом Бухорий ҳадисларида шундай деб ёзилган: «Кимки ризким улуғ, умрим узоқ бўлсин деса, қариндош-уруғларига оқибатли бўлсин.

2-топшириқ. Ҳар бир сўзни бўғинларга ажратинг.

Бир ҳаво зарби билан айтилган товуш ёки товушлар йиғиндиси бўғин дейилади. Бўғинларнинг тузилишида унли товушлар муҳим ўринга эга. Унли товушларсиз бўғин тузилмайди. Шунинг учун ҳам сўздаги бўғинлар сони унлилар сонига тенг бўлади: *на-би-ра, о-и-ла*.

Унли товуш билан тугаган бўғин очиқ, ундош товуш билан тугаган бўғин ёпиқ бўғин дейилади: *дар-ё, то-ла; гул-дон, даф-тар*.

Сўзнинг бош ёки охириги бўғини бир унлидан иборат бўлса, бу унли олдинги йўлда қолдирилмайди ёки кейинги йўлга кўчирилмайди. Бу хил бўғинлар олдинги ёки кейинги бўғинга кўшиб кўчирилади: *о-наси эмас, опа-си, мудофа-а, мудо-фаа, манба-и эмас, ман-баи, конституци-я эмас, конститу-ция*.

Эслатма: Ажратилмай айтиладиган бир товушни кўрсатувчи нг ва шч ҳарфлари ажратилмай кўчирилади: *си-нгил, кў-нгил, сўнг-ра, тонг-да; ме-шчан, поме-шчик каби*.

222-машқ. Қуйидаги сўзларни бўғин кўчириш қоидасига биноан бўғинларга бўлиб ёзинг.

Авж, анҳор, тўққиз, баланд, кўнгил, вазн, исм, исмалоқ, нақд, совук, тараккийпарвар.

Топшириқ. Қуйидаги матндан энг кўп бўғинли сўзлардан олтитасини кўчириб ёзинг.

Глобус нима?

Глобус – ўқув қуроли. У ер тахлитда ишланган бир шардир. Глобуснинг ўртасидан бир ўқ ўтказилган. Глобус шу ўқ атрофида айланади. Глобуснинг ўқ ўтказилган икки томони кутбни –шимолий ва жанубий кутбни билдиради.


Тоғ, дарё, денгиз ва кўллар глобусда ҳам худди харитадагидек кўрсатилган.

Биз глобусдан география дарсларида унумли фойдаланамиз. Шунинг учун хар бир мактаб ўқувчиси глобусга шикаст етказмай, эҳтиёт қилиши керак.

Ўйла, изла, топ!

Ҳарфларни ўз ўрнига қўйиб, яширинган сўзни топинг

ТАСУ АНО УККАК

 **223-машқ.** Шеърни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғинларга ажратинг. Шеърдан олган хулосангиз ҳақида оғзаки равишда ўртоқларингиз олдида сўзлайдиган нутқ тайёрланг.

Сен **дўстликни** билма ўйинчоқ,
Дўстлик турар олтиндан устун.
Мен дўст бўлиб очаман **қучоқ**,
Сен **қалбингни** менга очган кун.

Чин дўст бўлсанг, суя **йиқилсам**,
Тўйларимга бўлгин тўйбоши.
Тўғри йўлга солгин **қоқилсам**,
То кўзимдан **оқмайин** ёшим.

(А. Тўйчиев)

37-§. Урғу. Урғу турлари

Топшириқ. Қуйидаги насрий масални ўқинг. Сўзлардаги қайси бўғин чўзиқ айтилишига аҳамият беринг.

Олмахон ва бўри

Олмахон у шохдан бу шохга сакраб юриб, тўппа-тўғри уйкуда ётган бўрининг устига йиқилиб тушди.

Бўри сапчиб турди ва уни емоқчи бўлди.

Олмахон: – Мени қўйиб юбор, – деб ялина бошлади.

Бўри бўлса: «Хўп, майли, мен сени қўйиб юборай, сен менга фақат шуни айт, нима учун сиз, олмахонлар жуда кувноқсиз. Мен бўлсам доим зерикаман, лекин сизга қарасам, сиз дарахт тепасида ҳамиша ўйнайсиз ва у ёқдан-бу ёққа сакраганингиз сакраган», – деди.

Олмахон айтди: «Олдин мени дарахтга қўйиб юбор, у ердан туриб сенга айтиб бераман, бўлмаса сендан қўрқаман».

Бўри уни қўйиб юборди. Олмахон дарахтга чиқиб олди ва у ердан туриб шундай деди: «Сен шунинг учун ҳам зерикасанки, сенинг ваҳшийлигинг юрагингни сиқади. Биз шунинг учун кувноқмизки, биз ювош ва ҳеч кимга озор бермаймиз».

Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларга нисбатан кучлироқ овоз билан айтилиши **урғу** дейилади. Урғу ёзувда (‘) белгиси билан ифодаланади.


Сўзнинг урғу тушган бўғини урғули бўғин, қолганлари урғусиз бўғин дейилади. Ўзбек тилида урғу одатда сўзнинг охириги бўғинига тушади. Бу сўз урғусидир. Сўзларга қўшимча қўшила бориши билан урғу ҳам кўча боради: *китоб, китоблар, китоблардан*.

Ўзбек тилида урғуси биринчи, иккинчи бўғинга тушадиган сўзлар ҳам бор: *ҳатто, албатта*.


Гап урғуси (мантиқий) гап таркибидаги айрим сўзларнинг кучлироқ айтилишидир; урғу олган сўз ҳар доим кесим ёнида жойлашади: *Бугун мактабга бордим. Мактабга бугун бордим*.

224-машқ. Ўқинг. Сўзлардаги бўғинларга нисбатан кучлироқ оҳангда талаффуз қилинаётган бўғинни аниқланг. Сўзларда бўғиннинг кўпайишига ва урғунинг силжишига эътибор қилинг.

Сув, сувчи, сувсиз, сувсизлик, сувсизликдан; боғ, боғбон, боғбонлар, боғбонларга; ҳам, ҳамма; зар, заргар, заргарларнинг; тарих, тарихшунос, тарихшунослардан.

 **225-машқ.** Гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъноларига эътибор қилинг. Урғу сўзнинг қайси бўғинига тушмоқда? Урғули бўғинни белгиланг.

Олтин олма, дуо ол. Олма пиш, оғзимга туш деб ўтириб бўлмайди. Ўзбек миллий либослари атласдан тикилди. Дарсада географик атласдан фойдаланилди.

 **226-машқ.** Имло луғатидан 10 та бошқа тиллардан кирган сўзлардан ёзинг ва урғули бўғинни белгиланг.

Графика

Ёзма нутқнинг ҳарфлар тизимини ўрганадиган тилшунослик бўлими графика дейилади.

38-§. Ёзувда товушларнинг белгиланиши. Алифбо

1-топшириқ. Алифбони ёддан айтинг.

2-топшириқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Алифбо деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳарф деб нимага айтилади ?
3. Товуш билан ҳарфнинг фарқи нимада?

Оғзаки нутқда биз товушлардан фойдаланамиз. Ёзма нутқда эса шу товушларни ифодаладиган ҳарфларни ишлатамиз.


Ҳарфларнинг маълум тартибда жойлаштирилган қатори алифбо дейилади.

Луғатларда, турли рўйхатлар тузишда сўзлар алифбо тартибида жойлаштирилади.


Ўзбек алифбосида 35 та ҳарф бор. 10 таси унли ҳарф, 23 таси ундош ҳарф; айириш белгиси – ь ва юмшатиш белгиси – ь белгиси товуш билдирмайди.

Нутқ товушлари ёзувда ҳарфлар билан ифодаланади. Нутқ товушларини талаффуз қиламиз ва эшитамиз. Ҳарфларни эса кўрамиз ва ёзамиз.

227-машқ. «Ҳарф ва товуш» мавзусида Венн диаграммаси тузинг.



228-машқ. Синфдошларингизнинг исmlарини алифбо тартибида ёзинг.

 **229-машқ.** Берилган сўзларни намунадагидек ёзинг.

Намуна: Ёмғир – 5 та ҳарф, 6 та товуш.

Илм, маъно, юлдуз, ҳаво, куёш, юк, тонг, октябрь, омма, саккиз.

230-машқ. Шеърни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни кўчиринг. Ҳарфлар ва товушлар сонини аниқланг.

Фахр

Қуёш янглиғ истиқлол,
Порлар абадул-абад.
Мунаввардир истиқбол
Ватан ўзи бир **жаннат**.
Шамол тегиб кўкракка,
Ўзимизни танидик.

Малҳам бўлган **юракка**
Сўзимизни танидик.
Оталарнинг пок руҳи,
Мангуга дилимизда.
Эрк дея берган туғи,
Машъала йўлимизда.

(Ҳ. Раҳмат)

231-машқ. Шеригингиз билан алифбо тартибида шаҳар ва қишлоқлар номларини айтиш бўйича мусобақалашинг.

Ўйла, изла, топ!

Ҳарфлардан бирини олиб ташлаб, сўзлар тузинг.

ҚУЛОҚ ҚОЛМА САЛЛА

39-§. и ва у унлиларининг айтилиши ва ёзилиши

и унлиси айрим сўзлар орасида қисқа талаффуз қилинади: *бир, сира; илм, муҳим, доир каби* сўзларда чўзиқ талаффуз қилинади. *Қ, х, з* товушларидан кейин келганда русча *ы* товушига ўхшаш талаффуз қилинади: *қиш, қилиқ, хил, гишт*. Бироқ доимо *и* ёзилади.

у унлиси *куч, тутун* каби сўзларда қисқа талаффуз қилинади. *Уйгур, ёзув* каби сўзларда чўзиқ талаффуз қилинади.

232-машқ. Нуқталар ўрнига и ёки у ҳарфларидан мосини қўйиб сўзларни кўчиринг.

Бул...т, бўл...қ, ўр...н, бўй...н, туз...м, туз...ш, кўм...ш, кум...ш, мумк...н, м...дир, кўнг...л, тўлқ...н, ҳуқ...к, хўк...з, туш...нча, туш...ниш, туш...ш, тух...м, уйқ..., булт...р, бутк...л.

233-машқ. Нукталар ўрнига тушириб қолдирилган ҳарфларни қўйиб, матнни тўлиқлаб кўчиринг. Сўзларнинг ёзилишини ёдда сақланг.

К...ндан-кун ўт...б рангли қаламнинг учидек-...чидек к...ртақлар қатг...
лашди, кўкча қов...ннинг тўридек тўр боғлади. Б...ни кўриб Бўстонбек қув...
нчи ичига сиғмай, яйраб к...тди. ...нди мактабга келишга ош...қадиган, дарсдан
чиқишини сабрсизлик б...лан к...тадиган бўлиб қолди. Кўчатга меҳри товланиб,
анча-анчагача ...нинг атроф...да айланиш...б юради.

(Қ. Мирзо)



234-машқ. Кўчиринг. Қуйидаги сўзларнинг имлосини ёдда сақланг.

Увол, увок, уддабурон, узил-кесил, уйдирма, уй-жой, уйғун, улгуржи, улов,
улоқ, улуш, улфат, умр, умрбод, умид, ундалма, ундов, уруғ, устун, учук, уюшиқ.

40-§. а, о ва ў унлиларининг айтилиши ва ёзилиши

а унлиси *ука, ака, она, аввал, баҳо, баҳодир* каби сўзларда юмшоқ талаффуз қилинади. Бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда қаттиқ талаффуз қилинади.

о унлиси *от, бош, тол, бор* каби сўзларда чўзиқ ва аниқ талаффуз қилинади.

Бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда ў тарзида талаффуз қилинади: *трактор, концерт, экскаватор* каби. Бироқ *о* ёзилади.

Ў унлиси айрим сўзларда қаттиқ, қисқа талаффуз қилинади: *ўтин, ўроқ, тўлиқ. Ўрик, кўлмақ, ўлмоқ* каби сўзларда юмшоқ талаффуз қилинади.

235-машқ. Нукталар ўрнига *а* ёки *о* ҳарфларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг.

Дал..., т...ла, б...л, м...ъно, қ...вун, с...вуқ, с...вға-с...лом, д...р...мад, ...лоқа,
қутл...в, аниқл...вчи, т...вуш, уст...з, м...шина, ст...л, п...ртфель, ч...йнак, м...т...р,
ф...нетика, ...лимпиада, с...мон.



236-машқ. Кўчиринг. Сўзлар имлосини ёдда сақланг.

1. Ўгай, ўжар, ўзан, ўзак, ўзаро, ўлчов, ўнг, ўнгир, ўпка, ўрмон, ўсал, ўсмир, ўткир, ўтов, ўтроқ, ўтсимон, ўшқирик, ўқтин-ўқтин, ўғил, ўғри, ўқув.

2. Опера, оператив, операция, оптика, оранжерея, ординатор, организм, ордер, организатор, оригинал, орфоэпия, орфография, оркестр.

41-§. э унлисининг айтилиши ва ёзилиши

Ўзбек тилида -э унлиси кўпинча сўз бошида келади ва юмшоқ талаффуз қилинади: *эгар, экин, эрка, эга*.

Сўз ўртасидаги *е* ҳарфи э тарзида ўқилади, бироқ *е* ёзилади: *чехра, терим, терак, бел, тер*.

-э унлиси *фериуз, деҳқон, телефон, адрес* сўзларида *и* товушига яқин талаффуз қилинади.

1-топшириқ. Шеърни ифодали ўқинг.

2-топшириқ. -э унлиси қатнашган сўзларни топинг. Талаффузи ва ёзилишига диққат қилинг.

Олам тўлсин кўшиққа

Кўлимда тош ўйнардим,
Кўкка отиб, илардим.
Завқланиб мен ўзимча,
Сакраб-сакраб қувнардим.

Митти қушча кўрди-ю,
Учди-кетди пир этиб.
Кўлимдаги тош билан
Ўбордимми кўрқитиб.

Милтиллади кўзини,
Тиқилар мен томонга.
Мунча тортар ўзини,
Ўхшайманми ёмонга?

Хаёлида ўйларми,
«Тош отар деб мен томон».
Кимдир отган тошдан у
Зада бўлган бегумон.


Милтиллаган кўзингга
Тош тегмасин – йўк, йўк, йўк,
Милтиллаган кўзингга
Ёш тўлмасин – йўк, йўк, йўк.

Кўлимдаги тошчани,
Ташлавордим шу замон.
Шодон кўшиқ – куйингга
Тўлиб турсин ер-осмон.

(*Х. Раҳмат*)

237-машқ. Кўчиринг. Куйидаги сўзларнинг имлосини ёдда сақланг.

Эгат, эгачи, эгизак, эгик, экмоқ, эл, электр, эгрилик, эман, эмламоқ, энергия, эпиграф, эпизод, эпитет, эпчил, эгар, эрка, эркин, этик, этиюд, эчкемар, эҳтирос, эҳтимол.

 **238-машқ.** Нуқталар ўрнига *е* ёки *э* унлиларидан мосини қўйиб кўчиринг.

...кан, ...лка, ...кран, б...рқитмоқ, ц...х, ...лемент, ...л-юрт, т...р, т...злик, ...кспорт, б...лкурак, консп...кт, т...зис, ...рталаб, ...нгил, ...тиқдўз, конс...рва, конц...рт.

42-§. е, ё, ю, я ҳарфларининг ишлатилиши

Топширик. Кўчиринг. *Е, ё, ю, я* ҳарфларининг ёзилишига диққат қилинг.

Елка, юрт, яйлов, ёшлик, ер, сиёҳ, сайёра, юрак, яқин, елкан, қуёш, ёрқин, ер ёнгоқ, ёв, маъюс, кейин, костюм, етмиш, сентябрь, октябрь, монтер, елтигич, яёв, пиёла, ҳаёт, шерик.

е, ё, ю, я ҳарфлари сўз ва бўғин бошида, айириш ва юмшатиш белгисидан сўнг келганда, икки товуш – *йэ, йу, йо, йа* ни билдиради.

Кел, бел, сел, октябрь каби сўзларда бир товушни билдиради.



239-машқ. Имло луғатидан *е, ё, ю, я* ҳарфлари иштирок этган сўзлардан 15-20 та кўчириб ёзинг. Улар иштирокида 4–5 гапдан иборат бўлган кичик матн тузинг.

240-машқ. Нуқталар ўрнига зарур ҳарфларни кўйиб гапларни кўчиринг. *е, ё, ю, я* ҳарфларининг тагига чизинг.

1. Она ...рт бўлмиш Энасой тобора ортга ч...киниб борар, л...кин ...нги ватан бўлмиш Иссиққўлга ҳали жуда узоқ эди.(ю,е,я) Йўл ...ришди, йўл ...ришса ҳам мўл ...ришди. (ю) ...зу қиш, кўкламу ...з ва куз, ...на ёзу қиш, яна баҳору, яна ёз ва куз қалин ўрмонлардан, жазирама чўллардан, кўчма кум саҳролардан, баланд тоғлардан ва ҳайқириб оққан дар...лардан н... машаққат билан ўтишди. (Ч. А.)

241-машқ. Грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг. Жавобини дафтарингизга кўчириб ёзинг.

1. Қайси сўзларда мавжуд
Я, ё, ю унли ҳарфлар?
Улардан сўнг ёзилмас
Ёзувда қайси ҳарфлар?
2. Бир чизикча ҳам о дан
Бунёд бўлган ўзлари.
Уни кўтарган бошга
Юрак, юлдуз сўзлари.
3. Бор «ялпиз» да, «яшин» да
Ҳам «яқин», ҳам «яшил» да.
Ундан сўнг ёзилмас а,
У қайси ҳарф экан-а?

4. «Дунё» да бор,
«Дарё» да бор.
«Денгиз» да йўқ,
«Олам» да йўқ?

43-§. Айрим ундош товушларнинг ёзувда ифодаланиши

Ёдда сақланг!

1. *Мактаб, ҳисоб, тавоб, китоб* каби сўзларнинг охиридаги жарангли *б* ундоши ўрнига унинг жарангсиз жуфти *п* талаффуз қилинади, аммо *б* ёзилади.

2. *Обод, озод, умид, мақсад* каби сўзларнинг охиридаги жарангли *д* ундоши ўрнига унинг жарангсиз жуфти *т* талаффуз қилинади, аммо *д* ёзилади.

3. *Фаришта, фаҳм, ферма, сафар, телеграф* каби сўзлардаги *ф* товуши *п* тарзида айтилади, бироқ ёзувда *ф* сақланади.

4. *Мақтов, мақсад* каби сўзларда *қ* товуши *х* тарзида талаффуз этилади, аммо *қ* ёзилади.

242-машқ. Нуқталар ўрнига зарур ҳарфларни қўйиб сўзларни кўчиринг.

1. Кабо..., тала..., саба..., кели..., тури..., серо..., нура..., одо..., асбо..., миро..., ноё... . 2. Ада..., саво..., дарома..., шогир..., докла..., авло..., обо..., барбо..., заво... . 3. Ха...а, ...алақ, ...ойда, ...араз, ...азилат, со... .

243-машқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги ҳарфлардан мосини қўйиб сўзларни кўчиринг.

(к-ғ); бо...ча, чиро..., чаро...он, Чиро...чи тумани, кутлу..., қуллу..., уру..., қуру... .

(б-в); боғ...он, бо...о, дар...оза, дор...оз, ка...об, ар...об.

(ф-п); ...айдо, ...ойда, ...ардоз, ...армон, ...анд, ...арда, ...икр, ту...роқ, са..., со...ол.


244-машқ. Кўчиринг. Қуйидаги сўзларнинг ёзилишини ёдда сақланг.

Файз, фалаж, фалақ, фалсафа, фарёд, фарз, фароғат, фасл, фаҳр, фонус, фольклор, фитна, фойдахўр, фуқаро, фиск-фасод, фирок, фортепьяно, фонограмма, формализм, формат, фотоальбом, фотоэтьюд, француз, фронт, фундамент.

245-машқ. «Имло луғати» дан фойдаланиб, *п* ҳарфи билан бошланадиган сиз учун ёзиш қийин бўлган сўзлардан 20–25 тасини кўчиринг.

246-машқ. Кўчиринг. Қуйидаги сўзларнинг имлосини ёдда сақланг.

Цемент, центнер, цех, циклон, цилиндр, цирк, циркуль, цистерна, цитата, циферблат.

 **247-машқ.** Нуқталар ўрнига *ҳ* ва *х* ҳарфларидан мосини кўйиб, исмларни кўчиринг.

А ...мад, ...амид, Зулай...о, Ра...им, Шу...рат, Му...тор, ...улкар, ...афиза, ...адича, То...ир, Мо...ира, ...алима, Му...аррам, ...илола, Му...аббат, Зу...ра, Қа.....ор, ...идоят, Му...тарам.

44-§. Айириш ва юмшатиш белгиларининг ишлатилиши

Айириш белгисининг вазифалари:

1. Айириш белгиси ўздан олдин келган унли ёки ундошни чўзиб, айириб талаффуз этиш учун ишлатилади: *маъно, шеър, разъезд, съёмка, адъютант.*

2. Айириш белгиси ўздан олдин келган ундошни кейин келган унлидан айириб талаффуз этиш учун ишлатилади: *қалъа, даъват, суръат.*

Юмшатиш белгисининг вазифалари:

1. Юмшатиш белгиси ўздан олдин келган ундошни юмшоқ талаффуз этиш учун ишлатилади: *пальто, альбом, лагерь.*

2. Айрим товушларни ва бўғинларни бир-биридан айириб талаффуз этиш учун ишлатилади: *пъеса, батальон, бильярд.*

Эслатма: *Охири юмшатиш белгиси билан битган сўзларга бирор қўшимча қўшилса, ёзувда юмшатиш белгиси тушириб қолдирилади:* Авиамодель – авиамоделчи.

248-машқ. Жадвални дафтارينгизга чизинг ва уни берилган саволлар асосида тўлдириг.

№	Саволлар	Ъ белгиси	Ь белгиси
2	Сўзнинг бошида ишлатиладимиз?		
3	Сўзнинг ўртасида келса қандай талаффуз қилинади ?		
4	Белгилар қатнашган сўзларнинг бўғинлари кейинги йўлга қандай кўчирилади?		

5	Сўзнинг охирида келадими?		
6	Четдан кирган сўзлардан мисол келтиринг.		
7	Сўзнинг охирида келиб, қўшимча қўшилса қандай ёзилади?		

249-машқ. Берилган сўзларнинг қай бирида ь белгиси унлиларни ундодан ажратиш учун, қайси сўзларда унлини чўзикроқ талаффуз қилиш учун ишлатилганига қараб сўзларни 2 гуруҳга ажратиб ёзинг.


Даъво, билъакс, маъно, санъат, эътибор, съёмка, феъл, разъезд, подъезд, эътикод, таъсир, мўъжиза, съезд, журъат, мўътабар, таъриф, субъект, адъютант.

250-машқ. Кўчиринг. ь белгисининг сўзларда қандай талаффуз қилинаётганига эътибор қилинг.

Автомобиль, артель, модель, секретарь, мебель, январь, февраль, апрель, июнь, июль, сентябрь, октябрь, ноябрь, циркуль, сирень.

251-машқ. Қуйидаги сўзларнинг маъноларини тушунтиринг.

Шеър-шер, саъва- сава, таъна-тана, даъво-даво, қалъа-қала, санъат-санат.

 **252-машқ.** Нуқталар ўрнига ь ва ь белгиларидан мосини кўйиб сўзларни кўчиринг.

Э...лон, мас...улият, спектакл... , а...зо, батал...он, ба...зи, дуэл..., ма...рифат, исте...дод, календар..., мул...тфил...м, та...зия, та...на, та...сис, я...ни.

45-§. Орфоэпия

1-топширик. *Дўст, тўрт, дарахт, рост, баланд, хурсанд* сўзларини бир кўздан кечириб оғзаки равишда китобга қарамасдан талаффуз қилинг. Талаффузда қайси ҳарфлар айтилмасдан қоляпти?

2-топширик. *Синф, қисм, ҳукм, ақл, наир, расм, сабр* сўзларини ўқинг. Сўзларни талаффуз қилган пайтда қайси ҳарфлардан кейин *и, у* унлилари қўшилиб қоляпти.

3-топширик. Тез айтишни ўқинг ва тез айтишга ҳаракат қилинг.

Қишда кишмиш пишмасмиш,
Пишса кишмиш қишмасмиш.

4-топшириқ. Тез айтишнинг мазмуни нима ҳақида эканлигини айтиб беринг. Сўзлардаги қайси товуш тақрорланяпти? Уни қандай талаффуз қилдингиз? Тез айтишни ёдланг ва дўстингиз билан бир-бирингизга айтиб беринг.

Тўғри талаффуз қоидаларининг йиғиндиси орфоэпия деб юритилади.

Оғзаки нутқда ҳар хил талаффуз қилинадиган товуш, кўшимча ёки сўзлардан адабий тил учун қабул қилинган биттаси тўғри талаффуз меъёри ҳисобланади.

253-машқ. Шеърни ўқинг. Мазмунини айтиб беринг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни тўғри талаффуз қилинг ва улардаги товушларга изоҳ беринг.

Очиқ чехра

Разм солсам куёшга,
Жилмайгандай туюлар.
Очиқ чехра, гул юзидан
Тилла нурлар қуюлар.


Табиатда не бўлса,
Шу нурдан олур баҳра.
Қанийди бўлса ҳамма
Куёшдек очиқ чехра.

(Х. Раҳмат)

254-машқ. Матнни ўқинг. Унга сарлавҳа топинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни тўғри талаффуз қилинг ва ёзилишини эслаб қолинг.

Ривоятга кўра, **хонқизи** аслида **подшо** қизи бўлган, аммо қашшоқ чўпонни севгани учун ғазабланган отаси уни «Илойим **қумурсқага** айлан!» дея қарғаган эмиш. Қарғиш тутиб, у **ҳашаротга** айланганмиш. Хонқизи дейиши шундан қолганмиш.

(Х О И)


 **255-машқ.** А Навоийнинг «*Лисонут тайр*» асаридан олинган байтни ўқинг. Унинг мазмунини муҳокама қилиб, 5 минутлик эссе ёзинг.

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил! –

256-машқ. Матнни ўқинг. Муаллиф фикрига ўз муносабатингизни билдиринг.

Талаффуз қилинаётган сўз тингловчига тушунарли ва манзур бўлиши учун унинг таркибидаги товушларни талаффуз меъёрига мослаб айтиш ло-

зим. Товушлар бузиб ёки чала талаффуз қилинса, сўзнинг маъноси бузилади, таъсири йўқолади. (М. Содиқова)

 **257-машқ.** Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг. Уларнинг ўзбекча таржимасини топиб, шу сўзлар иштирокида гаплар тузиб, ёзинг.

Композитор, музыка, архитектор, медицина, врач.

46-§. Орфография

Топширик. Матнни диққат билан ўқинг. Сўзлардаги тушириб қолдирилган ҳарфларни ўрнига қўйиб 1-устунга ва имло хатосига йўл қўйилган сўзларни тўғрилаб 2-устунга ёзинг.

Нутқ маданияти

«Мана бу одам чиройли, со..., аниқ, тўғри гапиради. Бир сўз билан айтганда, мадани...тли сўзлашади», деган э...тиборга ло...иқ бўлиш учун нималарга аҳамият б...риш лозим. «Нутқ маданияти» тушунчаси кўп нарсаларни ўз ичига олади. Аблат...а, нутқдаги «демак», «шунда... қилби», «иннайкейин», «ҳалиги» каби сўзлар билан кура...иш ҳам керак. Нут...ни ҳар хил бетакаллу..., қўпол ва ҳашаки сўзлар билан тўлдири... юборишдан сақланиш ло...им.

Кито...ларни кўп ва диқ...ат билан ўқинг. Уйда, иложи борича, қандайдир лу...атлардан, масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» дан тез-тез фойдаланинг. (Болалар энц.)

Топширик

1. Нотўғри ёзилган сўзларни тўғрилаб ёзишда сизга нима ёрдам берди?
2. Фикрни ёзувда тўғри ифодалаш учун нималарни билиш керак?
3. Тўғри ёзиш қоидаларини ўрганишда қандай луғатлардан фойдаланиш мумкин?

Тилимиздаги сўзлар ва қўшимчалар маълум қоидалар асосида ёзилади. Бу қоидалар йиғиндиси орфография (имло) деб юритилади. Орфографияда тўғри ёзиш меъёрлари ўрганилади. Ёзма нутқда ҳар хил ёзилувчи товуш, қўшимча, ёки сўзлардан адабий тил учун қабул қилинган биттаси имло меъёри ҳисобланади.

258-машқ. Матнни ўқинг, унга сарлавҳа қўйинг ва матн турини аниқланг.

«Имло луғати» га сўзлар танлашда мактаб дарсликлари ва болалар матбуоти лексикаси асос қилиб олинди. Мактаб ва болалар ҳаётига оид сўзлар, ўқувчиларнинг ёзма ишларидаги типик хато билан ёзилган сўзлар тўпланди.

Ана шу сўзлар асосида тузилган бу «Имло луғати» 13000 дан ортик сўзни ўз ичига олади.

Луғатда ҳар бир сўзнинг бош шакли, чунончи отлар бош келишида, феъллар эса ноаниқ шаклда берилди. Масалан: *иш, анжир, бог, шошмоқ, ўқимоқ каби.* (ЎТИЛ)

Топшириқ.

1. Сўзларнинг маъноларини билиб олинг.

Типик – ўхшаш, доимий


Лексика – сўз, луғат

2. Луғат қандай тартибда тузилган, ундан фойдаланиш учун нималарга эътибор бериш керак?


259-машқ. Топишмоқнинг жавобини топинг.

Тўғри ёзишни ўргатар,
Тўғри сўзлашни ўргатар.
Айтинг-чи, нима улар?

(Р. Сирожиддинов)

 **260-машқ.** Орфоэпия ва орфография ҳақида дарсликдаги маълумотларга таяниб, шеригингиз билан бирга Венн диаграммасини тузинг.



 **261-машқ.** «Имло луғати» дан сиз учун ёзиш қийин бўлган сўзлардан 10-15 тасини дафтарингизга кўчириб олинг.

262-машқ. 1-топшириқ. Фонетик таҳлил тартибига диққат қилинг. Ёдда сақланг.

Фонетик таҳлил тартиби:

1. Сўзни овоз чиқариб тўғри талаффуз қилиш.

2. Сўздаги товушлар ва ҳарфлар сонини айтиш.

3. Унли товушларни, уларнинг қайси ҳарфлар билан ифодаланганини айтиш.

4. Ундош товушлар, уларнинг жарангли ва жарангсизлиги, қайси ҳарфлар билан ифодаланганини айтиш.

5. Сўздаги бўғинлар сонини айтиш, урғули бўғинни аниқлаш, урғу тушган бўғинни кўрсатиш.

Фонетик таҳлил намунаси:

Ёмғир сўзида 6 та товуш (*й, о, м, э, и, р*), 5 та ҳарф (*ё, м, э, и, р*) бор; *й* ва *о* товуши *ё* ҳарфи билан ифодаланган.

Унли товушлар: *о, и*.

Ундош товушлар: *й, м, э, р*; барча ундошлар жарангли.

Ёмғир сўзи икки бўғинли, иккинчи бўғин урғули: *ём-ғир*, урғу *и* унлисига тушган.

2-топширик. Фонетик таҳлил тартиби ҳамда таҳлил намунасидан фойдаланиб қуйидаги матндан ажратиб кўрсатилган сўзларни фонетик таҳлил қилинг.

Бола тилидан

Бугунги кечки сабоқ ҳажмлар борасида бўлди. Цистерна, цилиндр ва ҳоказолар борасида отадан **маълумот** олинди.

Болажон бир дадасининг чиннисига, бир отаси оғзи томон йўналтирган **қошиққа** қараб кулди ва деди:

– Ҳа-а, ҳозир сизнинг цистернангиз ҳам таомга тўляпти!

– Ухла! Ухласанг-чи, эртак кетидан эртак айтган она толиқди **ниҳоят**. Битта ҳам бола уйғоқ эмас бу маҳал, ҳаммаси ширин туш кўряпти аллақачон!

– Мен-чи?! Мен уйғоқман-ку! (*Р. Розикова*)

47-§. Нутқ маданияти

1-топширик. Нутқ маданияти деганда нимани тушунасиз? Тушунчаларингизни 2 дақиқа давомида қоралама қоғозга ёзинг.

2-топширик. Қуйидаги матнни ўқинг. Муаллиф фикрига қўшиласизми? Нима учун?

3-топширик. Кимлар нутқ маданиятини яхши билиши зарур? Нима учун?


Кишининг маданиятлилиги унинг нутқ маданиятини қанчалик эгаллаганлиги билан ҳам ўлчанади. Нутқ маданияти сўзга бой бўлиш ва адабий талаффуз меъёрларига риоя қилиш билан тўлақонли бўлади.

Халқ оммаси раван ва чиройли нутқни севади, санъаткор нотикларга мафтун бўлади.

Қунт билан давомли машқ қилиб бориш натижасида киши ўзининг нотиклик қобилиятини ривожлантира олиши, чиройли сўзлашга ўрганиши шубҳасиздир.

263-машқ. Матнни ифодали ўқинг. Сўнгра кўзларингизни юмиб, муסיқа оҳангида шу матнда акс этирилган манзарани кўз олдингизга келтиринг. Ўзингиз кичкина эссе ёзинг. Уни оқ вараққа кўчириб, муаллиф курсисида тақдимот қилинг.

Кеча уйимиз ёнидан оқиб ўтадиган анҳор сувиға қараб, узоқ хаёлға толдим. Ажабо, бу табиатнинг инсонларға берган мўъжизаси-ку?! Қайлардан келаётган экан тиним билмай оқаётган бу тўлқинлар? Қайларға ошиқади улар? Балки тоғнинг баланд тепасидан неча-неча ҳарсангтошларға урилиб, инсонларға хузур, мудраб ётган жонсиз табиатға жон бағишлагани, нур бўлиб одамлар хонадонини ёритгани ошиқаётгандир? Ахир, унга неча-неча кўзлар интизор. Ҳа, сув – олтин! У бойлик ва фаровонлик манбаидир.


 **264-машқ.** Берилган иккита содда гапдан битта содда ёки қўшма гап ҳосил қилинг.

Намуна: Куз келди. Йиғим-терим бошланди.

Содда гап – Куз келиши билан йиғим-терим бошланди.

Қўшма гап – Куз келди ва йиғим-терим бошланди.

1. Қиш бошланди. Совуқ кунлар тушди. 2. Кўнғироқ чалинди. Дарс бошланди. 3. Қозонда ёғ қизиди. Пиёз қовурилди. 4. Диктантни ёзиб тугатдик. Дафтарларни йиғиб бердик.

 **265-машқ.** Гапнинг мазмунини сақлаган ҳолда, шаклини ўзгартиринг.

1. Биз ишонамизки, интизом бор жойда ишнинг унумдорлиги юқори бўлади. 2. Куни кеча биз ҳайвонот боғиға бордик. 3. Томдан ўтин олиб туш, қизим. (*Эртақдан*) 4. Болалар Чингиз Айтматовнинг китобларини севиб ўқийдилар. 5. Биз мактабимиз боғиға 30 туп кўчат ўтказдик.

 **Билиб олинг!**

Тест нима ва уни қандай бажариш керак?

Болалар, мана бир неча ўқув йилларидан буён ўрта махсус ва олий таълимда кириш имтиҳонлари тест синовлари асосида ўтказилмоқда.

Хўш, тест нима ўзи? Шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни айтинг.

Тест – бу маълум фан ёки унинг бирор бўлими юзасидан олинган, ўзлаштирилган билимларни синаш демақдир. Ушбу дарсимиздан бошлаб, олган билимларимиз асосида тест саволлари билан ишлаб борамиз. Бу билан ўрганилган мавзулар бўйича олган билимларимизни синаймиз.

Тест қандай бажарилади?

Тестда бир етакчи савол бўлиб, унга 4 ёки 5 та жавоб берилади. Жавобларнинг фақат биттаси тўғри бўлиб, қолганлари нотўғри бўлади. Агар ўқувчи ўтилган мавзуларни пухта эгаллаган бўлса, тўғри жавобни тез топа олади.

Келинг, биргаликда тест бажаришни ўрганайлик.

Билимингизни синаб кўринг!

1. Сўз бирикмасининг таърифи тўлиқ берилган жавобни белгиланг?

- A. Икки сўзнинг грамматик ва оҳанг жиҳатдан тобе бўлиб боғланиши.
- B. Икки сўздан тузилади.
- C. Эргаш сўз ва бош сўздан таркиб топган бирикма.
- D. Фақат бош бўлақлардан тузилади.

2. Синтаксис нимани ўргатади?

- A. Нутқ товушларини.
- B. Сўзларнинг бир-бирига боғланиши, гап ва унинг турларини.
- C. Бош бўлақларни.
- D. Тиниш белгиларининг қўйилишини.

3. Сўз бирикмаси берилган қаторни топинг.

- A. Қизил қалам.
- B. Куз келди.
- C. Оқ ва қора.
- D. Баҳор.

4. Гаплар ифода мақсадига кўра неча турли бўлади?

- A. 2
- B. 3
- C. 4
- D. 5

5. Воқеа-ҳодиса ҳақида хабар, дарак мазмунини билдирган гаплар –

- A. Дарак гап.
- B. Сўроқ гап.
- C. Буйруқ гап.
- D. Истак гап.

6. Сўроқ гап берилган қаторни топинг.

- A. Совуқ тушди.
- B. Ўқувчилар қондасига риоя қилинг.
- C. Китобингизни бериб туринг.
- D. Кутубхонага қачон аъзо бўлдингиз?

7. Мақтанчоқ бўлманг, хиёлат тортмайсиз. Гапнинг ифода мақсадига кўра турини аниқланг.

- A. Дарак гап.
- B. Сўроқ гап.
- C. Буйруқ гап.
- D. Истак гап.

8. *Истагим бутун дунёда тинчлик бўлса. Гапнинг ифода мақсадига кўра турини аниқланг.*

- A. Буйруқ гап.
- B. Сўроқ гап.
- C. Истак гап.
- D. Дарак гап.

9. *Ҳис-ҳаяжон гаплар ифодаланишига кўра неча турли?*

- A. 2
- B. 3
- C. 4
- D. 1

10. *Ким? Қаерда? Қандай? Нима қилади? – тартиби шу сўроқларга жавоб бўладиган гап берилган қаторни белгиланг.*

- A. Онам мактабда қизиқарли дарс ўтади.
- B. Кунлар борган сари совий бошлади.
- C. Дадам заводда ишлайди.
- D. Мустақиллик муборак.

11. *Дўстлар кун бўйи маза қилиб ўйнашди. Гапнинг грамматик асоси тўғри берилган қаторни топинг.*

- A. Маза қилиб ўйнашди.
- B. Дўстлар ўйнашди.
- C. Кун бўйи ўйнашди.
- D. Кун бўйи маза қилиб.

Боғчадаги укамни

Катта кўчада кўрдим.

Узоқдан таниб уни

Келишин кутиб турдим.

12. *Кесимлар тўғри кўрсатилган қаторни белгиланг.*

- A. Кўрдим, узоқдан таниб
- B. Кўрдим, кутиб турдим
- C. Узоқдан таниб, кутиб турдим
- D. Келишин кутиб турдим

13. *Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари тўғри берилган қаторни кўрсатинг.*

- A. Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.
- B. Эга, аниқловчи, ҳол.
- C. Кесим, тўлдирувчи, ҳол.
- D. Эга, кесим, аниқловчи.

14. Берилган гапнинг тузилишига кўра турини аниқланг. Дарё гўё бир дунёга ўхшайди.

- А. Содда йиғиқ гап.
- В. Содда ёйиқ гап.
- С. Қўшма гап.
- Д. Кўчирма гап.

15. Ҳирот ҳар кунги дарди, нашъаси, машаққати билан яшайди. Гапдаги уюшиқ бўлақлар тўғри берилган қаторни топинг.

- А. Ҳирот, ҳар кунги, дарди.
- В. Ҳар кунги, дарди, билан.
- С. Машаққати, нашъаси.
- Д. Дарди, нашъаси, машаққати.

16. Уюшиқ бўлақлар орасига қандай тиниш белгилари қўйилади?

- А. Нуқта.
- В. Вергул.
- С. Икки нуқта.
- Д. Чизиқча.

17. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдирган сўз –

- А. Кириш сўз.
- В. Кириш бирикма.
- С. Ундалма.
- Д. Кириш гап.

18. Кириш сўз тўғри берилган қаторни топинг.

- А. Шубҳасиз, менимча, айтишича.
- В. Ўқитувчи айтди, билдим, менимча.
- С. Ўйлашимча, билиб олдим, эшитдим.
- Д. Айтди, эшитди, тарқатди.

19. Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва оҳанг жиҳатидан боғланишидан қандай гаплар ҳосил бўлади?

- А. Содда ёйиқ гап.
- В. Содда йиғиқ гап.
- С. Қўшма гап.
- Д. Кўчирма гап.

20. Кўчирма гап берилган қаторни топинг.

- А. Мен китобни кутубхонага бориб ўқишга одатланганман.
- В. – Гапирсам, майлими? – Йўқ.
- С. Сиз капитанмисиз?
- Д. “Мени ҳам олиб кетингиз!” – деб ялинди қурбақа.

«Фонетика» бўлими юзасидан савол ва топшириқлар

1. Тилнинг «Фонетика» бўлими нимани ўргатади?
2. Нутқ товушлари неча хил бўлади?
3. Унли ва ундош товушларнинг ҳосил бўлишидаги ўзгачаликларни айтиб беринг.
4. Жарангли ва жарангсиз ундошларнинг фарқини мисоллар орқали изоҳлаб беринг.
5. Сўздаги бўғинлар сони қандай товушлар сони билан тенг бўлади?
6. Очик бўғин, ёпиқ бўғин деганда нималарни тушунасиш?
7. Китоб, аста, ёмғир, аъло, кутубхона, варрак, қуёш, хона сўзларини очик ва ёпиқ бўғинли гуруҳларга ажратинг.
8. Ўзбек тилида урғу сўзнинг қайси бўғинига тушади?
9. Берилган сўзларга урғу қўйинг. Гул, гулчи, гулчилар, гулчиларга, гулчилардан
10. Тилшуносликнинг «Графика» бўлими нимани ўргатади?
11. Нуқталар ўрнига е, э унлиларидан зарурини қўйиб, кўчиринг.
...ркинлик, ...га, Ф...руза, д...ҳқон, м...ҳмон, т...ма, т...л...фон, т...з, к...лмоқ, ...кан.
12. Қуйидаги сўзларни айириш ва юмшатиш белгиларидан мосини қўйиб, кўчиринг.
Қал...а, сан...ат, сур...ат, та...тил, сентябр..., лагер..., ал...бом, ан...ана, модел..., фе...л, фонар... .
13. Тўғри талаффуз қоидаларининг йиғиндисининг нима деб юритилади?
14. Орфография нимани ўргатади?
15. Нутқ маданияти деганда нимани тушунасиш?

Такрорлаш

1-топшириқ. Расмда кўрсатилган предметларни билдирган сўзларни айтинг. Ҳар бир сўздаги унли ва ундош товушларни кўрсатинг. Сиз айтган унлилардан ташқари, нутқимизда яна қандай унли товушлар бор?





2-топшириқ. Қайси товушларни талаффуз қилганингизда ҳаво оғиз бўшлиғида айрим тўсиқларга учрайди? Унли товушларни талаффуз қилганингизда, ҳаво шундай тўсиққа учрайдими?

266-машқ. Қуйидаги ҳикматларни ўқинг, шарҳланг. Она тилининг ҳаётингизда, айниқса, бошқа фанларни ўзлаштиришда сизга қандай ёрдам берганини айтиб беринг.

1. Тилга эътибор – элга эътибор.
2. Тилни билиш – дилни билиш. (М.)
3. Сўздир инсон ақлин далили
Сири очилур сўзлагач тили. (Н. Ҳ.)
3. Ҳар сўзки, кўнгилдин ўлди мавжуд,
Хат бўлмаса, бўлгай эрди нобуд. (М. Ҳ.)
5. Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка ани ғайрат қилинг, фойдали кондур. (А. Ў.)

267-машқ. Унли билан бошланадиган бешта сўз танлаб ёзинг. Ҳар бир сўздаги унлини алоҳида талаффуз қилинг.

 **268-машқ.** Б ҳарфи билан бошланган, 3 та товушдан иборат сўзлар занжирини тузинг. Сўзларни маъно жиҳатдан фарқлашга қайси унли ёки ундош ёрдам бераётганини айтинг.



269-машқ. Тез айтишни товушларнинг талаффузида хатога йўл қўймасдан, уч-тўрт марта аввал секин, кейин одатдаги тезликда ўқинг.

Сузма маза, чўзмаям бемазамас, маза; сузмаям маза, чўзмаям маза.

270-машқ. Адабиёт китобингиздан 6 та гап кўчиринг. Ҳар бир гапда нечта сўз, ҳар бир сўзда нечта унли ва ундош борлигини сананг. Нутқимизда қайси товушлар кўпроқ ишлатилишини исбот қилинг.